Д
6431

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги
Андижон Давлат Университети

Д
6431

Қўлёзма ҳуқуқи
УДК 327(575.1)(09)
9(575.

ХОШИМОВ Соибжон Абдураззақович

ТУРКИСТОН АССР ВА ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ МОСКВАДАГИ МУХТОР ВАКОЛАТХОНАЛАРИ ТАРИХИДАН (1918 – 1991 йиллар)

Мутахассислик: 07.00.02 – "Ўзбекистон тарихи"

Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация

Илмий раҳбар: Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, тарих фанлари доктори,профессор Р.Т.Шамсутдинов.

...ити ГОНТИ

Андижон –2001 йил.

МУНДАРИЖА

Муқаддима..... 3

I боб

ТУРКИСТОН АССРНИНГ МОСКВАДАГИ МУХТОР ВАКОЛАТХОНАСИ ФАОЛИЯТИ (1918–1924 йиллар)

1.1. Туркистон ва Россиянинг дипломатик алоқалари тарихидан 16

1.2. Туркистон АССРнинг Москвадаги мухтор ваколатхонасининг ташкил топиши 29

1.3. Ўлкадаги иқтисодий таъминот масалаларини ҳал қилишда мухтор ваколатхонанинг роли 43

1.4. Туркистондаги маънавий соҳадаги муаммоларни ҳал қилишдаги мухтор ваколатхонанинг ўрни 66

II боб

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ МОСКВАДАГИ МУХТОР ВАКОЛАТХОНАСИ (1924–1991 йиллар)

2.1. Москвадаги мухтор ваколатхона фаолиятининг қайта ташкил этилиши 81

2.2. Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг иқтисодий сиёсатини амалга оширишда ваколатхонанинг иштироки 96

2.3. Ваколатхонанинг Республикадаги маориф ва соғлиқни сақлаш тизимларининг моддий таъминоти масалаларини ҳал этишдаги фаолияти..... 116

ХУЛОСА 130

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати 137

МУҚАДДИМА

Масаланинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикасининг давла мустақиллигига эришганлиги ўзбек халқи ҳаётида буюк тарихи воқеа бўлди. Тоталитар тузумга асосланган собиқ Иттифоқнин парчаланиб кеттанлиги, Ўзбекистоннинг суверенитети ва давла мустақиллигининг эълон қилиниши — ўтган аждодларимизнинг бир ярим аср давомида ушалмай келган асрий орзулари, кўпгина авлодларнинг истиқлол йўлида тўккан қутлуғ қонларининг натижаси уларнинг ҳақ йўлидаги курашининг тантанаси бўлди. Чор ҳукумати ва сўнгра қулаб тушган тоталитар усул — идораси даврини Президентимиз Ислом Каримов: "Чор Россияси юртимизни босиб, то биз давлат мустақиллигимизни қайта тиклагунимизга қадар ўрта ҳисобда 130 йил вақт ўтди. Шу давр ичида халқимиз бошига не—не кулфатлар, балою офатлар ёғилмади. Хоҳ сиёсий, ижтимоий—иқтисодий ҳаётни олайлик хоҳ, маънавий, маданий соҳани. ... Бу даврнинг илгариги замонлардан фарқи шуки, шу вақтда, айниқса, шўролар ҳукмронлиги йилларида халқимиз ташқи дунёдан бутунлай узиб қўйилди",[1] деб изоҳлаган эди.

Мустабид давлат Ўзбекистон Республикасини ўзининг эҳти—ёжлари учун зарур хомашё етказиб берувчи ўлкага айлантирган эди. Яккаҳокимлик тузуми ҳукмронлик қилган бир шароитда Ўзбекистон жаҳонга тўғридан—тўғри чиқиш имкониятидан, халқаро алоқаларини ўзаро манфаатдорлик асосида бевосита олиб бориш ҳуқуқидан маҳрум қилинди.

Республикамиз Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек, «Ўзбекистон Республикаси учун мустақил ташқи сиёсат юритиш — давлат фаолиятининг янги ва амалда қўлланилмаган йўналиш—ларидан биридир. Яккаҳокимлик тизими шароитида Ўзбекистон халқаро майдонга тўғридан—тўғри ва очиқ чиқиш имкониятидан

[1] Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. —Т., "Шарқ". 1998, 18—19 бетлар.

маҳрум этилган бўлиб, ўзининг ташқи сиёсий давлат идораларига етарлича дипломатларига ва ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги мутахассисларига эга эмас эди».[1]

Лекин совет ҳокимияти йилларидаги, ўта чекланган имкониятларда ҳам ҳаёт тақозоси билан Ўрта Осиё халқлари, шу жумладан, ўзбек халқи орасидан ҳам қатор арбоблар, ҳарбий хўжалик ва маданият ходимлари етишиб чиққан. Улар халқаро майдонда эмас, собиқ СССР доирасида Ўзбекистон манфаатларини ифодалаб, СССР Республикалари билан ўзаро муносабатлар ўрнатиш ишларида иштирок этдилар. Бундай муносабатларда ниҳоятда чекланган доирада бўлсада, астойдил иш олиб борганлар орасида Собир Юсупов, Абдулла Авлоний, Абдураҳим Юсуфзода, Назир Тўрақулов, Иномжон Хидиралиев, Тошпўлат Норбўтабеков, Акбар Ўрозалиев, Абдусамат Бобохўжаев, Зуҳра Раҳимбобоева, Нуриддин Муҳиддинов, Сарвар Азимов, Баҳодир Абдураззоқов, Убай Абдураззоқов кабилар ўз фаолиятининг самарадорлиги билан алоҳида ажралиб турадилар. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, уларнинг ташқи сиёсат ва халқаро муаммоларни ҳал этиш каби соҳалардаги иштироклари марказнинг таъсири ва тазйиқи остида бўлиб, улар чекланган доирадан четга чиқмаган. Чунки СССР таркибидаги республикалар, жумладан Ўзбекистон республикаси ҳам давлат мустақиллигига эга эмас эди. Шу боис, улар мустақил ички ва ташқи сиёсат олиб бориш имконига эга бўлмаганлар. Москвада расмий равишда бўлсада Ўрта Осиё республикаларининг мухтор ваколатхоналари ташкил этилган эди ва бу ваколатхоналар ўз даври имкониятлари доирасида муайян фаолият кўрсаттанлар. Мустабид тузум шароитида аввалига, яъни 1918—1924 йилларда Туркистон, кейин эса, яъни 1924—1991 йилларда Ўзбекистон Республика—

---

[1] Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1— жилд. —Т., «Ўзбекистон», 1996, 50— бет.

ларининг мухтор ваколатхоналари, уларнинг шахсий таркиби айниқса раҳбарияти жуда қийин, мураккаб ва оғир шароитларда фаолият кўрсаттанлар. Улар марказнинг кескин тазйиқларига қарамай ўз республикаларининг иқтисодий, сиёсий, маънавий—маданий манфаатларини баҳоли қудрат муҳофаза қилишга, ўз ҳукуматларининг марказ олдига қўйган талаб—эҳтиёжларини қондиришга эришишга уринган. СССР деб ном олган катта ва умумий дошқозондан Ўзбекистоннинг ўз улушини имкон қадар ундиришда муҳим роль ўйнаганлар. Мухтор ваколатхона аслида марказ билан миллий республикаларни боғлаб турувчи, улар ўртасида кўп томонлама алоқаларни таъминловчи муҳим халқа бўлиб хизмат қилган бўлсада, ўлканинг манфаатларини ҳимоя қилишда, чекланган меъёрда дипломатларча иш олиб борганлар. Марказда ўлка ҳаёти билан боғлиқ муҳим муаммоларни ҳал этишда фаол иштирок эттанлар ва марказ билан Ўзбекистон алоқалари тарихида маълум из қолдирганлар. Бироқ мазкур ваколатли муассасалар фаолияти бугунги мустақиллик шароитида ҳанузгача холисона ўрганилмади. Ваҳоланки, Ўзбекистоннинг мустақилликка эришгунга қадар бўлган даврдаги тарихини илмий асосда, холисона ёритиш республикамиз тарихчи—олимларининг долзарб вазифаларидан биридир. Зеро, яқин ўтмиш тарихимизни ўрганиш, унинг қоронғи бўлиб келаётган баъзи саҳифаларини ойдинлаштириш, содир этилган хато ва нуқсонларни таҳлил этиш асосида зарур сабоқлар, назарий хулосалар чиқариш нафақат илмий, балким муҳим амалий ва тарбиявий аҳамиятга ҳам эгадир. Ўзбекистоннинг Москвадаги мухтор ваколатхонаси тарихини холисона ўрганиш масаласининг долзарблиги айнан шулар билан асосланди.

Тадқиқотнинг даврий чегаралари. Тадқиқотда 1918 йилдан то 1991 йилгача бўлган мураккаб бир тарихий даврда иш олиб борган Туркистон АССР ва Ўзбекистоннинг Москвадаги мухтор

ваколатхоналари фаолияти атрофлича тадқиқ этилади. Ваколатхон тарихи яққол ажралиб турадиган икки муҳим даврга бўлинади :

Биринчи давр — ўлкада 1917 йилда мустабид совет ҳокимияти ўрнатилгач, большевиклар томонидан ташкил этилган Туркистон АССРнинг РСФСР ҳукумати қошидаги мухтор ваколатхонаси фаолияти — 1918—1924 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда ваколатхона Туркистон АССР номидан иш олиб борди.

Иккинчи давр эса 1924—1991 йилларни ўз ичига олади. 1924 йилда Туркистонда совет ҳокимияти амалга оширган миллий худудий чегараланишдан сўнг Ўзбекистон ССР ташкил этилгач, Ўзбекистон Республикаси Министрлар Советининг Москвадаги СССР Халқ Комиссарлар Совети (кейинча Министрлар Совети) қошида 1925 йилдаёқ ташкил топган Ўзбекистон мухтор вакиллигининг то собиқ СССР парчаланиб, унинг таркибидаги республикалар давлат мустақиллигига эришгунга қадар бўлган даврдаги фаолиятини қамраб олади.

Мавзунинг тадқиқ қилинганлик даражаси. Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, Россия ва Туркистон халқларининг дипломатик алоқалари тарихига доир бир қатор илмий ишлар эълон қилинган.[1] Бу илмий тадқиқот ишларида муаллифлар Россия давлати билан Туркистон халқларининг дипломатик алоқалари тарихини қадимги даврлардан тортиб то 1917 йилгача бўлган даврни бир мунча холисона ёритиб, ана шу алоқалар тарихини илмий жиҳатдан ўрганишга катта хисса қўшганлар. Мазкур асарларда Россия билан Туркистон

---

[1] Якубовский А. Ю. Феодальное общество Средней Азии и его торговля с Восточной Европой в X—XV вв., ч. 1 МИУТ и ТССР, Л.—1932. Збруева А. В. Древние культурные связи Урала., «Вестник древней истории», —М.—Л., 1946; Зиёев Х.З. Сибирлик ўзбеклар (XVI аср XX асрнинг бошлари), Тошкент, 1958.; Зиёев Х. З. Ўрта Осиё ва Сибир (XVI—XIX асрлар). Тошкент, 1962. Аминов А. М. Экономическое развитие Средней Азии (со второй половины XIX столетия до первой мировой войны), Ташкент, 1959; Муҳаммаджонов А., Неъматов Т. Н. Бухоро ва Хиванинг Россия билан муносабатлари тарихига доир баъзи манбалар, Тошкент, 1967.; Неъматов Т. Хива ва Россия муносабатлари тарихидан (XIX асрнинг 20—50 йиллари), Тошкент, 1959.; Юлдашев М. Ю. Некоторые документальные данные о связах Средней Азии с Россией (XVI—XVII вв.). Ташкент, ИАН СОН УзССР, 1960., Халфин Н. А. Россия и ханства Средней Азии (первая половине XIX века) Москва, 1974. Гулямов Х. Г. Из истории дипломатических отношений России с Бухарским ханством в XVIII веке, — Ташкент, 1992

ўртасидаги савдо—сотиқ муносабатлари, маданий алоқалар билан би қаторда дипломатик алоқалар ва уларнинг ўзига хос томонлари ҳа кенг ва атрофлича ёритилган.

Туркистон АССР ва Ўзбекистон ССРнинг Москвадаги мухто ваколатхоналари дастлаб совет тарихшунослигида илк бор тадқи этилишга киришилган[1]. Уларни таҳлил этиб, солиштириш натижасид шундай хулосага келиш мумкинки, бу тадқиқотларнинг аксарият кучли мафкуравий тазйиқ ва коммунистик ғоя таъсири остид яратилган бўлиб, уларда масалага холисона ёндошув етишмайди. 191 йил октябрь тўнтаришидан кейинги даврдан то Ўзбекистон ССРнин ташкил топгунига қадар Москвада фаолият кўрсаттан мухтор ваколатхоналари ва уларда фаолият кўрсаттан шахслар тарихи илк бор А.Акрамов тадқиқотида ўрганилган.[2] Мазкур тадқиқотда архив материаллари асосида Туркистон АССРнинг Москвадаги мухтор ваколатхонасининг очилиши, унда фаолият кўрсаттан ходимлар шахси ва уларнинг фаолияти ёритилади. Лекин мазкур муаллифнинг бу ва шу масалага доир бошқа асарларида ўша даврда ҳукмрон бўлган большевистик мафкура талабларидан келиб чиққан ҳолда асосий эътибор партия ташкилотларининг фаолиятини ёритишга қаратилди. Шунингдек Туркистон иқтисодиёти ва маънавий ҳаётини кўтаришда марказнинг кўрсаттан ёрдами кўкларга кўтариб мақталгани ҳолда Туркистондан ташиб кетилган миллий бойликлар, Туркистон кўрсаттан иқтисодий ёрдам, маънавий ҳаётда олиб борилган

---

[1] Абдушукуров Р. Х. Октябрская революция, расцвет узбекской социалистической нации и сближение ее с нациями СССР. — Т., 1962; Турсунов Х. Т. Национальная политика Коммунистической партии в Туркестане (1917—1924гг.). — Т., 1971; Бегматов Х. Б. — Деятельность Средазбюро ЦК ВКП(б) по осуществлению ленинской национальной политики. — Т., «Фан», 1976; Гордиенко А.А. Образование Туркестанской АССР. М.1968;Раджабов С. А. В. И. Ленин и советская национальная государственность. — Душанбе, 1970; Назаров М. Х. Туркистон — интервенция ва граждалар уруши даврида (1918—1920 йиллар). — Т., 1961; Унинг ўзи. Туркистон коммунистларининг граждалар уруши йилларида буюк давлат шовинистлари ва буржуа миллатчиларига қарши кураш. — Т., 1955; Уразаев Ш. З. Туркестанская АССР — первое социалистическое государство в Средней Азии. — Ташкент, 1965, Макарова Г. П. Осуществление ленинской национальной политики в первые годы Советской власти (1917—1920 гг.), М., 1968; Иноятов Х. Против фальсификации истории победы Советской власти в Средней Азии и Казахстане. — Ташкент, 1976.

[2] Акрамов А. Полпред Республики. Ташкент, 1987.

большевикларнинг мафкуравий курашлари, бир ёқлама сиёсати оқла кўрсатилган. Шу билан бирга мухтор ваколатхонанинг фаолиятиг марказнинг аралашуви, бу ваколатхонанинг марказ кўрсатмаларида четга чиқа олмаслиги, ваколатхоналар фаолиятидаги қийинчиликла умуман ёритилмаган. Бу даврда масалага қисман алоқадор бўлган бир қанча тадқиқотлар эълон қилинди.[1] Бу тадқиқотларда кўплаб фактик материаллар, ҳужжатлар истеъмолга киритилсада, асосий эътибор Туркистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва унинг ўлка халқлари ҳаётидаги ижобий таъсирини кўкларга кўтариб мақташга қаратилган. Уларда Туркистон АССРнинг мухтор ваколатхонаси тарихи ва фаолияти чуқур илмий асосда холисона таҳлил этилмаган. Жумладан, мухтор ваколатхона фаолиятига марказнинг аралашуви, унинг ҳуқуқ ва ваколатлари чекланган ҳақида фикр юритилмаган.

Ўзбекистон ССР ҳукуматининг СССР ҳукумати қошидаги мухтор ваколатхонасининг фаолияти ва тарихига ҳуқуқшунос М.Мирҳамидовнинг асарларида тўхтаб ўтилган бўлиб, уларда мухтор ваколатхона фаолиятининг асосан ҳуқуқий жиҳатларига эътибор қаратилади.[2] Муаллиф шу масалага даҳлдор кўплаб далиллар, манба ва ҳужжатларни илмий истеъмолга киритсада, мухтор ваколатхонанинг тарихи ва унда фаолият кўрсаттан бўлимлар фаолияти очиб берилмаган. Шунингдек мухтор ваколатхонанинг ҳуқуқий фаолият доирасини аниқлашга катта эътибор берган ва декларатив характердаги ҳужжатлар шарҳланган. Бироқ мухтор ваколатхонанинг ҳуқуқлари чекланган, у марказнинг оддий ижрочисига айланиб қолгани, унинг ҳаётдаги, амалдаги ўрни ва роли тарихий, фактик

---

[1] Азизханов А. Туркбюро-полномочный орган ЦК РКП(б).Т.,1976 . Назаров С. Руководство ЦК РКП(б) партийным строительством в Средней Азии.Т.,Узбекистан, 1972. Икрамов Акмал. Избранные труды .Т.2.Т.,Узбекистан,1973. Зевелев А.И. Из истории гражданской войны в Узбекистане. Т., Госиздат УзССР, 1959. Касимов Э. Василий Алексеевич Троицкий (1892-1960). Революцией призванные. Биографические очерки (выпуск второй) Т.,1991. Хасанов К. ЦК ВКП(б) в борьбе за построение социализма в Средней Азии. Т.,Фан,1968. Никитов П.П. Из истории краха левых эсеров в Туркестане. Фрунзе, «Кыргызстан»,1965.

[2] Мирҳамидов М. Постоянное представительство Совета Министров союзной республики при Совете Министров СССР (по материалам Узбекской ССР). Автореферат диссерт., канд. юрид. наук. Ташкент, 1983. Ўша муаллиф. Посредство уполномочено сообщить. Ташкент, «Узбекистан». 1989.

материаллар асосида очиб берилмаган. Бу асарлар ҳам коммунистик мафкура тазйиқидан ҳоли эмас, давр, сиёсат, ҳукмрон мафкуранинг таъсири руҳида яратилган. Мухтор ваколатхоналар фаолиятида партиянинг роли кўкларга кўтарилиб мақталиши бунинг ёркин мисолидир. Ваҳоланки, мустабид давлат даврида айни партия мухтор ваколатхоналар устидан кучли тазйиқ ўрнатган, ваколатхоналар фаолиятига айниқса марказ паст назар билан қараб келган.

Биз тадқиқ этиш учун танлаб олган мавзунинг айрим томонларини Р.Т.Шамсутдиновнинг советлар тарихига бағишланган тадқиқотида ёритиб ўтилган.[1] Унда Туркистон АССР ва Ўзбекистон ССРнинг Москвадаги СССР ҳукумати қошидаги мухтор ваколатхоналарининг очилиш тарихи ва уларнинг илк фаолиятига даҳлдор маълумотлар қайд этилади. Бироқ тадқиқотда Туркистон АССР ва Ўзбекистон ССРнинг Москвадаги мухтор ваколатхоналарининг фаолияти махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Ўзбекистон республикаси давлат мустақиллиги қўлга киритилгач, ҳаётнинг барча соҳалари каби тарих фанида ҳам туб ўзгаришлар содир бўлди. Мафкуравий тазйиқларнинг барҳам топиши тарих фанидаги тадқиқот усулларининг янгиланиши, ўтмишни холисона, ҳаққоний ёритиш имконини берди. Ана шундай шароитда мазкур муаммо ҳақида илк бор холисона қарашлар илгари сурила бошланди. Жумладан, Р.Т.Шамсутдиновнинг асарларида[2] Туркистон АССРнинг Москвадаги мухтор ваколатхонасининг очилиш тарихи ва унда фаолият кўрсатган айрим мухтор вакиллар ҳақида холисона фикрлар илгари сурилган. Муаллиф ушбу асарларида мухтор вакилларнинг фаолияти чекланганлигини, уларни марказ кўрсатмаларидан четга

---

[1] Шамсутдинов Р. Т. Становление и развитие Советов в Средней Азии (1917—1925гг.). Проблема общего и особенного. Диссерт. док. ист. наук. — Москва, Институт истории АН СССР, 1987.

[2] Шамсутдинов Р. Т. Жасоратларга тўла ҳаёт соҳиби. — Андижон, 1991.: Тарихий меросимизга бир назар. — Андижон. 1994; Жертвы репрессии, — Андижон, 1994;

чиқа олмаганлигини илк бор кўрсатиб ўтган. Бироқ бу тадқиқотлар ҳам мухтор ваколатхоналар фаолиятини кенг ва атрофлича ёритиб бера олмайди.

Тадқиқотларнинг таҳлил ва тавсифи шундан гувоҳлик берадики Ватанимиз тарихшунослигида Туркистон АССР ва Ўзбекистон ССРнинг мухтор ваколатхоналари фаолиятига доир ҳужжатлар материалларини ҳар томонлама ўрганиб чиқиб яратилган яхлит, мукаммал илмий тадқиқот ҳозирча йўқ. Худди мана шу ҳол диссертантни мазкур мавзуни тарихий тадқиқот объекти сифатида танлаб олишга ундади ва ана шу мантиқ амри билан Туркистон АССР ва Ўзбекистон ССРнинг Москвадаги мухтор вакилликлари тарихини номзодлик диссертациянинг мавзуси қилиб белгилаб олинди.

Илмий изланишдан кўзланган мақсад ва вазифалар. Тадқиқотдан кўзланган асосий мақсад Туркистон АССР ва Ўзбекистон ССРнинг Москвадаги мухтор ваколатхоналари фаолиятини холислик, илмийлик, тарихийлик каби тамойиллар асосида ўрганиш ва ёритишдан иборат бўлиб, уни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

— Ўрта Осиё халқларининг Россия билан олиб борган дипломатик, савдо ва маданий алоқалари тарихини қисқача ёритиш ҳамда Туркистон АССР ва Ўзбекистон ССРнинг Москвадаги мухтор ваколатхоналари фаолиятининг ўша даврдаги тарихий шароитдан келиб чиққан ҳолда олиб борган фаолиятининг асосий йўналишлари ва натижаларини ўрганиш ва уларга холисона баҳо бериш;

— Мухтор ваколатхоналарнинг мустабид тузум ҳукмронлиги шароитида ва марказлаштириш сиёсати олиб борилган кескин вазиятларда Туркистон АССР ва Ўзбекистон ССР манфаатларини ҳимоя қилиш, муаммоларни ҳал этишга қай даражада эриша олган ёки эриша олмаганликларини аниқлаш;

– Туркистон АССР ва Ўзбекистон ССРнинг Москвадаги мухтор ваколатхоналарида турли даврларда фаолият кўрсатган айрим мухтор вакилларнинг фаолияти ва муҳим масалаларни ҳал этишдаги ролларини аниқлаш ;

– Мухтор ваколатхоналар фаолиятини ўрганиш асносида қилинган илмий хулосалар асосида, Россия билан ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш бўйича тажрибаларни умумлаштириш, йўл қўйилган хатолардан тўғри сабоқ чиқариш;

Диссертант ўз имкониятлари доирасида баҳоли қудрат ана шу вазифаларни ҳал қилишга ҳаракат қилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Тадқиқ этилаётган мавзу ва унинг таркибига кирган қатор масалалар ҳозиргача бизнинг ватан тарихшунослигимизда махсус илмий тадқиқот объекти бўлган эмас. Мазкур тадқиқотда Туркистон АССР ва Ўзбекистон ССРнинг Москвадаги мухтор ваколатхоналарининг фаолиятига доир илгари эълон қилинмаган архив ҳужжатлари илк бор махсус илмий истеъмолга киритилди. Илмий ишимизда келтирилган ва фойдаланилган фактик материалларнинг аксарияти биринчи бор илмий истеъмолга киритилмоқда. Шунингдек тадқиқ этилаётган мавзуга доир архив ҳужжатлари ва бошқа тарихий манбалар ҳам биринчи бор янгича талқин ва таҳлил қилинди. Тадқиқотда биринчи маротаба ваколатхоналар марказнинг чуқур тазйиқи остида ва ниҳоятда чекланган доирада фаолият кўрсатганликлари аниқ мисолларда кўрсатиб берилди. Шунингдек, ваколатхона ходимларининг ана шундай тазйиқлар ва чеклашлар шароитида республика манфаатларини имкон қадар ҳимоя қилиш борасидаги саъй–ҳаракатлари кўрсатиб берилади. Бундан ташқари, тадқиқотда биринчи марта ваколатхонага берилган ҳуқуқ ва имкониятлар уни фақатгина республика билан марказни боғловчи халқа, марказ

сиёсатининг ижрочиси сифатида фаолият кўрсатишга хизма қилганлиги очиб берилади.

Мухтор вакилларнинг 1918—1991 йиллар мобайнидаг фаолиятларини ўрганиш, уларнинг тажрибасини умумлаштириш асносида вакиллар фаолиятидаги ижобий томонлари, йўл қўйилган хато ва нуқсонлари кўрсатиб берилди. Шунингдек тадқиқот хулосаларида совет давридаги мустақил давлатчиликнинг бўлмаганлиги Ўзбекистон учун қандай оқибатларга олиб келганлиги кўрсатиб берилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Диссертациянинг амалий аҳамияти шундаки:

- Диссертацияда ўрганилган кўплаб хилма—хил ҳужжат, материаллар асосида умумлаштирилган хулосалардан Ватанимизнинг янги, ҳаққоний тарихини яратишда фойдаланиш мумкин.
- Мухтор ваколатхоналар фаолияти тарихини ўрганиш асосида эришилган натижалар, яъни мухтор ваколатхоналар фаолиятидаги ютуқ ва камчиликлар, ўта зиддиятли давр шарт—шароитларининг мазкур ваколатхона ва унинг ходимларига ўтказган таъсири ва бу борада қилинган таҳлил ва хулосалар мустақил Ўзбекистон Республикаси дипломатияси фаолиятини такомиллаштиришда ва ривожлантиришда нафи тегиши мумкин.
- Тадқиқотда ўрганилган масала бўйича кўплаб ҳужжатлар биринчи бор илмий истеъмолга киритилди, далил ва рақамлар аниқланиб, умумлаштирилди. Мазкур умумлаштирма ва хулосалардан олий ўқув юртлари тарих факультетларида «Ўзбек дипломатияси тарихи» мавзуида махсус курс ва семинарлар ташкил қилиш, умумтаълим мактабларида эса факультатив дарслар ўтиш мумкин.

– Мазкур тадқиқот ўзбек дипломатияси тарихи ва унинг тажрибалари масаласи бўйича янги бир илмий тадқиқотга асос бўлиши ҳам мумкиндир.

Тадқиқотнинг назарий – методологик асослари. Тарихий воқеалар, ҳодисалар, умуман тарихни ўрганиш, тадқиқ этишнинг марксизм–ленинизм таълимоти асосига қурилган методологияси, яъни методологик ёндашув тарихий ҳақиқатни акс эттиришга эмас, сохталаштиришга хизмат қилди. Бундай методологик ёндашувнинг синфийлик, партиявийлик каби тамойиллари умуммиллий манфаатлар ва умуминсоний қадриятларни инкор этилиши, совет тарихшунослигига хос хусусиятлар бўлиб, ўтмишни бузиб кўрсатишга олиб келди.

Мустақиллик туфайли Ватан тарихшунослигида туб ўзгаришлар содир бўлди. Ўзбекистон тарихи фанида ҳаққонийлик, холислик, тарихийлик каби жаҳон тарихшунослиги анъаналарига асосланган янги методологик ёндашувлар қарор топмоқда. Мазкур тадқиқотда ҳам айнан шу тамойилларга–холислик, ҳаққонийлик, ўзаро алоқадорлик каби тамойилларга таянилди. Маълумки, масалага тарихийлик нуқтаи назаридан қараш ижтимоий ҳаёт ходисалари, тарихий воқеалар ва жараёнларни ўзаро узвий алоқада , ворисийлик ва конкрет тарихий шароитларни назарда тутиб ўрганишга хизмат қилади. Муаммога холисона ёндошув эса, ходиса ва тарихий воқеаларни ҳар қандай субъективлик, ён босишларсиз ҳаққоний ўрганишга ёрдам беради. Қиёсий таҳлил эса, илмий тадқиқот ишида ҳамиша амал қилувчи муҳим тамойиллардан бўлиб, тарихий воқеаларни бир–бири билан узвий алоқадорликда ўрганиб, уларнинг сабаб ва оқибатларини аниқлашга имкон беради.

Тадқиқотда айнан шу тамойилларга ҳамда умуминсоний, миллий қадриятларнинг устиворлигига асосланилди. Мазкур тадқиқотнинг назарий асослари сифатида Президент И.А.Каримовнинг нутқи ва

асарларида, маънавият, фан, тарихий меросимиз, тарих фанининг роли ва ижтимоий вазифалари масалаларига оид билдирган фикрлари муҳим йўлланма бўлиб хизмат қилди.

Илмий ишнинг манбавий асослари. Диссертациянинг манбавий асоси бўлиб Россия Федерацияси Марказий Давлат архивида, Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивида сақланаётган Туркистон АССР ва Ўзбекистон ССРнинг Москвадаги мухтор ваколатхоналари фаолиятига доир ҳужжатлар хизмат қилди.

Шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерация—сидаги элчихонаси жорий архивларида сақланаётган ҳужжатларидан фойдаланилди. Ишни бажаришда асос бўлган маълум даражадаги ҳужжатлар Андижон вилоят Давлат архивида сақланяпти. Муаммонинг бир қанча жиҳатларини ёритишда мазкур архивдан олинган материаллар ва ҳужжатлар асос бўлди.

Россия Федерацияси Марказий Давлат архивидаги бир қанча жамғармалар диссертация учун қимматли материаллар манбаи бўлди. Жумладан, мазкур архивнинг 130— жамғармасида РСФСР Халқ Комиссарлари Совети ҳужжатлари, 1235— жамғармасида — Мил—латлар ишлари бўйича Халқ Комиссарлиги ҳужжатлари, 3969— жамғармасида — Бутуниттифоқ Марказий Ижроия қўмитаси ва Халқ Комиссарлари Советининг Туркистон ишлари бўйича комиссияси ҳужжатлари ҳар томонлама ўрганилди. Мухтор ваколатхоналар мазкур марказий ҳокимият органлари билан ҳамиша мулоқотда бўлганлар. Шу боис қайд этиб ўтилган жамғармаларда Туркистон АССР ва Ўзбекистон ССРнинг мухтор вакиллари фаолиятининг турли соҳаларига доир — иқтисодий ва маданий қурилиш юзасидан қўйган талаб ва таклифлари, марказ билан ўзаро ёзишмалар, ахборотлар, вакилликларнинг турли бўлимлари, мухтор вакиллари фаолиятини акс эттирадиган муҳим материаллар мавжуд. Буларнинг барчаси тадқиқотчига унинг изланишлари учун зарур қимматли материаллар

берди ва улардан мумкин қадар самарали фойдаланилди. Ишни бажаришда Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви жамғармаларида сақланаётган ҳужжатлардан ҳам фойдаланилди Жумладан, 13–жамғармада Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Қўмитаси қошидаги Туркистон Распубликаси Мухтор вакиллиги ҳужжатлари сақланади. 17–жамғармада – Туркистон АССР Марказий Ижроия Қўмитаси ҳужжатлари, 25–жамғармада Туркистон Мухтор Совет Республикаси Халқ Комиссарлари Совети ҳужжатлари, 1807–жамғармада эса Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Қўмитаси қошидаги Ўзбекистон Республикаси мухтор вакиллиги ҳужжатлари сақланади. Бу ҳужжатлар ҳам синчковлик билан ўрганилди. Чунки уларда мавзуга оид муҳим маълумотлар, чунончи ваколатхонанинг йиллик ҳисоботлари, мажлисларнинг баённомалари, турли ташкилотлар билан ёзишмалари бор. Бу маълумотлар бошқа манбалардан олинган ҳужжатлар билан ўзаро қиёсланиб, таҳлил этилди ва тегишли хулосалар қилинди. Шунингдек, тадқиқотда нафақат архив ҳужжатлари балки эсдаликлар, хотиралар, даврий матбуот материалларидан ҳам кенг фойдаланилди. Чунончи Ўзбекистоннинг Москвадаги мухтор вакили сифатида иш олиб борган Р.С.Қосимов, А.И.Фозилбеков, Э.Т.Турсуновларнинг шахсий кўрсатма, хотираларидан ҳам кенг фойдаланилди.

I БОБ. ТУРКИСТОН АССРНИНГ МОСКВАДАГИ МУХТОР ВАКОЛАТХОНАСИ ФАОЛИЯТИ (1918–1924 ЙИЛЛАР)

I.1. Туркистон ва Россиянинг дипломатик алоқалари тарихидан

Ўрта Осиё халқлари, шу жумладан ўзбек халқи орасидан қадим замонлардан бери минглаб зукко, етук давлат арбоблари, саркардалар лашкарбошилар, хўжалик ва маданият намоёндалари етишиб чиққан. Улардан бир мунчаси айни вақтда шароит тақозоси билан ташқи сиёсат ўтказиш, халқаро муаммоларни ҳал этиш, давлатлараро алоқалар ўрнатиш — дипломатия иши билан ҳам яқиндан шуғулланганлар.

Турон ерларидаги давлатларнинг Россия билан дипломатик алоқалари жуда олис даврларга бориб тақалади. Ўрта Осиёлик-ларнинг бевосита рус князликлари билан алоқалари анча қадимдан ўрнатилганки, бунга VIII асрда Марказий Осиёда зарб этилган тангаларнинг рус ерларида топилганлиги бундан гувоҳлик беради.[1] Шунингдек, IX–X асрларда Тошкентда, Самарқандда ва умуман Ўрта Осиё шаҳарларида зарб қилинган тангаларнинг Москва, Новгород, Рязань каби шаҳарларда, Владимир губерняси ҳудудида ва Ростовда олиб борилган археологик қазилмалар пайтида топилганлиги ҳам бу алоқаларнинг кейинги даврларда давом эттанлигини тасдиқлайди.[2]

Ўрта Осиё давлатларининг рус князликлари билан алоқалари Олтин Ўрда ҳукмронлиги даврида ҳам давом этган. Ўрта Осиёликлар Олтин Ўрда орқали бевосита рус князликлари ерларига бориб савдо-сотиқ қилганлар. Чунончи, XIV асрнинг биринчи ярмида Нижний Новгородда кўп сонли Хоразм ва Бухоро савдогарлари савдо-сотиқ билан машғул бўлганликлари тўғрисида маълумотлар мавжуд.[3] Ўша пайтларда Олтин Ўрда пойтахти — Саройга руслар ҳам кўчиб келиб

---

[1] Хаников Я. В. Пояснительная записки к карте Аральского моря и Хивинского ханства. — «Записки РГО». Кн. 5, 1861. Стр. 282.

[2] Зияев Х. «Ўрта Осиё ва Сибирь (XVI–XIX асрлар). Тошкент, «Фан», 1962 йил, 4–5 бетлар.

[3] Материалы по истории Узбекской, Таджикской и Туркменской ССР,часть 1. Ленинград, 1932г. стр.61.

жойлашганлар.[1] Шубҳасиз, бу ҳол Саройда яшовчи ўртаосиёликлар хусусан, хоразмликларнинг руслар билан иқтисодий ва маданий алоқаларни йўлга қўйиш имконини берган.

Ўрта Осиё халқлари дипломатияси тарихида Амир Темур давлати дипломатияси муҳим аҳамиятга эга бўлди. Унинг давлати Византия Венеция, Генуя, Франция, Испания билан биргаликда Россия билан ҳам элчилик, савдо—сотиқ ва маданий алоқалар ўрнатди[2]. Табиийки, Темурнинг ўзига хос дипломатиясини унинг ворислари ҳам давом эттирдилар. Хусусан, XV асрнинг биринчи ярмида Шоҳруҳ ва Улуғбек бу ишларнинг бошида турган бўлса, 1464 йилда рус ҳукуматининг Ўрта Осиёга юборган элчиси Ҳиротда Абу Саид томонидан катта ҳурмат билан қабул қилинган.[3]

Рус давлати билан ватандошимиз, шоир ва давлат арбоби, буюк саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам Ҳиндистон тахтида ўтирар экан, элчилик алоқаларини ўрнатишга ҳаракат қилган. Ҳиндистон подшоси Бобур Мирзо номидан Хўжа Ҳусайн исмли элчи махсус ёрлиқ билан 1532 йилда Москвага келган. Мазкур ёрлиқда «дўст ва иттифоқ» бўлиш, ҳар икки томон савдогарларининг қатнашларига йўл бериш рус подшосига таклиф қилинган эди.[4]

Ўрта Осиё халқларининг рус давлати билан дипломатик алоқалари хонликлар даврига келиб янада ривож топди ва ўзига хос тус олди. Юқорида қайд этиб ўтилганидек, Ўрта Осиёдаги хонликлар билан Россия ўртасидаги дипломатик алоқалар Россия давлатчилиги тарихида алоҳида из қолдирган ва бу алоқалар Пётр I даврида жуда кучайган. Бу император 1714 йил май ойида Бекович—Черкасский (Искандарбек) бошчилигида экспедиция ташкил этган эди. Бироқ

---

[1] Голубинский Е. История русской церкви, 1900, т. 11, стр.41.
[2] Хошимов С. Темур ва темурийлар даврида Русия билан савдо ва элчилик алоқалари тарихидан. Тўплам. Андижонда соҳибқиронни хотирлаб. Андижон 1995.116—бет.
[3] Ўша ерда.
[4] Русско—индийские отношения в XVII веке, Сборник документов, 1958, стр. 6.

Хива хони Шерғозихон бу экспедиция қатнашчиларини ўлдиртириб юбориб, ўзининг давлати учун туғилган хавфнинг олдини олган эди.

Хива хонлиги билан Россия ўртасидаги дипломатик муносабатлар қалтис тус олган бир пайтда Қўқон ва Бухоро хонликларининг Россия билан иқтисодий ва дипломатик муносабатлари яхшилана борди. 1825 йилда Бухородан Бекназар Абдулкарим бошчилигида амир ёрлиғи ва совғалари билан Петербургга махсус элчилар юборилди.[1] 1828 йилда эса Қўқон хони Мадалихон ҳам Турсунхўжа ва Хўжа Мирқурбонҳожи бошчилигида 14 кишидан иборат элчиларни Петербургга жўнатди.[2] Шунингдек, Мадалихон 1829 йилда Петербургга элчилар юборади.[3] У ўз ёрлиғида иккала мамлакат ўртасидаги савдо муносабатларини янада ривожлантириш керакли-гини қайд этиш билан бирга «Ҳар иккала давлат фуқароларидан айрим шахслар баъзи сабабларга кўра у ёки бу томонга кўчиб ўтишни истасалар, бунга тўсқинлик қилмаслик» масаласини ўртага ташлайди. Мадалихон кейинги йили, яъни, 1830 йилда Россияга элчилар жўнатди.[4] У ўз элчилари орқали рус давлатидан ер ости бойликларини ўрганиш ва қидиришда Қўқонга ёрдам бериш учун иккита кон инженерини юборишни илтимос қилади.

Қўқондан Россияга қатнаган дипломатик вакилларни ташриф-ларига жавобан рус давлати ҳам Қўқонга Н.Потанин бошчилигидаги ўз элчиларини юборади.[5]

1830 йил август ойида Бухоро амири Насрулло ўз ҳарбий қўмондони Султонқули Раҳматбек бошчилигида 30 кишидан иборат элчиларини ёрлиқ ва совғалар билан Петербургга жўнатди.[6]

---

[1] Семенов А.А. К истории дипломатических сношений между Россией и Бухарой в начале XIX века, «Известия АН УзССР», Ташкент, 1961, № 1, стр.58.
[2] «Памятная книжка Западной Сибири», Омск, 1881, стр.100.
[3] Халфин Н. А. Россия и ханства Средней Азии (первая половина XIX века) Изд. «Наука», Главная редакция восточной литературы. М., 1974. стр. 229.
[4] Ўша асар, ўша бет.
[5] Зияев Х. Ўрта Осиё ва Сибирь (XVI–XIX асрлар). 173–бет.
[6] Семенов А.А. К истории дипломатических сношений между Россией и Бухарой в начале XIX века», «Известия АН УзССР», Ташкент. 1961, стр 86.

Бунга жавобан эса, 1835 йилда рус давлатининг элчиси прапоршик Виткевич Бухорога келиб, ҳар иккала давлат ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий масалалар юзасидан Насрулло ва сарой ходимлари билан суҳбатлар олиб борди.[1] 1834—1835 йилларда Тошкент Қушбегиси билан Оренбург генерал—губернатори ўртасида элчилар қатнаб, ўзаро муносабатларни яхшилаш, чегараларни аниқлаш, ҳар иккала томон карвонларининг Иртиш дарёсидан монесиз ўтиши, сира ҳам уруш қилмасдан тинч—тотув яшаш каби масалалар юзасидан музокаралар олиб боришди.[2]

1836 йилнинг июль ойида Бухоро амирининг қоровулбеги Қурбонбек Ашурбек бошчилигида 15 кишидан иборат вакиллари Орскка ва у ердан рус подшосининг номига ёзилган ёрлиқ, унга совғалар, қушбеги номидан ташқи ишлар вазири ва Осиё департаменти директори номига ёзилган мактуб билан Петербургга бордилар.[3]

1838 йил 5 августда Насруллохон яна Болтақулибек бошчилиги—даги элчилар орқали рус подшосининг ташқи ишлар вазири граф Нессельрод ва Оренбург генерал—губернатори Перовский номларига ёзилган мактубларини, шунингдек, подшога отлар, филлар ва бошқа совғаларни юборади.[4] Амирнинг талабига кўра подшо 1839 йил апрель ойида кон муҳандиси Ковалевский бошчилигидаги мутахассисларни Бухорога юбориш ҳақида фармон беради.[5]

1839 йилда инглиз қўшинлари Афғонистонни забт эттанлиги туфайли 1840 йил июль ойида Бухоро амири Насруллохон Қулибий Мулла Муқимбек бошчилигида 39 кишилик элчиларни Петербургга

---

[1] Терентьев М. А. История завоевания Средней Азии, т. 1, СПБ, 1906, стр. 109.
[2] Хожиев З. Тошкент ва Россия иқтисодий алоқалари тарихидан (XVIII аср ва XIX асрнинг бо—ши). ЎзССР ФА ахбороти, 1961, № 3.
[3] Халфин Н. А. Россия и ханства Средней Азии (первая половина XIX века) М. 1974, стр 256.
[4] Ўша асар, 260—бет.
[5] Ўша асар. 262—бет.

юборишга қарор қилди.[1] Элчилар инглизларнинг Ўрта Осиё ерларига хавф сола бошлаганини рус давлатига маълум қилдилар ва агар инглиз қўшинлари ҳужумга ўттудай бўлсалар, Россия хонликни мудофаа қилишни ўз зиммасига олишни илтимос қилдилар.

1839—1840 йилларда Хивага юборилган генерал Перовский бошлиқ ҳарбий экспедиция натижасиз тугади. Бунга жавобан Хива ҳукмдори Оллоқулихон 1840 йил 23 сентябрда Отаниёзхўжа Муфти бошчилигидаги дипломатик элчиларни алоҳида ёрлиқ ва совғалар билан Оренбургга жўнатди.[2] У Россия билан иқтисодий ва дипломатик алоқаларни тиклашга, рус давлатининг барча талабларини бажаришга тайёр эканлигини билдирди.

Қўқон хони Мадалихон 1841 йил август ойида Муҳаммад Халил Сағибзода бошчилигидаги элчиларни рус подшоси номига ёзган ёрлиқ ва совғалар билан Петербургга жўнатди.[3]

1841 йил баҳорида рус подшоси Ўрта Осиё хонликлари элчиларининг сафарларига жавобан мазкур хонликларга ўз дипломатик вакилларини юборишга қарор қилган эди. Бироқ Қўқон хонлигида содир бўлган воқеалар туфайли бу ерга элчилар юбориш вақтинча тўхтатиб қўйилди, бошқа хонликларга элчилар юборишга тайёргарлик кўриш давом эттирилди.

Полковник Бутенев бошлиқ элчилар 1841 йил 20 майда Оренбургдан Сирдарёгача подполковник Бларамберг қўмондонлигидаги ураллик 400 казак ва 100 та пиёда аскар ҳимоясида йўлга чиқди ва ўша йили 5 августда Бухорога етиб келдилар ва 1841 йил 15

---

[1] Хальфин Н. А. Присоединение Средней Азии к России (60—90-е годы XIX в.) Москва, изд. «Наука», 1965, стр. 14.

[2] Соатов С. Ўзбекистон ССР тарихидан ўқув қўлланмаси. Тошкент, «Ўқитувчи», 1973, 89-бет.

[3] Муҳаммад Халил 1826 ва 1832 йилларда Россияда бўлган эди. У ўз замонасининг энг билимдон уламоларидан бўлиш билан бирга таниқли дипломатлардан бири эди. Муҳаммад Халил рус давлати билан Қўқон хонлиги ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий алоқаларни яхшилашга ҳаракат қилган.

августда Бутенев бошчилигидаги элчилар амир ва унинг сарой ходимлари билан музокаралар бошладилар[1].

Россиядан Бухорога Бутенев бошчилигидаги элчилар юборилган бир вақтда Хивага капитан Никифоров ва поручик Аитов бошчилигидаги икки топограф, ураллик 12 казакдан иборат элчилар юборилган эди.[2] Элчилар 1841 йил августида Хивага етиб келадилар. Оллоқулихон икки кун давомида — 11—14 август кунлари элчилар билан суҳбатда шошилинч Олий кенгаш йиғилишини чақирдики, кенгаш Никифоров томонидан қўйилган масалаларга ҳеч қандай жавоб бермасдан, Россиядан бутунлай бошқа, янги элчилар юборишни илтимос қилиш ҳақида қарор қабул қилди.

1841 йил 27 октябрда Оллоқулихон Ниёз Эшбой бошчилигида 16 кишидан иборат ўз элчиларини Россияга жўнатди. Улар 1842 йил 10 мартда Петербургга етиб бордилар. Элчиларни Николай I қабул қилди. Хивага янги элчилар юборишга қарор қилинди.[3] 1842 йил 1 августда Хивага томон йўлга чиққан рус элчиларини 17 сентябрда Оллоқулихоннинг нуфузли кишилари Хива чегарасида кутиб олдилар ва улар 19 октябрда Хивага етиб келдилар.[4]

1842 йил 22 декабрда эса Данилевский бошчилигидаги элчилар ҳамда Хива хони ҳузуридаги Олий кенгаш томонидан сайланган Муҳаммад Амин Авазберди бошчилигидаги 14 кишидан иборат элчилар Россияга жўнаб кетдилар ва 1843 йил 13 майда Петербургга етиб бордилар.[5]

Бундан сўнг Қўқоннинг янги хони Шерали (1842—1845) 1844 йил 3 июнда Ниёзмуҳаммад Неъмат бошчилигида дипломатик элчиларни

---

[1] Халфин Н. А. Россия и ханства Средней Азии . Москва, изд. «Наука», 1974, стр.301.
[2] Остроумов Н. Бухарские и Хивинские посольства в России и русские посольства в Бухаре и Хиве. «Туркестанские ведомости», 1907, № 89, стр. 21.
[3] Ўша ерда.
[4] Уша ерда.
[5] Муҳаммаджонов А., Неъматов Т. Бухоро ва Хиванинг Россия билан муносабатлари тарихига доир баъзи манбалар. Тошкент, 1957, 71—бет, «Сборник материалов для истории завоевание Туркестанского края», 1841, т.111, Ташкент, 1912.

Семипалатинск шаҳрига жўнатиб, 1841—1842 йилларда Россияга юборилган Муҳаммад Халил бошчилигидаги элчилар бошлаган ишни давом эттиришни билдириш билан бирга Қўқон хонлиги ва Россия ўртасида шартнома тузиш истагини маълум қилди.[1]

1845 йил ноябрида Хиванинг янги хони Муҳамад Амин (1845—1855) Шукрулло ва Қиличбий бошчилигида 10 кишидан иборат элчиларни Оренбургга жўнаттан бўлса, 1847 йил 28 ноябрида эса Қўқон хонининг Мулла Абдулла Муфтий бошчилигидаги элчилари ёрлиқ билан Омскка жўнаб кетишди.

1848 йилда Амир Насрулло ўз элчиларини Россияга юбориш йўли билан ўз муносабатларини жонлантиришга уриниб кўрди. У 1848 йилда Мирзахўжа Хайрулло бошчилигида 20 кишидан иборат элчиларни Раим қўрғонига жўнатди.[2]

XIX асрнинг 50– йилларидан бошланган чор Россиясининг Ўрта Осиё хонликларига ҳарбий—сиёсий тазйиқи 80– йилларнинг ўрталарига келиб бу худудларни амалда батамом бўйсундириш билан тугалланди.

Бунинг оқибатида Ўрта Осиёда тўла мустамлакачилик тузуми ўрнатилди. Мазкур минтақадаги иқтисодий, сиёсий ҳаётни идора қилиш, ташқи сиёсатни юргизиш чоризмнинг мустамлакачи маъмурияти қўлида тўпланди.

Гарчи Бухоро ва Хива хонликлари номигагина сақлаб қолинган бўлса—да, бироқ улар амалда Россиянинг вассалларига айланти—рилган эдилар ва улар қўшни давлатлар билан муносабатларини мустақил ўрнатиш, мустақил ташқи сиёсат юргизиш ҳуқуқидан маҳрум этилган эдилар. Рус подшоси Туркистон генерал—губернаторига ўлкани бошқаришда чекланмаган ваколатлар берган

---

[1] Муҳаммаджонов А.. Неъматов Т. Бухоро ва Хиванинг Россия билан муносабатлари тарихига доир баъзи манбалар, 71—бет.

[2] Муҳаммаджонов А.. Неъматов Т. Бухоро ва Хиванинг Россия билан муносабатлари тарихига доир баъзи манбалар, 328—бет.

эди. Генерал—губернаторлик шу тариқа Туркистонда мутлақ ҳоким сифатида фаолият кўрсата бошлади.

Россия империясининг Ўрта Осиёга босқини, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигининг унга бўйсунувчи вассалларга айлантирилиши натижасида қадимий тарихга эга бўлган элчилик анъаналарининг, миллий дипломатиямизнинг бундан кейинги ривожланишига чек қўйилди. Туркистон ва Россия ўртасидаги ўзаро алоқалар мустақил давлатлараро муносабат сифатида юритилишига барҳам берилди.

1917 йил октябрь тўнтариши Туркистон халқлари тарихида Россия мустамлакачилигининг янги даврини бошлаб берди. Большевиклардан иборат бўлган Тошкент Советининг Ижроия Қўмитаси Тошкент гарнизони қўли билан 1917 йил 1 ноябрда ҳарбий йўл билан давлат тўнтаришини амалга оширди.

2 ноябрда Туркистон ўлкаси демократик ташкилотларининг қўшма мажлиси бўлиб, унда Муваққат ўлка ҳокимияти ташкил этиш масаласи муҳокама қилинди. Аммо мазкур анжуманда ўлка совети фақат маслаҳат овози билангина қатнашиш имкониятига эга бўлдилар холос. Албатта бундан маҳаллий совет вакиллари норози бўлдилар ва 12—15 ноябрда уламочилар ташаббуси билан Туркистон ўлкаси мусулмонларининг учинчи қурултойига тўпландилар. Унда кўрилган бош масала яна ҳокимият масаласи бўлди. Қурултой ҳокимият масаласида мусулмонларнинг II ўлка қурултойи қарорларини маъқуллаб қарор қилади: "Ҳокимиятнинг аскар, ишчи ва деҳқонлар депутатлари советларининг қўлига ўтганлиги муносабати билан Туркистон аҳолисининг 98 фойизини ташкил этган ва умумий сони 10 миллион кишидан иборат бўлган мусулмонлар Россия инқилоби кўтариб чиққан "Озодлик, Тенглик, Биродарлик" шиорларига мувофиқ миллий, маданий мухторият ҳуқуқига эгадирлар"[1]

---

[1] Аъзамхужаев Саидакбар. Туркистон мухторияти. 26- бет.

Бироқ Туркистон ўлкаси ишчи, аскар ва деҳқон депутатлари Советининг 1917 йил 15—22 ноябрда бўлиб ўтган III съездида ўлка мусулмонларининг вакиллари маслаҳат овози билан қатнашдилар. Съездда муҳокама қилинган масалалар марказида ўлка ҳокимиятининг сиёсий характери ва структураси турди. Ушбу масалалар юзасидан Туркистон ишчи, деҳқон ва аскар депутатлари Советининг III съездида шовинистик ва миллатчилик руҳи билан суғорилган қарорлар қабул қилинди. Кенгаш таркибига 7 большевик ва максималист, 8 сўл эсер кирди. Туркистон ўлка Халқ Комиссарлар совети раиси этиб Ф.И.Колесов, унинг ўринбосари қилиб Зеленский ва котибликка Котельников сайланди.

Туркистон большевиклари ва сўл эсерлар Туркистон мусулмон аҳолисининг ўлкани бошқаришга бўлган ҳуқуқини рад қилиб, ҳокимият тўғрисидаги масалани келишиб ҳал қилиш имкониятини инкор этдилар ва шу билан ўлка сиёсий ҳаётидаги кучларнинг келажакда мухолиф кучга айланишини олдиндан муқаррар қилиб қўйдилар. Шу боис Туркистон ўлкасидаги "Шўрои Ислом", "Шўрои уламо" ва бошқа шу сингари демократик ташкилотлар миллий масалани ҳал қилиш бўйича совет ҳукумати, шахсан большевойлар доҳийси В.И.Лениннинг ўзи эълон қилган «Россия халқлари ҳуқуқлари декларацияси» (1917 йил 15 ноябрь) ва "Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига" (1917 йил 22 ноябрь) мурожаатномаси каби ҳужжатларга асосланиб миллий истиқлол муаммосини ўзлари мустақил ҳал қилишга киришдилар. Бу борада 1917 йил 26—29 ноябрда Қўқонда ўз ишини олиб борган Туркистон ўлка мусулмонларининг фавқулодда IV қурултойи катта аҳамиятга эга бўлди. Қурултой 26 ноябрь куни Қўқонда иш бошлади.[1] Унда ўлканинг барча минтақаларидаги кўпгина жамоат ташкилотларидан 200 нафардан ортиқ делегат ҳозир бўлди.

---

[1] Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Ташкент. Шарқ. 2000. 81-с.

Туркистонни бошқариш шакли тўғрисидаги масала съезднинг диққат марказида турди. Бу масала муҳокамасида сўзга чиқиб билдирилган фикрларнинг кўпчилиги Туркистоннинг мухтор республика деб эълон қилинишига қаршилик кўрсатаётган большевикларнинг сиёсатига, уларнинг мусулмон аҳолиси ички турмушига аралашувига қарши қаратилган кескин танқид билан ажралиб турар эди. Қурултой иштирокчилари мухторият ва мустақиллик эълон қилиш фикрини қўллаб — қувватлади.

27 ноябрь куни якдиллик билан қабул қилинган резолюцияда мана бундай дейилган эди: "Ўлка умуммусулмонларининг фавқулодда IV съезди Туркистонда яшаб турган элатларнинг Улуғ Россия инқилоби эълон қилган асосларда ўз—ўзини белгилашга бўлган истак—иродасини ифодалаб, Туркистон Россия Федератив Демократик республикасига бирлашган ҳудудий муҳторият деб эълон қилади ва мухторият шаклини белгилашни энг яқин муддатда чақирилиши керак бўлган Туркистон таъсис мажлиси ихтиёрига беради ҳамда тантанали суратда шуни маълум қиладики, Туркистонда яшаб турган майда миллатларнинг ҳуқуқлари ҳар қандай йўллар билан ҳимоя этилади".

Ташкил этиладиган давлат тузумининг номи 28 ноябрь куни белгиланди — унга "Туркистон мухторияти"[1] деган ном қўйилди. Съезд Бутунроссия таъсис мажлиси чақирилгунча ҳокимиятни янги тузилган Муваққат Туркистон совети ва Туркистон халқ мажлисига берди.

Қурултойда Муваққат ҳукумат сайланди. Унинг таркибига 8 киши киритилди: Муҳаммаджон Танишбоев — бош вазир, ички ишлар вазири; Ислом Шоаҳмедов — бош вазир ўринбосари; Мустафо Чўқаев — ташқи ишлар вазири; Убайдулла Хўжаев — ҳарбий вазир[2]

---

[1] "Улуғ Туркистон", 1917 йил, 8 декабрь; "Туркестанский вестник", 1917 йил 1 декабрь.

[2] Агзамходжаев С.С. Из истории борьбы за автономию Туркестана. - Туркистон мустақиллиги ва бирлиги учун кураш саҳифалари. Т. "Фан", 1996, 31- бет.

ва бошқалар шулар жумласидан. Қолган тўртта жой овруполик халқдан сайланган вакилларнинг эгаллаши учун қолдирилди.

Мухторият эълон қилинишини Туркистон халқлари кўпдан орзу қилинган ўз миллий давлатига эга бўлиш деб билдилар, бунга жавобан оммавий бирдамлик ҳаракати бошланиб кетди. 1917 йил 6 декабрь куни Тошкентнинг эски шаҳридаги 60 минг кишилик мусулмонлар митинги Мухтор Туркистон ҳукумати тузилганини қизғин муборакбод қилди ва уни ўлкадаги ягона ҳокимият деб тан олди.

Аммо совет ҳокимияти Туркистон халқларининг эрки ва иродаси акс этган бу ҳукуматини бешикдалигидаёқ бўғиб ташлади. Туркистон мухторияти қонга беланди. Мухтор ҳукуматнинг халқ ўртасидаги обрў—эътибори ва нуфузи большевикларни ташвишга солиб қўйди. 1918 йил 19—26 январь (1—8 февраль) да Тошкентда бўлган Туркистон ўлкаси ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари советларининг фавқулодда IV съезди Туркистон мухторияти ҳукумати ва унинг аъзоларини қонундан ташқари ҳолатда деб, ҳукумат аъзоларини қамоққа олиш тўғрисида қарор чиқарди. 1918 йил 30 январь (12 февраль)да Туркистон ХКС мухторият ҳукуматини тугатиш учун ҳарбий ҳаракатларини бошлаб 18 февралгача Туркистон мухторияти ҳукумати большевикларнинг қонли хужумлари оқибатида ағдариб ташланди. Қўқоннинг ўзида уч кун давомида 10 минг киши ўлдирилди.[1] Собиқ хонлик пойтахти бўлган Қўқон шаҳри буткул вайронага айлантирилди.

Большевиклар истак — хоҳишига батамом жавоб бера оладиган Туркистон мухтор совет Республикаси Туркистон ўлкаси советларининг V съездида ташкил этилди. Ўлка советларининг V съезди 1918 йил 20 апрелдан 1 майга қадар бўлиб ўтди. 23—26 апрелда съезд саноат корхоналарини миллийлаштириш, темир йўл

---

[1] Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. "Шарқ" нашриёт—матбаа концерни Бош таҳририяти. —Т., 2000, 74— бет.

транспортидаги ишларнинг бориши, ер—сувга доир тадбирларни амалга ошириш, ҳарбий қурилиш, Туркистондаги озиқ—овқат ишларининг аҳволи каби масалаларни муҳокама қилди ва қарорлар қабул қилди. 27 апрелда қабул қилинган "Туркистон халқ комиссарлари советининг навбатдаги вазифалари тўғрисида"ги декларацияда очиқдан—очиқ мустамлакачилик руҳидаги қарор қабул қилинди. Унда: "... Туркистон Россия Федерациясининг таркибий қисми бўлиб қолади", дейилган эди. 30 апрелда съезд РСФСР таркибига кирувчи Туркистон Совет Мухтор Республикасини тузиш тўғрисидаги қарорини қабул қилди ва "Туркистон Совет Республикаси тўғрисида Низом"ни тасдиқлади.[1]

Съезд Туркистон Мухтор Совет Республикасининг Марказий Ижроия Қўмитасини ва Халқ Комиссарлари советини сайлади. Марказий Ижроия Қўмитасининг таркибига 26 киши сайланди. Шундан фақат 7 кишигина маҳаллий миллат вакили эди.[2] Ана шу тариқа советлар ҳукумати биз Туркистон ўлкаси халқларининг талаб ва эҳтиёжларини қондирдик, уларга мухторият бердик деб дунёга жар солдилар. Амалда эса берилган мухторият табиатан миллий эмас, ҳудудий эди, холос. Бу мухториятнинг барча самаралари мустамлакачи советлар ҳукумати манфаатларига бўйсундирилган эди. Туркистонда ҳокимиятни тўла қўлга киритган большевиклар энди ўлкада ўзларининг асосий мақсади мустамлакачилик, шовинистик ва улуғ рус мустамлакачилиги сиёсатини амалга оширишга киришди. Улар ўлкада олиб бораётган мустамлакачилик сиёсатини жаҳон афкор оммасидан яширишга уриндилар. Бунга Туркистон Марказий Ижроия Қўмитасининг раиси ашаддий шовинист большевик А.А.Казаковнинг қуйидаги фикри мисол бўла олади. У ўзларининг Туркистонда олиб бораётган сиёсатини оқлаб, 1919 йил 24 майда ўлка мусулмон

---

[1] Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Ташкент. Шарк. 2000. 115- с.
[2] Ўша ерда 116 бет.

коммунистларининг I ўлка конференциясида бундай деган эди: "Туркистон жумҳуриятида 95 фоиз мусулмон ва фақаттина 5 фоиз руслар яшайди ва шу 5 фоиз бутун ҳокимиятни деярли ўз қўлида ушлаб турибди. Шундай қилиб, озчилик ҳукмронлиги давом этмоқда. Лекин, бу вақтинча ҳол. Мусулмон дунёси тайёр бўлгач биз жумҳуриятни бошқариш ишини унга топширамиз. Биз уларга ёрдам берамиз". А.А.Казаков ва унинг атрофидаги рус шовинист маслакдошлари Туркистон ўлкасидаги маҳаллий аҳоли саводсиз, пролетариат йўқ, шу боисдан улар ҳокимиятни мустақил бошқаришга тайёр эмас деган асоссиз уйдирмани илгари сурдилар.

РКП(б) МҚнинг сиёсий бюроси 1920 йил 29 июнда "РКП(б)нинг Туркистондаги асосий вазифалари тўғрисида" деган номда бирлаштирилган бир неча қарорлар қабул қилди. Жумладан, "Туркистонда ҳокимиятни ташкил этиш тўғрисида" деган қарорда Туркистонда Бутун Россия Марказий Ижроия Қўмитаси, РСФСР Халқ Комиссарлар Совети ва РКП(б) МҚнинг доимий ваколатхонаси (амалда назоратчиси) бўлиши зарурлиги кўрсатилди. Бу билан ҳатто Туркистон комфирқаси, Туркистон совети Марказий Ижроия Қўмитасининг ҳаракат доираси ҳам чекланиб, назоратта олинди.

Шундай қилиб, большевиклар Туркистонда ўзларининг якка ҳукмронлик мавқеларини ўрнатиш йўлида ҳеч қандай нарсадан қайтмадилар. Улар бу мақсадни рўёбга чиқариш учун халқ оммасининг онгини чалғитишга қаратилган ташвиқот, тарғибот ва айғоқчиликдан тортиб то даҳшатли қирғин, талон—тарож қилиш ва ўтда ёндиришгача бўлган барча воситалардан фойдаландилар.

Россия билан Туркистон ўртасидаги бундан кейинги муносабатлар тенг ҳуқуқли субъектлар орасидаги алоқа сифатида эмас, балки Туркистон ўлкасининг марказга тўла тобелиги, яъни метрополия ва мустамлака орасидаги муносабат сифатида шаклланди ва юритилди.

I. 2. ТУРКИСТОН АССРНИНГ МОСКВАДАГИ МУХТОР ВАКОЛАТХОНАСИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ

Туркистонда бошланган миллий озодлик кураши ва Россияда бораётган фуқаролар уруши натижасида ўлкадаги мавжуд совет ҳукумати билан Россиядаги большевиклар бошлиқ марказий ҳукумат ўртасидаги алоқалар узилиб қолган, Туркистондаги вазиятдан РСФСР ҳукумати бехабар қолган эди. Ўз навбатида Туркистондаги большевик ҳукумати ҳам РСФСР билан ўз алоқаларини йўлга қўйиши зарур эди. Шу мақсадда 1918 йил 15 майдаги Туркистон Совет Республикаси МИКнинг навбатдаги йиғилишида Туркистон Республикаси МИКнинг фавқулоддаги беш кишидан иборат делегациясини Москвага жўнатиш тўғрисида қарор қабул қилинди.[1] Фавқулоддаги делегациянинг таркибини Туркистон Комфирқасининг съездида аниқлашга келишиб олинди. Туркистон Коммунистик фирқасининг I съездида Туркистон Республикаси МИКнинг Фавқулоддаги делегациясини таркибига ойдинлик киритди. Делегациянинг таркиби раиси С.П.Килячков, аъзолари К.П.Голятовский, С.В.Теодорович, В.А.Троицкий ва С.М.Юсупов—лардан иборат эди, яъни Туркистон делегациясининг таркибига фақатгина битта маҳаллий миллат вакили киритилганди. Делегация съезднинг иккинчи куни, яъни 1918 йил 18 июнда йўлга чиқдилар. Россиядаги большевиклар ҳукуматига мухолиф бўлган генерал Дутов бошчилигидаги оқ казак қўшинлари 1917 йил ноябрь ойида Оренбург, Троицкий, Челябинск каби муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган худудларни ишғол қилганлиги туфайли темир йўл алоқаси узилди ва Россияни Туркистон билан бевосита алоқа қилиш имкони қолмади. Туркистонни Россия билан боғловчи асосий, бирдан—бир йўл Каспий денгизи бўлиб қолди. Вакиллар ўзи билан бирга махфий ҳужжатларни, яъни совет

[1] Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Сборник документов. Том II. Ташкент. «Фан». 1972г. 269—стр.

ҳокимиятининг ўлкадаги иқтисодий ҳолатни акс эттирувчи ҳисоботини, республикадаги пахтачилик, ирригация ва бошқа хўжалик тармоқларининг аҳволи ҳақидаги ҳужжатларни олиб бордилар.[1]

Москвада делегация аъзолари РСФСРнинг марказий матбуот вакилларига Туркистондаги вазият, делегациянинг мақсад ва вазифалари ҳақида ахборот берадилар.[2]

Бутунроссия Советларининг V съезди тугагач, делегация аъзоларини Бутунроссия Ижроия Комитети раиси Я.М.Свердлов ва Халқ Комиссарлари Совети раиси В.И.Ленин қабул қилди. С.М. Юсупов ва В.А.Троицкийлар Туркистон Республикаси делегацияси номидан марказ раҳбарларига ўлкадаги оғир вазият ҳақида, озиқ—овқат, кийим—бош, айниқса, нон маҳсулотларининг тақчиллиги, ўлкадаги очарчилик ҳақида ахборот бердилар. Дарҳақиқат, ўлкадаги аҳвол ниҳоятда оғир эди. Совет ҳокимиятининг ўлкадаги юриттан мустамлакачилик сиёсати оқибатида вазият ниҳоятда кескинлашиб борди. РСФСР раҳбарияти, большевиклар минтақани сиёсий—маъмурий қарамликда тутиш билан бирга, бундаги бойликларга эгалик қилишга асосий эътиборни қаратдилар. Туркистон худудининг хом—ашё бойликларини талон—тарож қилишда давом этиш кўзда тутилди. Шу мақсадда бош маҳкамалари Москвада жойлашган главхлопком (пахтачилик қўмитаси), шелкотрест (пиллачилик трести) ва шу каби ташкилотлар ташкил қилинган. Ўлкада пахта якка хокимлигининг вужудга кела бошлаши, ғалла экин майдонларининг қисқариши ўлкада нон маҳсулотлари танқислигини, ҳамда очарчиликнинг келиб чиқишига сабаб бўлганди.

Делегация ахборотидан сўнг МИКнинг Туркистон билан Марказий ҳукумат алоқаларини делегация аъзолари иштирокида

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви 13—жамғарма, 1—рўйхат, 1—иш, 11—варақ.

[2] «Известия», (Москва), 19 июля 1918 года.

кўриб чиқувчи комиссия тузилди. Буни В.И.Ленин ва Я.М.Свердловлар қўллаб—қувватладилар. Комиссия ўз ишини 20 июль куни бошлади.[1] Бундан кўриниб турибдики, делегация аъзоларига Туркистон МИК ўз номидан марказда иш юритиш учун тўла ваколат берганди.

1918 йил 24 июлда Туркистон АССРнинг мухтор вакиллари С.М.Юсупов ва В.А.Троицкийлар Бутуниттифоқ МИК комиссарлари советининг миллий масала бўйича ходимлари, Адлия ХК, Давлат назорати комиссияси, ҳарбий ишлар бўйича ХК вакиллари билан Туркистон АССР ва РСФСР ўртасидаги федератив алоқалар масаласини кўриб чиқди. Комиссия Туркистон АССРнинг Бутунроссия МИК қошида мухтор ваколатхонасининг бўлишини зарур деб топди ва қарор қилди: «Туркистон АССРнинг Москва шаҳрида Бутунроссия МИК қошида Туркистон мухтор ваколатхонаси Республикага тегишли масалаларни биргаликда ҳал қилиш учун очилсин».[2]

Комиссиянинг иши шу билан тўхтаб қолмади, балки унинг иш фаолияти давомида автономиянинг қай усулда бўлиши, марказий органларни қандай ном билан аташ масаласида тортишувлар бўлиб ўтди. Комиссия аъзолари қарама—қарши фикрларни ўртага ташладилар.

Масалан, Бутунроссия МИК вакиллари А. П. Розенгольц, А. С. Енукидзе ва Хмельницкийлар Туркистоннинг автономия ҳуқуқлари-ни сўзсиз тан олиш, ўзини кенг кўламда ички ишларини бошқаришини РСФСР Конституциясининг 11—бандида кўрсатилишича талқин этиб, шунга кўра улар Туркистон вакилларининг автономия ва олий органларни номлаш масаласидаги фикрларига қарши турдилар. Улар РСФСР Конституциясининг 11— ва 49—бандига асосланиб,

---

[1] Революцией призванные (Биографические очерки). Ташкент, «Узбекистан», 1991 стр. 179.
[2] ЎзР. МДА. 13—жамғарма. 1—рўйхат, 5—иш, 45—варақ.

Туркистонни республика эмас, балки «советларнинг область иттифоқи» деб, унинг органларини эса совет комиссариатининг ижро этувчи комитети деб аташни таклиф этдилар. «Республика», «Марказий Ижроия Комитети» ва «Халқ Комиссарлари Совети» деб аташ деганди А. П. Розенгольц, Туркистонга бутунлай мустақилликни беради.[1] Бу фикрга қарши ўлароқ, Туркистон делегациясининг ягона маҳаллий миллат вакили бўлган С.М.Юсупов Туркистонни «Советларнинг вилоят иттифоқи» деб номланиши III Бутунроссия Советларининг резолюциясининг 5—бандидаги «Меҳнаткашларнинг ҳуқуқи ва эзилган халқлар декларацияси»да белгиланган ҳуқуқларга зидлигини, агарда Туркистонни «Советларнинг область иттифоқи» деб номланса, Туркистон Россиянинг бир бўлагига айланиб қолиши, амалда мухтор ҳукумат умуман бўлмаслиги, Туркистон халқлари хоҳиш—иродасига бутунлай мос келмаслигини уқтирди. Шундан келиб чиқиб С.Юсупов ўлкани Туркистон Автоном Республикаси деб аташни ва унинг Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Советига эга бўлиши лозимлигини таъкидлади. С.М.Юсупов шу йўл билан «Миллий давлатчиликни қонунан эътироф этиб қўйишни» талаб қилди.[2] Бу билан Туркистонни Россияга қўшиб унинг бир бўлагига айлантириш ҳаракатига йўл берилмади.

1918 йил 3 сентябрда РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг ташқи ишлар масалалари билан шуғулланувчи бўлими Туркистон мухтор вакилларини Шарқий бўлим йиғилишларига таклиф этди.

6 сентябрда эса РСФСР ХКСнинг миллий масала билан шуғулланувчи бўлими қарорига биноан Россия Федерацияси қошида Туркистон АССР ваколатхонаси очилди. Унга «Туркистон ва Бухоро меҳнаткашларининг манфаатларини ҳимоя этиш» вазифаси юкланганди.9 сентябрда мухтор вакил С. М. Юсупов Я. М. Свердлов

---

[1] Революцией призванные. Стр. 179.
[2] Гордиенко А.А. Образование Туркестанской АССР. М., 1968, стр.241.

билан иккинчи бор учрашувида республика иқтисодиёти олдида турган вазифалар ҳақида сўзлаб берди. [1]

Ниҳоят 1918 йил 14 сентябрда Бутунроссия Марказий ҳокимия—тининг мухтор вакили — Туркистон Республикаси МИК раиси, Республика ҳарбий—революцион совети аъзоси, Шарқий 7—армия қўмондони П.А.Кобозев ва Туркистон Республикаси МИК делегатлари В.А.Троицкий ва С.М.Юсуповлар иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда Туркистон АССРнинг РСФСРдаги мухтор ваколатхонасини очиш масаласи кўрилди ва қарор қилинди. «МИК раиси Кобозев рухсатига кўра ҳамда Бутунроссия МИК раиси Я. М. Свердлов билан келишган ҳолда ва Тошкентдан Туркистон Республикаси МИК номидан делегатлар С.М.Юсупов ва В.А.Троицкийларга келган хатга мувофиқ РСФСРнинг марказий ҳокимияти билан Туркистон Республикасига тегишли масалаларни биргаликда келишиб ҳал қилиш учун Москва шаҳрида Туркистон Республикасининг мухтор ваколатхонаси очилсин».[2]

Шу тариқа Бутунроссия Марказий Ижроия Қўмитаси қошида Туркистон Республикасининг мухтор ваколатхонаси очилди. Кейинроқ 1918 йил 7 декабрда Туркистон мухтор ваколатхо—насининг шошилинч йиғилиши бўлиб, унда мухтор ваколатхона бўлимларини ташкил этиш, раисни сайлаш, аъзолар орасида ишларни тақсимлаш ҳақида келишиб олинди. «Теодорович ва Голятовскийлар таклифига кўра учта бўлим ташкил этилди:

— Иқтисодий бўлим ўз ичига қуйидагиларни олади: савдо ишларини, темир йўл алоқаларини, фабрика—заводлар қурилишини ва уларни таъминлашни, ҳарбий ва тиббий хизматни;

---

[1] РФ МДА. 1318—жамғарма, 1—рўйхат, 48—иш, 6—варак.
[2] ЎзР МДА. 13—жамғарма, 1—рўйхат, 4—иш, 45—варақ.

– Сиёсий бўлим ўз ичига қуйидагиларни олади: маданий–маърифий ишларни, миллий масалаларни ҳал этишни, ёш бухороликлар билан алоқани;

– иш юритувчи бўлим, яъни секретариатга қўшимча молиявий бўлим қўшилди.

Делегатлар бир овоздан раис қилиб Килячковни, унинг ёрдамчиси қилиб Голятовскийни сайладилар».[1]

Аммо Туркистон МИКнинг 1918 йил 23 декабрда юборган радио–телеграммасига мувофиқ, Шарқий фронтдаги аҳволнинг оғирлашуви натижасида делегация аъзоларидан К.П.Голятовский, С.П.Килячков, С.В.Теодоровичлар Тошкентта қайтишга мажбур бўлдилар, делегация аъзоси Голятовский Туркистон МИК 1918 йил 23 октябрдаги қарорига мувофиқ Туркистон АССРнинг ички ва ташқи ишлар комиссари этиб тайинланди.[2]

Шундай қилиб, Туркистон АССРнинг Москва шаҳридаги мухтор вакиллари бўлиб С. М. Юсупов ва В. А. Троицкийлар қолишди.

Ушбу ваколатхона кейинроқ 1922 йил 1 декабрдан Туркистон АССРнинг Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Қўмитаси қошидаги мухтор ваколатхонасига айлантирилиб то 1925 йил Ўзбекистон ССР ташкил топгунга қадар фаолият кўрсатди.

Ваколатхонанинг мақсади РСФСР ва Туркистон АССРнинг маиший, маданий–маърифий ва хўжалик органларининг доимий боғлиқлигини ва доимий келишувда иш юритишини таъминлашдан иборат эди. У ўз **«Низом лойиҳаси»**га ҳам эга эди. Ваколатхонанинг **«Низом лойиҳаси»** қуйидаги тартибда ишлаб чиқилганди:

ТАШКИЛ ТОПИШИ. Туркистон АССРнинг РСФСР ҳукумати қошидаги мухтор ваколатхонаси Москва шаҳрида қуйидаги таркибда ташкил этилади: 1. БМИК ва Халқ Комиссариати Совети қошидаги

---

[1] ЎзР МДА. 13–жамғарма, 1–рўйхат, 4–иш, 11–варақ.
[2] РФ МДА.130–жамғарма,2–рўйхат, 809–иш, 24–варақ.

мухтор вакил ва унинг ўринбосари. Ушбу пайтда мухтор вакилнинг иккинчи ўринбосари даражасида бўлган Туркистон Иқтисодий Кенгашининг вакилидан.

МАҚСАДИ. РСФСР ва Туркистон АССРнинг миллий, маданий—маърифий ва хўжалик органларининг доимий боғлиқлигини ва доимий келишувида иш юритишни таъминлаш.

ВАЗИФАЛАРИ.1. Туркистон АССРда яшовчи миллатларнинг диний урф—одатларидан, маданият ва миллий мансублигидан келиб чиқадиган хусусиятларини инобатга олган ҳолда РСФСР олий органлари орқали маълум тадбирларни белгилаш ва олиб бориш.

2. Бутуниттифоқ МИК., Халқ Комиссарлари Совети, Меҳнатни ҳимоя қилиш комитети ва бошқа РСФСРнинг Марказий маъмурий ва хўжалик органлари билан барча маъмурий—ҳуқуқий ва иқтисодий тадбирларни ҳамда умумфедерал характерга эга бўлган ва Туркистон АССРга алоҳида тегишли бўлган масалаларни тайёрлашда ва ишлаб чиқишда иштирок этиш орқали доимий алоқани ўрнатиш.

3. РСФСР ва Туркистон АССРни узлуксиз ҳуқуқий, маъмурий иқтисодий, маданий—маърифий, илмий характерга эга бўлган лойиҳа тадбирлари ва шу билан бирга иқтисодий сиёсатнинг ва совет қурилишининг умумий йўналишини икки томонлама таништириш.

4. Москва ва РСФСРнинг бошқа шаҳарларида жойлашган ТАССРнинг барча органлари ёки уларнинг вакилларининг фаолиятини кузатиш ва назорат остига олиш.

ҲУҚУҚИ. ўз вазифаларини бажариш учун ваколатхона умуман қуйидаги ҳуқуқларга эга эди:

РСФСРнинг барча муассасаларида Туркистон АССР ва унинг алоҳида муассасалари номидан берилган барча ҳуқуқлардан фойдаланиб вакиллик қилиш;

Туркистон АССР ва унинг алоҳида муассасалари номидан барча давлат муассасалари, жамоат, кооператив ташкилотлари ва шахс билан келишув, шартнома ва мажбуриятлар тузиш;

Барча банк операцияларини расмийлаштириш ва олиб бориш;

Доимий ҳисоб рақами очиш ва ёпиш ҳамда чеклар ёзиш;

Давлат ва кооператив ташкилотлари билан кредитлашиш;

Давлат ва шахсий муассасалари, ташкилотлари ҳамда шахслар билан ижарага бериш ёки консессион асосда айрим саноат бирлашмалари ва тармоқлари, суғориш ишлари, ТАССРнинг табиий бойликларини ишлаб бериш ва фойдаланиш тўғрисидаги музокараларга қўшилиш ва масалага доир барча материалларни уларнинг узил—кесил ечилиши учун Халқ Комиссарлари Советига тақдим этиш;

Ҳисоб рақамидаги вақтинча эркин пул ҳисобига турли хил операцияларни олиб бориш;

Туркистон АССРнинг барча хўжалик органлари ҳамда халқ хўжалиги Марказий Советининг (ЦСНХ) асосий савдо идорасининг барча операциялари фаолиятини кузатиш ва назорат остига олиш.

ТАЙИНЛАШ ТАРТИБИ: Мухтор вакил ва унинг ўринбосари Туркистон МИК томонидан тайинланади ва БМИК томонидан тасдиқланади.

ТУЗИЛИШИ: Мухтор Ваколатхона ўзининг иш фаолиятидан келиб чиққан ҳолда асосан икки бўлимдан: Сиёсий ва иқтисодий бўлимлардан иборат бўлади.

Туркистон Республикаси ҳисобидан ХКС томонидан тасдиқланган лавозимлар бўйича мухтор ваколатхона ўз ишчи ва хизматчиларига эга бўлади.

ХАРАЖАТИ: Мухтор ваколатхонанинг харажатига асосий маблағни ТАССР Халқ Комиссарлари Совети ва Туркистон Иқтисодий Кенгаши (Турк ЭКОСО) ажратади.

Алоҳида Халқ Комиссариатларининг вакилларига эса ўз халқ комиссариатлари томонидан тўланади.

МУҲР: Мухтор Ваколатхона ўзининг муҳрига эга бўлиб, унда давлат тамғаси ва туркча, русча ёзилган «Туркистон АССРнинг РСФСРдаги мухтор Ваколатхонаси» деб ёзилган ёзув бўлади.[1] Шундай қилиб, мухтор Ваколатхона асосан иккита сиёсий ва иқтисодий бўлимлар орқали ўз фаолиятини бошлади.

Ўз навбатида бу бўлимлар таркибида ҳам турли хил бўлимлар мавжуд эди. Масалан:

САВДО ИШЛАРИ БЎЛИМИ. Ушбу бўлим Туркистон марказдан узиб қўйилган бўлишига қарамай РСФСРнинг бошқа районлари қатори Халқ Комиссариатларининг Савдо ишлари бўлими томонидан берилган режага асосан нон маҳсулотлари ва Туркистон учун керакли бўлган товар—моддий бойликлари билан тўла, узвий равишда таъминлаб боришни ўз зиммасига олганди. Савдо бўлими олдига қуйидаги аниқ вазифаларни бажариш юклатилганди:

1. Туркистонни нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлаш;

2. Марказдан пул маблағларини ўз вақтида ундириш;

3. Нон маҳсулотларига айрибошлаш учун зарур турли товарларни олиш;

4. Туркистон етиштирган меваларни йиғиштириш ва уни сотишни таъминлаш;

5. Туркистон учун биринчи навбатдаги зарур товарларни қидириб топиш;

6. Марказ билан Туркистоннинг товар айрибошлашини таъмин этиш;

[1] ЎзР. МДА 17—жамғарма, 1—рўйхат, 337—иш. 105—106 варақ.

7. Марказнинг турли ташкилотларида Туркистон манфаати йўлида халқ хўжалигига тааллуқли барча ишларни ҳал қилишда қатнашиш.[1]

Туркистондаги вазият ўша дамларда ниҳоят оғир эди. Бир томондан истиқлол учун кураш, иккинчи томондан очарчилик, ўлкада қишнинг оғир келгани бўлимнинг олдига асосий вазифа қилиб Туркистонни нон билан таъминлашни қўйганди. Яна шундай бўлимлардан бири Темир йўл ишлари бўлими эди.

Ушбу бўлим олдида қуйидаги вазифаларни ҳал этиш турарди:

1. Темир йўл хизматини юқори даражада ташкил этиш ва Туркистон ўлкасидаги темир йўллардан тўғри ва оқилона фойдаланиш учун қулай шароит яратиш;

2. Тошкентда темир йўл хизмати марказини ташкил этиш, савдо ва юк товарларини вагонларда тўхтаб қолишига йўл қўймаслик, жўнатилган юкларни ўз вақтида етиб боришини таъмин этиш, янгилик ва турли хабарларни бир—бирига етказишда ҳам юқори даражада хизмат кўрсатиш, вақтли матбуот материалларини ўз вақтида етказиш;

3. Ўлка саноатининг ривожида, товар айрибошлашда, мануфактура саноати учун керакли асбоб—анжомлар ва у ёки бу соҳада қилинган ўзгаришлар, ютуқлар, станокларни ўз вақтида етказиб бериш; Йўлнинг бузилган жойларини ўз вақтида таъмирланишини назорат қилиш.[2]

Мухтор ваколатхонанинг ўз муҳри, хисоб рақами бўлсада, аслида унинг ҳуқуқ ва ваколатлари мустақил давлатнинг хориждаги ваколатхонаси бўла олмас эди. Чунки унда РСФСР билан доимий боғлиқлик ва келишув, аниқроғи марказнинг измида иш олиб бориш зарурлиги мақсад сифатида кўрсатилган эди. Чунончи РСФСР Олий

---

[1] ЎзР, МДА. 13—жамғарма, 1—рўйхат, 61—иш, 61—варақ.
[2] "Известия" (Москва), 31 октября, 1918 года.

органлари орқали яъни марказнинг тегишли ташкилотлари орқали иш олиб бориш алоҳида таъкидланган эди. Низом лойиҳасида кўрсатилишича хатто мухтор вакил ҳам марказ томонидан тасдиқланган. Низом лойиҳасида кўрсатилган ҳуқуқ ва ваколатлар мухтор ваколатхонанинг воситачилик ролини таъминлаш учунгина хизмат қиларди ва марказдаги ҳукуматнинг кўрсатмаларини ижро қилишга, ўлкадаги хом—ашёни марказга, Россиядан тайёр маҳсулот ва озиқ—овқатни Туркистонга етказишни таъминлашга йўналтирарди.

Ниҳоятда оғир тарихий шароитда Туркистон Республикасининг мухтор ваколатхонаси ўз ишини бошлаганди. Унинг биринчи вакиллари этиб 1881 йил 15 июнда Бухорода ишчи оиласида туғилган С.М.Юсупов[1] ва 1892 йил 26 декабрда Тверь губернияси Осташковск уезднинг Селижарск волостидаги Захаров қишлоғида деҳқон оиласида туғилган Василий Алексеевич Троицкийлар[2] тайинланди.

Собиржон Муҳаммедович Юсупов сиёсий бўлимни, В. А. Троицкий иқтисодий бўлимнинг бошлиғи сифатида Москвада ўз фаолиятини бошладилар. Уларнинг иш вақти чегараланмаган эди. Эрталаб соат 10.00 дан кундузи соат 4.00 гача бўлимлар фаолияти билан шуғулланишар, кейин эса турли хил йиғилишларда Туркистон номидан иштирок этардилар.[3]

Октябрь тўнтаришидан сўнг Туркистонда зўрлик билан ўрнатилган совет ҳокимияти асосан руслардан иборат большевиклар, меньшевиклар, эсерлар қўлида бўлиб, Туркистоннинг маҳаллий халқларига ишончсизлик руҳида қараётган бир пайтда фаолият кўрсаттан Туркистон ваколатхонасининг Москвадаги фаолияти оғир кечди. Туркистон мухтор ваколатхонаси Москва шаҳрининг марказидаги Неглинная кўчаси, 8—уйда жойлашганди. Туркистон

---

[1] А.Акрамов «Полпред Республики», Тошкент, «Узбекистан», 1987, стр.9.
[2] Революцией призванные (Биографические очерки), Тошкент, «Узбекистон», 1991, стр.177.
[3] ЎзР, МДА.13—жамғарма, 1—рўйхат, 22—иш, 529—варақ.

мухтор вакиллари ўз фаолиятини зудлик билан бошлаб юбордилар. Улар ўз ўлкаси учун нималар зарурлигини яхши билардилар. Мухтор вакиллар дастлаб Туркистонда бошқарув аппаратини ташкил этиш масаласига эътибор қаратдилар. Чунки марказ Туркистон бошқарувини бевосита Москвадаги органлар орқали бошқаришни ҳоҳлар эди. Мухтор вакиллар эса бошқарув органларининг Туркистонда бўлиши тузилажак ҳукуматнинг ўз бошқарув аппаратлари бўлишини ёқлаб чиқдилар. Мухтор вакилларнинг сайъ—ҳаракатлари туфайли РСФСР ҳукуматидан Туркистон МИК ташкил қилиш учун 2 миллион 355 минг рубль, Туркистон ХКС фаолиятини бошлаб олиш учун 470 минг рубль, Москвадаги мухтор ваколатхона фаолиятини дастлаб юритиб олиш учун 200 минг рубль маблағ ундирилди.

Туркистон АССР мухтор ваколатхонаси учун алоҳида турар жой, хизмат машинаси олинди. Туркистон ўлкаси учун 8 та енгил автомобиллар ва 16 та бошқа маркадаги автомобиллар мухтор вакиллар С. М. Юсупов ва В. А. Троицкийлар томонидан Тошкентга юборилди.[1]

Туркистон мухтор ваколатхонаси фаолиятини доимий равишда ёки бўлмаса йилига бир маротаба Туркистон Республикаси МИК ва ХКС текшириб борарди.

Мухтор вакиллар Туркистон АССРнинг МИК ва ХКСга ҳисобот топшириб турардилар. Бунга мисол, 1918 йил 25 декабрда Туркистон Республикаси МИК мухтор вакиллар В.А.Троицкий ва С.М.Юсуповларга Тошкентдан қуйидаги мазмунда телеграмма юборади: Туркистон Республикаси МИКга марказда Туркистон номидан иш юритувчи ташкилотлар, бўлимлар ва алоҳида шахсларнинг иш фаолияти ҳақида қисқа вақт ичида қуйидаги тартибда атрофлича ҳисоботни беришингизни сўрайди:

---

[1] РФ МДА.1334—жамғарма, 1—рўйхат, 40—иш, 108—140 варақлар.

1. Туркистон номидан иш юритувчи барча бўлимлар, режалари;

2. Мухтор ваколатхона йиғилишлари қарорларидан нусха;

3. Ташкилотлардан олинган радиограммалар, хатлар, телеграм—малардан нусха;

4. Мухтор ваколатхона томонидан Тошкентга юборилган маълумотномалардан нусха;

5. Фавқулодда делегация аъзолари йиғилишлари баённомасидан нусха;

6. Мухтор ваколатхона низомидан нусха;

7. Мухтор ваколатхона бўлимлари, ташкилотларнинг рўйхати, уларда ишловчи ходимлари олган рағбатлари ва мажбуриятлари ҳақида маълумот;

8. Буларни жамлаб Туркистон МИКга сизлар ахборот ёзишинглар шарт. Булардан ташқари марказий ҳукумат чиқарган барча декрет ва қарорлардан иккитадан нусха юборишингизни сўраймиз.[1]

Бундан кўриниб турибдики, мухтор ваколатхона фаолияти доимий равишда Туркистон МИК томонидан назорат қилиб борилган ва унга ўз вақтида кўрсатмалар бериб турилган.

Туркистон АССРнинг Москвадаги мухтор ваколатхонасида С. М. Юсупов ва В. А. Троицкийлардан кейин мухтор вакил бўлиб 1919 йил августидан то 1922 йил октябригача И.О.Тоболин,[2] 1922 йил октябридан 1924 йил январигача М. С. Исаев,[3] 1924 йил 9 январидан ноябригача И. Хидиралиевлар[4] Туркистон АССР Халқ Комиссарлари кенгаши ҳамда Марказий Ижроия қўмитасининг номидан РСФСР ҳукуматидаги мухтор вакиллари бўлиб турдилар. Улар ҳам қўлларидан келганча Москвадан туриб ўз ўлкаларидаги иқтисодий ва маданий

[1] Ўз.Р МДА.13—жамғарма, 1—рўйхат, 38—иш, 7—варақ.
[2] РФ МДА 3969—жамғарма, 1—рўйхат, 12—иш, 143—варақ.
[3] ЎзР МДА 13—жамғарма, 1—рўйхат, 11—иш,109—варақ.
[4] Ўша жойда, 17—жамғарма, 2—рўйхат, 256 «а»—иш, 14 варақ.

ҳолатни яхшилаш учун ёрдам бериб турдилар. Булар ҳақида кейинги саҳифаларда тўхталамиз.

Хуллас Туркистон Мухтор Республикасининг Москвадаги мухтор ваколатхонаси РСФСР ва ТАССР ҳукуматларининг бир—бири билан боғлашда, икки ўртада олиб бориладиган ўзаро муносабатларни тўғри йўлга қўйишни мақсад қилиб олганди. Афсуски РСФСР ҳукумати раҳбарларининг якка бошчилик, шовинистик сиёсати туфайли мазкур ваколатхонанинг мустақил, тенг ҳуқуқлилик асосида фаолият юритишига имкон берилмади. Унинг ҳуқуқ ва ваколатлари чеклаб қўйилди. Бундай чеклашлар турли усул ва кўринишларда намоён бўлди. Шундай бўлсада, Туркистон мухтор ҳукуматининг Москвадаги мухтор ваколатхонасининг ташкил қилиниши ва унинг фаолияти маълум даражада ижобий аҳамият касб этди. Мухтор ваколатхонанинг ташкил қилиниши РСФСР ва ТАССР ўртасидаги ижтимоий—сиёсий алоқаларни мувофиқлаштиришда ва такомиллаштиришда алоҳида роль ўйнади.

I. 3. ЎЛКАДАГИ ИҚТИСОДИЙ ТАЪМИНОТ МАСАЛАЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛИШДА МУХТОР ВАКОЛАТХОНАНИНГ РОЛИ

Совет ҳукумати Туркистон мухториятини қонга ботириб тор—мор қилган бўлсаларда ўлкадаги ижтимоий—иқтисодий ва сиёсий вазиятнинг тобора кескинлашиб боришини олдини ололмадилар. Унинг асосий ва бош сабаби октябрь тўнтариши илгари сурган ғояларнинг Туркистон халқлари талаб ва истакларига, хоҳиш—иродасига тамоман бегоналиги эди. Туркистоннинг хўжалик ҳаёти 1917 йилга келиб батамом тушкунликка тушди. Биринчи жаҳон уруши ўлканинг шундоқ ҳам қолоқ, метрополия саноатига хизмат кўрсатишга мўлжалланган иқтисодиётига катта зиён етказди. Экин майдонлари кескин камайиб кетди: 1917 йилда улар 1915 йилдаги 3,5 миллион десятина ўрнига 2,3 миллион десятинадан сал кўпроғини ташкил этди. Вайронагарчилик саноатта жуда оғир таъсир кўрсатди. Саноатнинг етакчи соҳаси — пахта тозалаш саноатида ишлаб чиқариш ҳажми 1917 йилда 1915 йилдагига қараганда 2 баравардан кўпроққа камайди.[1]

Совет ҳокимиятининг дастлабки ойларида Россия большевикларида "тўғридан—тўғри социализмга ўтиш" ғояси устунлик қилиб турди. Бу ғоя марксча талқинда — бир маънода тушунилар эди: хусусий мулк бўлмаслиги, товар—пул муносабатларидан, хўжалик юритишнинг бозор механизмларидан воз кечиш, асрий аҳлоқ қоидалари, умуминсоний одамгарчилик тамойиллари ўрнига пролетариат устун синфдир деган қоидаларни ёқлаб, синфий ёндашувни қатъийлаштириш шулар жумласидандир. Совет ҳокимиятининг дастлабки кунлариданоқ ана шу назарий қоидаларни амалга ошириш мўлжаллаб қўйилган эди. Кенг кўламда хусусий мулкни тугатиш ишлари ўтказилди. Национализация, яъни мусодара қилиш тўғрисидаги бир қанча декретлар асосида ер, йирик

[1] Туркестан в начале XX века: К истории истоков национальной независимости .. 244– с.

саноат корхоналари, транстпорт, банклар хусусий мулкчиликдан ажратилиб, давлат мулкига айлантирилди.

Туркистон большевик раҳбарияти марказнинг кўрсатмаларига амал қилиб, буларни ўзига хос инқилобий кескинлик ва сабрсизлик билан амалга оширишга уринар эди. Улар Россия саноат марказлари эҳтиёжларига хизмат қилувчи соҳа корхоналарини национализация қилишга шошилдилар ва ўлка халқларининг манфаатларини, бу тадбирнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга номувофиқлигини ва тайёргарликни ҳисобга олмадилар. Ҳом ашё, ёқилғи, маблағлар, ишчи кучи йўқлиги туфайли, шунингдек, уруш муносабати билан тайёр маҳсулотни сотиш қийинлашиб қолгани сабабли корхоналарнинг жуда кўпчилиги, айниқса пахта тозалаш корхоналари ишдан тўхтаб қолди, уларда банд бўлган ишчилар ишдан бўшаб кета бошладилар.

Қамал ва вайронагарчилик шароитларида Туркистон Республикаси молиявий жиҳатдан батамом мушкул аҳволга тушиб қолди. Тўрт йиллик жаҳон уруши, 1917 йилнинг ёзидаги қурғоқчилик, 1917—18 йиллардаги қаттиқ қахратон қиш ва баҳорги совуқлар туфайли путурдан кеттан Туркистон иқтисодиёти республикани фалокат ёқасига олиб келди. Озиқ—овқат танглиги бошланди. Бу тақчилликлар Туркистондаги совет ҳукуматининг ўлкани бошқаришдаги уқувсизлиги, иқтисодиётни марказлаштириши ва тўғридан—тўғри олиб борган шовинистик сиёсати туфайли янада оғирлашди. 1918 йилнинг баҳоридан бошлаб озиқ—овқат масаласи кескинлашди. Галла етишмовчилигига гўшт, мой, чой, қанд—шакар етишмовчилиги ҳам қўшилди. Ана шундай шароитда Туркистон АССРнинг Москвадаги мухтор ваколатхонаси ўз фаолиятини ўлкадаги мавжуд иқтисодий муаммоларни ҳал этишда ўз ҳукуматига кўмаклашишдан бошлади.

1918 йили декабрь ойида Туркистон Халқ Комиссарлари Совети Мухтор ваколатхонага телеграмма юбориб, Туркистонга иқтисодий

ёрдам кучайтирилишини сўрайди. Унда жумладан шундай дейилади: «Сизнинг эътиборингизга шуни ҳавола қиламизки, Туркистон марказдан узилиб қолганлиги сабабли Сибир ва Кавказдан мана бир йилга яқин вақт ичида нон маҳсулотлари ва саноат учун керакли хом ашёлар келмаяпти. Туркистон саноати оғир аҳволда. Шунинг учун ҳам марказдан қуйидаги масалаларни ҳал қилишда ёрдам беришингизни сўраймиз:

1. Туркистон пахта саноатини ва бу билан боғлиқ соҳаларни ривожлантириш учун ўтган йилгидек миқдорда маблағ ажратиш ва ундан камайтирмаслик. 2. Россиянинг турли вилоятларидан майда темир, ойна, бўёқ, мих, оёқ кийими, гугурт, қанд, дори—дармон, қурол—яроғ (ов учун), газламалар, резинадан тайёрланган молларни юборишни ташкил этиш. 3. Ўрмон хўжалиги маҳсулотларидан. 4. Деҳқонлар учун зарур кийим—кечакларни, ҳосилни сақлаш учун зарур материалларни жўнатиш. Ўтган йилги етиштирилган ҳосил ҳам ташқарида сақланмоқда. 5. Боғдорчилик, узумчилик, пахтачилик, чорвачиликни сақлаб қолиш учун ўлкага керакли товарларни ва нон маҳсулотларини ўз вақтида етказиб бериш. 6. Чарм—галантерия саноати учун бўёқлар жўнатиш. 7. Туркистонга юк машиналари ва енгил автомобиллардан ўн донадан (кўпроқ эҳтиёт қисмлари билан жўнатиш) зарур. 8. Армия учун эллик яшик консерва. 9. Туркистон савдо бўлими учун кўпроқ пул маблағи ажратиш лозим. 10. Ўлкага товар ташувчи маршрутдаги поездларни кўпайтириш. 11. Ёқилғи маҳсулотларини керакли даражада ажратиб бериш. 12. Туркистонда нархни оширмаслик лозим, чунки халқ усиз ҳам қийналмоқда.[1]

Шундан кейин мухтор вакиллик РСФСР Халқ Комиссарлари Советига мурожаат этиб, Туркистондаги иқтисодий танглikни тушунтирадилар. РСФСР Халқ Комиссарлари Совети мухтор вакиллардан Туркистондаги аҳолининг миллий таркиби ҳақида,

[1] ЎзР.МДА 13—жамгарма, 1—рўйхат, 60—иш 70—бет.

иқтисодий ва маданий ҳаётга оид тўлиқ маълумот беришларини сўрайди.

Бундан келиб чиқиб мухтор вакил С. М. Юсупов 1918 йил 25 декабрда РСФСР Халқ Комиссарлари Советига Туркистондаги иқтисодий аҳволни, маданий ҳаётни, аҳоли миллий таркибини, аҳолининг сонини кўрсатувчи ҳужжатларни юборди. Ҳужжатда берилган маълумотларга кўра ўлкада 2,5 миллион ўзбеклар, 1,3 миллион тожиклар, 600 минг руслар, 10 минг арманлар, 100 минг татарлар, 400 минг туркманлар, 2,4 миллион қирғизлар (қозоқлар) ва бошқа халқлар яшаган. Шунингдек, Бутуниттифоқ Халқ Хўжалиги Совети (ВСНХ)нинг тоғли бўлими (Горный отдел) берган маълумотга кўра Туркистонда олтин ва бошқа керакли конлар борлиги, буларни очиш учун геологоразведка ишлари олиб бориш лозимлиги уқтирилган.[1]

Мухтор вакиллар Москвадан туриб Туркистонга умумий бюджетдан тегадиган маблағларни ундиришда ҳам ўз ҳукуматларига ёрдам берди. 1918 йил 4 сентябрда С.Юсупов ва В.Троицкийлар радио орқали Тошкентга қуйидагиларни билдирди: "Туркистонга ХКС томонидан ажратилган маблағдан 1 миллиард 400 миллион рубль етмайди. Бунча миқдордаги маблағ кетадиган ташкилотлар рўйхатини радио орқали эълон қилиш лозим. Агарда бу ҳақда баён қилинмаса керакли миқдордаги суммани марказдан олиш мушкул"[2].

Бундан кўриниб турибдики, мухтор вакиллар Туркистонга умумий бюджетдан тегадиган маблағни ҳам ўз вақтида назорат қилиб, ўз ўлкаларига бехато ундириб беришга ҳаракат қилганлар.

1918—1919 йиллар мобайнида Туркистон Компартияси Марказий Қўмитаси ва Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси бир неча бор Москвадаги мухтор вакилларга Совет ҳокимиятининг олий

---

[1] РФМДА.1318—жамғарма, 1—рўйхат, 295 1 —иш, 3—варақ.
[2] Ўша жойда. 1334—жамғарма, 12—рўйхат, 20—иш, 7—варақ.

органларидан Туркистонга умумий бюджетдан тегадиган маблағларни ундириш учун кўрсатмалар берди. Улардан бирида шундай дейилган: «Москва, Халқ Комиссарлари Советига ва Юсуповга. Туркистонда пахтачилик тушкунликка тушмоқда. Сабаб — ўтган йилги очарчилик (1917 йил назарда тутилмоқда — С. Х.) ҳозир ҳам давом этмоқда. Ташқаридан келадиган нон кечикмоқда... Барча чораларни кўринг. Акс ҳолда вужудга келган вазиятда кишилар оч—наҳор аҳволда қолади».[1]

Маълумки, Россия Туркистонни босиб олгач бу ўлкани ўзининг асосий пахта етказиб берувчи ҳудудига айлантирган эди. Совет ҳукумати ҳам чор Россияси бошлаган йўлдан борди. В.И.Ленин Туркистонни сунъий суғориш ишларини ташкил қилиш учун 50 миллион сўм ажратиш тўғрисидаги декретга қўл қўйиши бу ишнинг бошланиши эди. Шу боис, қадимдан ўзини — ўзи ғалла билан таъминлаб келган Туркистон ўлкаси бу даврга келиб ўзини—ўзи ғалла билан таъминлай олмай қолди.

Туркистондаги очарчилик ниҳоятда оғир кечаётганлигидан нон ва нон маҳсулотларини Туркистон учун ҳозирлаш мухтор вакиллар учун ниҳоятда долзарб муаммо бўлиб қолди. С. Юсупов ва В. Троицкийлар РСФСР Халқ Комиссариати савдо бўлимига бир неча бор мурожаат этиб, Туркистонга нон маҳсулотларини юборишни сўрадилар. Мухтор вакиллар саъй ҳаракати билан 1918 йил августида Туркистон Республикасига 614 вагон ғалла юборилдики, бу февралдагига нисбатан 5 марта кўп эди.

Туркистон бундан олдин 10 вагон пахта материаллари, 4 вагон ип, 10 вагон идиш—товоқ, 6500 жуфт оёқ кийими олган эди.[2]

Ўлкада бошқарувни бевосита марказ қўлида сақлаш, Туркистонда большевиклар ҳокимиятини сақлаб қолиш учун 1919 йил ноябрь ойи

---

[1] РФ МДА, 1334—жамгарма, 1—рўйхат, 7—иш, 7варақ.
[2] Ўша ерда, 11—иш 283—варақ.

бошида бу ерга Москвадан РСФСР МИК ва ҳукуматининг Туркистон ишлари бўйича комиссияси — Туркомиссия келди. Унинг раиси Ш.Элиава, аъзолари бошқа кўзга кўринган большевиклар эди. Унга фавқулодда ваколатлар берилди. Ўлкага қўшимча ҳарбий қисмлар, шунингдек большевик комиссарлар етиб келдилар. Туркомиссия большевиклар ҳукмронлигини кучайтириш ва ўлканинг Россияга қарамлигини кучайтириш билан жиддий шуғулланa бошлади. Натижада Туркистонда большевиклар диктатурасининг ўрнатиш жараёни муайян маррага етди. Бу ерли аҳолининг туб манфаатлари ва интилишларига зид бўлган диктатура эди.

Туркомиссия зиммасига юкланган вазифалардан бири маҳаллий мусулмонлар оммасини ҳокимиятни бошқариш ишларига жалб қилишдан иборат эди. Бироқ, у ўзининг бу вазифасини адо этишга шошилмади, аксинча, муҳим лавозимларга марказий ҳукуматта, рус давлатига содиқ бўлган кишиларни кўтариш йўлини тутди. Мана шундай шароитда фаолият кўрсатган мухтор вакиллар Туркомиссия билан келишиб фаолият кўрсатишга мажбур бўлганлар.

Мухтор вакиллар қанчалик марказ тазйиқи остида ишлашига қарамай, ўлка иқтисодини тиклаш учун марказдан керакли маблағни ундириб олиш борасида қўлларидан келганича барча чораларни кўрдилар. Чунки, совет ҳукумати раҳбарлари ўлкада миллийлаштиришни амалга оширишда Россия марказидаги саноат корхоналари, Россия халқи ва уруш манфаатларини биринчи навбатда ҳисобга олдилару, аммо Туркистон ўлкаси халқларининг манфаатларини, амалга оширилаётган тадбирларнинг иқтисодий томондан мақсадга мувофиқлиги ва тайёргарлик даражасини ҳисобга олмадилар. Совет ҳукумати ҳам чор Россияси сингари ўлкадан барча миллий бойликларни ташиб кетишни дастлабки кунларданоқ бошлаб юборди. Ташиб кетилган мулклар умумий бюджетнинг салмоқли қисмини ташкил этишига қарамай марказнинг большевик раҳбарлари

ўлка иқтисодиётига арзимаган маблағларни ажратарди. Шунинг учун ҳам мухтор вакиллар умумий бюджетдан Туркистон иқтисоднёти учун зарур маблағни имкон қадар ундиришга ҳаракат қилдилар. Масалан, улар 1918 йили Туркистон иқтисодини тиклаш учун 1,5 миллиард сўмни РСФСРдан ундириб беришга муваффақ бўлдилар.[1]

Мухтор ваколатхона Савдо бўлими раиси Николай Григорьевич Максимовни Нижний Новгородга юбориб, у ердан Тошкентга Красноводск орқали 1918 йил 30 июлда 20000 қадоқ чой жўнатишни ташкил этди.[2] Кейинроқ эса яна қўшимча тарзда 50 пуд чой Туркистонга жўнатилди.[3] Мухтор ваколатхона ходимлари ҳақиқатан бутун куч—ғайратларини ишга солиб Туркистон иқтисодини тиклашда кўмаклашдилар.

Мухтор ваколатхона Туркистон АССР учун РСФСРдан 1919 йили 60 вагонда қанд, 10 вагонда гугурт, 3,5 вагонда қоғоз жўнатди.[4]

Мухтор ваколатхона РСФСР томонидан Туркистонга кўрсатилаётган иқтисодий—моддий ёрдам соҳасида катта ташкилотчилик ишларини амалга ошириб борди. 1919 йил 9 февралда С. Юсупов БМИКга Туркистон саноат эҳтиёжлари учун керакли маҳсулотларининг йўриқномасини топширдики, унда 73 хил маҳсулотнинг номи қайд этилган эди (темир, чўян, мих, электр симлари, рельслар, двигателлар, ускуналар ва бошқалар).[5] Мазкур йўриқнома топширилгандан сўнг тўрт кун ичида РСФСР олий органларининг қўшма йиғилиши қарори билан ТАССР учун керакли материаллар ортиғи билан ажратилди.[6]

Россия билан Туркистон ўртасидаги бевосита алоқалар узилиб қолган бир вазиятда ўлка ҳаётида мухтор вакилликнинг роли ва аҳа—

---

[1] ЎзР.МДА 13—жамғарма, 1—рўйхат, 1—иш, 199—варақ.
[2] Ўша жойда, 4—иш, 18—варақ.
[3] Ўша жойда, 40—иш, 2—варақ.
[4] Назаров С. Руководство ЦК РКП (б) партийным строительством в Средней Азии. —Т., "Узбекистан", 1972, стр. 78.
[5] РФ Марказий давлат архиви, 3969 жамғарма, 1—рўйхат, 5—иш, 12 варақ.
[6] Ўша жойда, 130—жамғарма, 3—рўйхат, 364 «б» иш, 232—236 варақ.

мияти ғоят ортган эди. Ўша пайтларда Россия большевикларига қарши бўлган кучлар томонидан Оренбургнинг ишғол қилиниши туфайли Туркистон РСФСРдан узиб қўйилганди («Оренбург тиқини»). Шу боис Москвадан Тошкентга мухтор ваколатхона фақат радио орқали ахборот ва кўрсатмалар бериб турди. С.Юсупов алоқа ҳодимларининг кўмаги билан 1918 йил июлида Тошкентга БМИК ва РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг қишлоқларда камбағаллар қўмиталарини тузиш тўғрисидаги декрети текстини, шундан бир оз илгарироқ эса РСФСР ХКСнинг коммуналар тўғрисидаги декрети матнларини юборишга муваффақ бўлган эди.[1]

С.Юсупов ўлка иқтисодиёти учун зарур бўлган буюртмаларни ўз вақтида етказиш ва уларни бажариш билан мунтазам шуғулланиб турди. У 1919 йил феврали бошларида Петроградаги «Людвиг Нобель» заводига бир қатор буюртмалар берди.[2] Улар жумласига машиналар, чироқлар, электр симлари, изоляторлар, динамо машиналар, роликлар киритилган эдики, булар Туркистон энергетикасини ривожлантириш учун жуда зарур эди. Мухтор вакилнинг ана шундай ҳаракатлари туфайли Туркистон 1919 йили марказий Россиядан металл, ойна, мих, газламалар, ҳарбий инженерлик юклари, дори—дармонлар, омоч, кетмон, белкураклар, оёқ кийимлари, ускуналар, газ трубиналари, болта ва ўроқ каби кўпгина асбоб—анжомлар олди.

Мухтор ваколатхона вакиллари РСФСР Халқ Комиссарлари Совети ва унинг тегишли ташкилотларига мунтазам равишда мурожаат қилиб, улардан турли масалалар юзасидан ёрдам кўрсатишни талаб қилиб турганлар. 1920 йил 19 декабрда мухтор ваколатхона РСФСР ҳукуматидан режада белгиланганига қўшимча равишда Туркистон деҳқонларига ёрдам сифатида Воткинский

---

[1] РФ Марказий давлат архиви, 130—жамғарма, 3—рўйхат, 364 «Б» иш. 241—242 варақлар.
[2] Ўша жойда, 364— иш. 121— варақ.

заводидан 100 минг дона кетмон олиш учун ордер беришни сўраб мурожаат қилади. Ана шу илтимосга кўра Россия Федерациясидаги бир қанча шаҳарларнинг саноат корхоналари Туркистон Республикасига иқтисодий ёрдам кўрсатдилар ва кўпгина миқдорда турли товарларни жўнатдилар. Масалан, 1919 йил декабрида Саратов — 1812 аршин, Москва — 1 миллион аршин газлама, 1920 йилда эса Нижний Новгород — 13 вагон металл, Пенза металлургия заводи эса 1600 пуд металл жўнатди. Ўша пайтларда Туркистон ўлкаси учун энг зарур товар металл эди. Ўлка ўз саноатини тиклаш учун зарур бўлган бу қимматли товардан 1920 йили 678 минг пуд олди.[1]

Худди шу йил июнидан то ноябригача Россиядан Туркистонга 4800 пуд қанд, 417 миллион 777 минг қути гугурт, 4 миллион қути папирос; 1 январдан 1 июлгача 9 миллион 55380 аршин газлама, 40 минг 411 дона идиш—товоқ, 5 вагон атторлик моллари, 5381 омоч ва мола, 10 миллион 200 қути гугурт, кўплаб чой, қанд, металл, қоғоз ва бошқа буюмлар келтирилди. [2]

Ўлка қишлоқ хўжалигини тиклаш, айниқса суғориш иншоотларини тартибга келтириш муҳим аҳамият касб этган эдики, бу ишлар анчагина маблағлар сарфлашни талаб қилди. Шу боис Туркистон ҳукуматининг топшириғига кўра мухтор ваколатхона 1922 йили қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун марказий ҳукуматдан 152 миллион сўм маблағ ажратиб беришга эришди.

1922 йил 21 декабрида эса мухтор ваколатхонанинг талаби билан суғориш иншоотларини тиклаш учун яна қўшимча 60 миллион сўм олтин ҳисобида маблағ ундирилди.

Туркистон АССРнинг Москвадаги мухтор ваколатхонасининг ўлка иқтисодий ҳаётини барқарорлаштириш ва ривожлантириш соҳасидаги фаолияти айниқса 1924 йил январидан бошлаб янада

---

[1] ЎзР МДА. 17—жамғарма, 1—рўйхат, 45—иш, 466—варақ.
[2] Ўша жойда, 4—варақ.

фаоллашди. Шу йил январидан то ноябрь ойигача И. Хидиралиев Туркистон Республикасининг Москвадаги мухтор вакили бўлиб турган эди.

Мухтор вакил сифатида И. Хидиралиев РСФСР, кейинчалик СССР ҳукумати, барча Халқ Комиссарликлари билан яқин алоқада ва доимий мулоқотда бўлиб туриб ўлканинг иқтисодий ва маданий ҳаёти учун зарур бўлган маблағларни умумий бюджетдан ундириш йўлида катта ишларни амалга оширган эди. У ўзи ваколатли вакили бўлган ўлканинг турли шаҳар ва вилоятлари билан алоқада бўлиб, улардаги аҳвол ҳақида жойлардан хатлар, телеграммалар, талаб—сўровлар олиб турар эди.[1] Айни вақтда унинг ҳузурига, Москвага ўлканинг турли шаҳар ва вилоятларидан вакиллар ҳам келиб турган.

Андижон уезд—шаҳар ижроия қўмитаси раиси Ҳаким Хўжаев 1924 йил 28 октябрда Москвага Хидиралиев номига телеграмма йўллаб, унда И. Хидиралиев томонидан Андижонга юборилган асбоб—ускуналар олингани, эндиликда ваъда қилинган трактор—ларнинг тезроқ юборилишини илтимос қилган эди. Тез орада Андижонга ваъда қилинган тракторлар ҳам етиб келган эди. Бундан ташқари шаҳар номига Москвадан тиббиётга доир асбоб—ускуналар, дори—дармонлар ҳам келади.[2]

Гарчи Туркистон Республикаси ўз мухтор вакиллари орқали марказдан ёрдам олиб турса—да, лекин бу Туркистон фақат четдан ёрдам олиш ҳисобигагина яшади дегани эмас эди, албатта.

Ўз навбатида Туркистон акс жавоб тарзида четга ёрдам бериб ҳам турди. Масалан, 1920 йилнинг биринчи ярмида Туркистон АССРдан РСФСР тўқимачилик фабрикаларига 1053 вагон (527 минг пуд) пахта толаси жўнатилди.[3] Ундан ташқари Россия Марказий тўқимачилик корхоналари учун зарур бўлган хом—ашёлар чунончи

---

[1] Андижон вилоят давлат архиви, 59— жамғарма, 1— рўйхат, 74— иш, 600—601— варақлар.
[2] Ўша жойда. 5—бет.
[3] РФ Марказий давлат архиви, 3969 жамғарма, 1—рўйхат, 3—иш, 11—15 варақлар.

юнг, пилла, қоракўл ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида етиштирилган маҳсулотлар ҳам ташиб кетилди.

Компартиянинг яккаҳокимлик мавқеини янада кучайтириш мақсадида Совет Республикалари иқтисодий иттифоқини тузишга катта эътибор берилди. Бутуниттифоқ Халқ Хўжалиги Иттифоқи (БХХИ) Президиуми 1919 йил 3 мартда ягона хўжалик организмини ташкил этиш, ягона Марказий Бошқарув аппарати ва барча совет республикаларини ягона таъминот жамғармасини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилади.[1] 1919 йил сентябрида эса БХХИ РСФСР ва Туркистон АССРнинг ягона иқтисодий сиёсати ҳақида қарор қабул қилдики, мазкур қарорда халқ хўжаликларининг бирлашуви ва уларни битта режа асосида юритилишини марказнинг якка ўзи таъминлаши ҳақида сўз борар эди.[2] Бундан аён бўладики, совет ҳукумати ўзининг мазкур қарори билан Туркистон ўлкаси халқ хўжалигини бошқаришни ўша кезлардан бошлабоқ ўз тасарруфига ола бошлаган. Миллий ўлкаларда ҳар бир ишни марказнинг ижозати билан қилиш лозим, деган қоидага ўшандаёқ асос солинган эди. Марказ Туркистонни худди чор ҳукумати сингари пахта хом ашёси етказиб берувчи асосий базага айлантиришга уринди. Ҳақиқатан ҳам ўлкада пахта яккаҳокимлиги учун кураш бошланган эди.

Совет ҳукуматининг пахта хом ашёси етказиб беришга бунчалик катта эътибор беришининг боиси шунда эдики, Россия тўқимачилик саноатининг Туркистон пахтасига нисбатан эҳтиёжи ниҳоятда ортиб бормоқда эди. 1915 йилга қадар Туркистон Россия тўқимачилик саноати учун 20,5 миллион пуд пахта толаси етказиб берган эдики, бу ана шу саноат эҳтиёжининг 70 фоизини қоплар эди. Туркистонда пахта етиштириш тамомила Марказий Россия тўқимачилик саноатига

---

[1] Братское содружество союзных республик в развитии народного хозяйства (1917—1971 гг.), М., Изд. «Мысль» 1973, стр.51.

[2] «Образование Союза Советских Социалистических Республик», Сб.документов. М., Изд. «Наука», 1972, стр.104.

чамбарчас боғлаб қўйилган бўлиб, ўлканинг ўзида тўқимачилик фабрикалари қуриш чоралари ҳеч кўрилмади. 1917 йилда содир этилган воқеалар туфайли 1918 йил ўрталарига келиб Россия саноати Туркистондан кўзланган миқдордаги пахтани ололмади. Бунинг натижасида Россия тўқув фабрикаларининг бу муҳим хом ашёга бўлган талаблари қондирилмай қолаверди ва бу ҳол ўз навбатида пахта етиштириш эвазига тирикчилик қилувчи деҳқон—пахтакорлар ҳам нон (ғалла) ва кийим—кечакка қаттиқ эҳтиёж сеза бошладилар.

Туркистон Республикаси Халқ Комиссарлари Совети ана шундай бир вазиятда 1918 йил 26 февралда ўлкада пахта хом ашёсини мусодара қилиш тўғрисида декрет чиқарди. Пахта заводлари томонидан қабул қилиб олинган пахта ҳисобидан пахтакор деҳқонлар 200 миллион сўм олишлари лозим эди.[1] Аммо бундай маблағнинг йўқлиги туфайли Туркистон ХКС нинг кўрсатмасига мувофиқ одамлардан пахтани очиқдан—очиқ мусодара этиш бошланди. «Пахтани мусодара этиш ҳақидаги декрет Фарғона узра момақалдироқ каби гумбирлади», деб ёзганди ҳарбий тарихчи Д.Зуев.[2] Чунки ҳукумат мазкур декретни эълон қилгандан сўнг пахтачиликдан зўрға кун кечираётган деҳқонлар пахтасини ҳам тортиб ола бошлади. Оқибатда бор—йўқ бисотидан ажраган деҳқонлар пахта экмай қўйдилар, улар ўртасида ишсизлик, машъум очарчилик, норозилик кучайиб кетди.

1918 йил 11 апрелда Туркистон Халқ Комиссарлари Совети номига Москвадаги Марказий пахта қўмитасидан қуйидаги мазмунда телеграмма келди: «Пахтакорларни нон ва нон маҳсулотлари билан кенг кўламда таъминлаш, пахта ҳисобидан нон маҳсулотларига қоғоз берувчи ташкилотларни кенгайтириш, ўлка аҳолисини кенг кўламда пахта теримига сафарбар этиш ва уларга нон маҳсулотларини

---

[1] «Образование Союза Советских Социалистических Республик», стр.104.
[2] «Фан ва турмуш» 1991 йил 11—сон, 6—бет.

биринчи навбатда етказиб бериш, мануфактура саноатининг бир қисм ишчиларини пахта йиғим—теримига сафарбар этиш, пахтакорларга марказий ҳукумат томонидан ҳар томонлама ёрдам берилажагини уқтирилиш таъминлансин».[1] Ушбу телеграмма шундан далолат бериб турибдики, марказ ўша пайтда бутун эътиборни пахта ҳосилини йиғиб—териб олишга ва уни тезроқ марказий Россия тўқимачилик фабрикаларига етказиб беришга қаратган ва пахтачиликнинг моддий негизини кучайтиришга зўр берган эди.

Чор Россияси сингари совет ҳокимияти ҳам дастлабки йилларданоқ Туркистонни қолоқ, аграр ўлка ва хом—ашё базаси сифатида сақлашга ҳаракат қилди. 1918 йил 30 майда РСФСР Халқ Комиссарлари Совети раиси В. И. Ленин ва Олий Халқ Хўжалиги Совети аъзоси Я. Э. Рудзутак билан биргаликда Тошкентда ва Туркистоннинг бошқа шаҳарларида Россия тўқимачилик саноати учун пахта тайёрлаш ва сотиб олиш учун банклар очиш тўғрисидаги қарорларга имзо чекдилар.[2]

Айни вақтда РСФСР ҳукумати бошлиғи В. И. Ленин Олий Халқ Хўжалиги Кенгаши аъзоси В. П. Ногинни Туркистонда пахтачиликнинг аҳволини ўрганиш учун бу ерга юборади. РСФСР томонидан вақтида кўрсатилган «ёрдам» деҳқонларнинг пахтачиликка ва ундан олинган ҳосилни сотишга қизиқишларини бир мунча оширди. Чунки илгари пул тўланмагани оқибатида деҳқонлар етиштирилган ҳосилни давлатга бермаётган эдилар . Бунинг натижасида 1917 йилги ҳосилни ҳам давлат ҳали сотиб ололмаган эди. 1919 йил 1 марттача Туркистондан қатъий нархда деҳқонлардан 1917 йил ҳосилидан 2813336 пуд, 1918 йил ҳосилидан 2071594 пуд пахта сотиб олинди, бойлардан эса 3 миллион пуд пахта мусодара қилинди.[3]

---

[1] ЎзР МДА. 27—жамғарма, 1—рўйхат, 56—иш, 5—варақ.
[2] Ўша жойда, 36—жамғарма, 1—рўйхат, 11—иш, 182—варақ.
[3] «Народное хозяйство Туркестана», 1919, № 14, стр.17.

Марказ ўтказаётган пахта яккаҳокимлиги сиёсати туфайли ўлкада пахта экиладиган майдонлар тобора кенгая борди. Бу ҳол эса қадимдан ўзини—ўзи дон билан таъминлаб келган Туркистонда дон тақчиллигини келтириб чиқарди. Боғ—роғлар тугатилиб, улардан «бўшаган» майдонларда пахта экиладиган бўлди. Пахта яккаҳокимлигининг ўрнатилиши натижаси ўлароқ дон ва дон маҳсулотлари ўлкага четдан келтирила бошлади.

Ўлкада бошланган ва давом этаётган миллий истиқлол уруши ва қаторасига икки йил қурғоқчилик бўлиши маҳаллий халқнинг тинкасини қуритди, нон танқислиги авж олди. Бу ҳолларнинг барчаси Туркистон АССРнинг Москвадаги Мухтор ваколатхонаси зиммасига қўшимча вазифалар юкламай қололмас эди. Мухтор ваколатхонанинг иқтисодий бўлими ҳақиқатан ҳам 1918—1924 йиллар мобайнида асосий эътиборни ўлкани нон ва нон маҳсулотлари билан таъмин этишга қаратган эди. Октябрь тўнтаришидан олдинги йилларда Туркистонга ҳар йили 14 миллион пуддан 20 миллион пудгача ғалла четдан келтирилар эди, аммо совет ҳокимияти даврида аҳолининг қўлидаги кун кўриши учун йиғилган ғалла ҳам тортиб олинди ва армияга берилди. Аҳвол эса кундан—кунга оғирлашиб бораверди. Мухтор ваколатхона жуда катта қийинчиликларни енга бориб, озиқ—овқат маҳсулотларини ғамлаб, вақти—вақти билан Туркистонга жўнатиб туришга уринди. Шу мақсадда ваколатхона ўз вакилларини мамлакатнинг турли жойларига юбориб ғалла йиғишга ҳаракат қиларди. Масалан, 1918 йил ноябрида мамлакатнинг бир қанча вилоятларига юборилган ходимлар Туркистон Республикаси учун бир миллион уч юз минг пуд дон маҳсулотлари тайёрладилар[1]. Шунда ҳам бу ғаллани ҳаммасини етказиб келишнинг иложи бўлмади. 1920 йил январь ойида мухтор ваколатхона номига Тошкентдан радиограмма

[1] Россия Федерацияси Марказий Давлат архиви, 1334—жамғарма, 1—рўйхат, 22—иш, 7—варақ.

келди. Унда Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши заҳирасидан Туркистон учун 500 минг пуд ғалла ажратилиб, жўнатилгани қайд этилганди.

Кўрилган қатор тадбирларга қарамай ўлкани нон ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлаш аҳволи оғирлигича қолмоқда эди. Ўлкада очарчилик тобора ўз кучини кўрсата борди. 1923 йил 5 апрелда Туркистон АССРнинг Москвадаги мухтор вакили Муҳамаджон Исаев номига бу ҳақда қуйидаги мазмунда телеграмма келган эди: «...ўлкада очарчилик, озиқ—овқат маҳсулотлари, айниқса, ноннинг тақчиллиги жуда кучайган. Бозорларда нарх—наво кундан—кунга ошиб бормоқда. Ҳозирги шароитда Туркистон учун нон маҳсулотлари жуда зарур. Шунинг учун ҳам бор куч ва ғайратни ишга солиб ушбу масалани ҳал этмоқ, кўпроқ нон маҳсулотлари учун кредит олмоқ лозим».[1]

Туркистон АССРнинг Москвадаги мухтор ваколатхонаси ўз ҳукуматининг фавқулодда муҳим топшириқларини бажариш билан бирга Хоразм Халқ Республикаси ва Бухоро Халқ Республикаси вакилларининг Марказ билан алоқа боғлашларига, умуман улар—нинг ўз вазифаларини адо этишларида ҳам ёрдам кўрсатиб турди.

Хоразм Халқ Совет Республикаси дўстлик ва қардошлик алоқаларини мустаҳкамлаш тўғрисида шартнома тузиш мақсадида 1920 йилнинг июнида Тошкент ва Москвага ўзининг махсус делегацияларини юборди. 1920 йил 26 июнда Туркомиссия ўз мажлисида Хоразм Халқ Совет Республикаси вакилларининг маърузасини муҳокама қилди. Хоразм вакиллари халқ ҳокимия—тини мустаҳкамлаш ва «аксилинқилобий» кучларга қарши курашда ёрдам беришни илтимос қилдилар. Туркомиссия Хоразм Республикаси вакилларининг илтимосларини бажо келтириш юзасидан бир қанча қарорлар қабул қилди.

---

[1] ЎзР МДА, 17—жамғарма, 1—рўйхат, 358—иш, 71—бет.

1920 йил 13 сентябрда Москвада РСФСР ва Хоразм Халқ Совет Республикаси ўртасида Иттифоқ шартномаси ва иқтисодий битим имзоланди. Бу маросимда Туркистон мухтор вакиллари ҳам иштирок этдилар.

РСФСР ҳукумати Хоразм Халқ Совет Республикаси билан Иттифоқ Шартномаси тузар экан, у барча халқлар ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга эканлигини эълон қилган Декларацияга асосланиб ва собиқ Хива хонлиги ва унинг халқини эксплуатация қилган собиқ Россия ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсатидан воз кечиб, Хоразм Халқ Республикасининг тўла мустақиллиги ва эркинлигини тан олди. Мазкур Шартномага кўра РСФСР ҳукумати, бир томондан рус подшо ҳукумати ва унинг органлари, иккинчи томондан, Хива хонлиги ўртасида тузилган барча шартнома ва битимларни бекор қилди. Шу сабаб Бобоохун Салимов бошлиқ Хоразм вакиллари Москвага борган эди. Москвада Хоразм вакиллари «катта иззат—икром ва ҳурмат билан» кутиб олинди. Делегация аъзоларини ҳатто В.И.Ленининг ўзи қабул қилган, бундан кейин Хоразм халқи ўз тақдирини ўзи белгилайди, бу «инқилобий ғалаба»дир, «мен сизларни бундай ғалаба билан табриклайман», деб айтган.[1] Аммо совет ҳукумати иккинчи томондан «Ёш хиваликлар» бошлиқ Хоразм Совет Халқ ҳукуматига заррача бўлсада мустақил ишлашга имкон бермади. Устига устак кун сайин коммунистик тазйиқ ва босим ортиб борди.

Илгари чор ҳукумати ва рус капиталистларига қарашли бўлган барча мулклар (банклар, завод—фабрикалар, савдо корхоналари, уй—жой, ер—сув, асбоб—ускуналар ва бошқа мулклар) Хоразм Халқ Совет Республикасига топширилди. Шу билан бирга ҳар икки томон балиқ овлаш, чегарадаги дарё, канал ва кўллардан юк ташиш соҳасида улардан тенг ҳуқуқлик асосда фойдаланиш тўғрисида келишиб

[1] Непесов Р. Из истории Хорезмской революции, 1920-1924 гг.1962, 209 –с.

олдилар. Шунингдек, шартномада РСФСР ҳукуматининг Хоразм Республикасига бир йўла 500 миллион сўм қарз бериш, агрономлар, ўқитувчилар, босмахоналарга керак бўладиган асбоб—ускуналар ва ҳоказолар юбориш йўли билан маданий—оқартув ишлари соҳасида ҳам ёрдам бериш назарда тутилган эди.

Иттифоқ шартномаси имзоланган ўша куни (1920 йил 13 сентябрь) Москвада РСФСР билан Хоразм Халқ Республикаси ўртасида иқтисодий битим ҳам имзоланган эди. Шу битимга кўра иккала мамлакат ўртасида товар маҳсулотларини айрибошлаш махсус давлат органлари орқали амалга ошириладиган бўлди. Аммо бу шартномалар қоғозда қолиб кетди. Амалда Хоразм Халқ Республикаси ҳақ—ҳуқуқлари топталди. Шунга қарамай РСФСР ва Туркистон Республикаси ҳукуматлари Хоразм Халқ Республикаси билан иқтисодий алоқаларни кучайтиришдан манфаатдор эди. Шу боис қисман бўлсада республика меҳнаткашларининг турмуш шароитларини яхшилашга керак бўладиган маҳсулотларни етказиб бериб туришга мажбур бўлдилар. Бу ниятни рўёбга чиқаришда Туркистон мухтор ваколатхонасининг роли катта бўлди.

Москвада Туркистон диёрининг яна бир нуфузли ваколатхонаси фаолият кўрсатган эдики бу Бухоро Республикасининг мухтор ваколатхонаси эди. Бу мухтор ваколатхона фаолиятида ҳам Туркистон Республикаси мухтор вакиллари яқиндан кўмак бериб бордилар. Икки мухтор ваколатхона ўртасида ўзаро алоқалар айниқса Абдураҳим Юсуфзоданинг 1923 йил ноябрида Бухоро Республикасининг мухтор вакили ўринбосари бўлиб тайинланганидан кейин жонланди. Худди шу вақтда Туркистон АССРнинг мухтор вакили Иномжон Хидиралиев эди. 1924 йил апрель ойининг бошларидан А. Юсуфзода Бухоро Республикасининг Москвадаги мухтор вакили этиб тайинланади.[1] Шундан сўнг И. Хидиралиев ва А.

[1] «Андижоннома». 2000 йил, 4 октябрь.

Юсуфзодаларнинг ҳамкорликдаги фаолияти янада жонланиб кетади. Улар доимо ҳамкорликда иш юритадилар.

Туркистон АССРнинг Москвадаги мухтор вакиллари ўлка иқтисодини тиклаш учун марказдан моддий бойлик ва пул маблағлари ундириб юбориб турар эканлар, айни вақтда бу муаммони фақат четдан маблағ келтириш ҳисобигагина ҳал этиш мумкин эмаслигини яхши тушунар эдилар.

Худди шу боисдан улар марказ олдига ўлканинг ўзида фабрика ва заводлар бунёд этиш масаласини қўйдилар. Мухтор вакиллар С. Юсупов ва В. Троицкийлар ўлка аҳолисининг қандга бўлган эҳтиёжи ўсиб бораётганини ҳисобга олиб, 1919 йил январь ойида РСФСР ҳукумати олдига Туркистонда қанд заводи қуриш ҳақидаги масалани қўйдилар. Мазкур масалага доир баённомада жумладан шундай дейилган эди: «Туркистон ўлкаси Украина ва Марказий Россиядан узиб қўйилганлиги туфайли биринчи навбатда бу ерда қанд заводи қурилиши талаб қилинмоқда».[1]

Ҳақиқатан ҳам ўша пайтларда республикага четдан қанд келтиришнинг иложи бўлмай қолганди. Фақат ички имконият-лардан фойдаланиш йўли билангина аҳолининг бу муҳим маҳсулотга нисбатан ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш мумкин эди. Шу мақсадда 1918 йили Тошкент шаҳри атрофида қанд лавлаги етиштириш тажриба қилиб кўрилди ва у яхши натижа берди. 1919 йил 24 январда Туркистон ҳукумати топшириғига мувофиқ мухтор ваколатхона Халқ хўжалиги Олий Кенгаши ҳайъатидан Туркистонда 2 та қанд заводи қурилишини, ўлкада қанд лавлаги етиштириш масаласини қараб чиқишни сўраб мурожаат қилди. Мурожаатда қайд этилган эдики, қурилаётган қанд заводлари учун жой ҳозирлашни буюрар эдик. Мухтор ваколатхона шунга ишонадики, Халқ Хўжалиги Олий Кенгаши ҳайъати Туркистонга йилига 2,0–2,5 миллион пуд

[1] ЎзР МДА 13–жамғарма, 1–рўйхат, 29–иш, 1–варақ.

қандни қайта ишловчи иккита заводни юборишни ижобий ҳал қилади.[1]

Бу иккита қанд заводини Туркистонга кўчириб келтириш натижасида ўлка аҳолисининг қандга бўлган эҳтиёжини қондириш мумкин бўларди. Аммо бу совет ҳукуматининг олиб борган шовинистик сиёсати натижасида пайсалга солинди.

Мухтор ваколатхона бошқа бир йўналишда ҳам фаол ҳаракат қилишга киришди. У Туркистон асосан пахта етиштирувчи ўлка эканлигини, аҳолини иш билан таъминлаш, шу билан бирга етиштирилган ҳосилни шу ернинг ўзида қайта ишлашни назарда тутиб, тўқимачилик фабрикаларини Марказий Россиядан кўчириб келтириш ташаббуси билан чиқди.

Чиндан ҳам у марказдан Туркистонга тўқимачилик саноати корхоналарини кўчириб келтиришнинг ташкилотчиси бўлиб қолди. 1920 йил март ойи бошларида Марказий Россиядан Туркистонга тўртта тўқимачилик фабрикасини (2 минг ускуна) барча асбоб—анжомлари ва етакчи мутахассислари билан кўчириб келтириш масаласи ижобий ҳал этилдики, бу ҳол келажакда ўлкада янги саноат ўчоқларини барпо этишда муҳим роль ўйнади.[2]

Мухтор ваколатхона худди ана шу мақсадда 1922 йил декабрь ойида Халқ хўжалиги Олий Кенгаши Президиумига Туркистонда тўқимачилик фабрикаси қурилиши режасини топширди ва бу масала Президиумнинг навбатдаги йиғилишида кўриб чиқилиб, тасдиқланди. Худди шу йили Туркистондан Марказий Россия заводларида малака ошириш учун кўпгина ишчилар жўнатилди. Айни вақтда ваколатхона вакиллари Туркистондаги янги саноат қурилиши учун маблағ топиш йўлида ҳам бирмунча ишларни амалга оширдилар. Жумладан, мухтор ваколатхона Халқ хўжалиги Олий Кенгаши билан келишиб, ўлкада

---

[1] ЎзР МДА 13—жамғарма, 1—рўйхат, 29—иш, 2—3 варақлар.
[2] Ўша жойда, 17—жамғарма, 1—рўйхат, 672—иш, 103—варақ.

қувур ишлаб чиқарувчи корхоналарни ривожлантириш учун 2 миллион олтин сўм миқдорида қарз олишга муваффақ бўлди.[1]

Туркистон АССРнинг Москвадаги Мухтор ваколатхонаси ўлкада банк тизимини ташкил қилиш ва уни ривожлантириш ишида ҳам фаол иштирок этди. Туркистонда турли йўналишдаги банк муассасаларини очиш ва уларни керакли жиҳозлар билан таъминлашда ҳам унинг хизматлари катта бўлди.

1918 йил 22 декабрда Туркистон АССР Халқ Комиссарлар Совети раиси муовини Малков, республика Молия Халқ Комиссари Ранеслолар Москвага, Туркистон Мухтор ваколатхонасига телеграмма юборади. Унда ўлкадаги банк тизимининг аҳволи таҳлил этилган, шу билан бирга пахта банки очиш учун марказдан рухсат олиб бериш, ўлкадаги молиявий аҳволни яхшилаш учун марказий ҳукуматдан ёрдам олиб бериш сўралган эди.[2] Бу билан Туркистон иқтисодини оёққа бостиришга, молиявий аҳволни бир мунча яхшилашга эришиш мумкин эди.

Буни яхши англаган мухтор вакил В.А.Тройцкий РСФСР Молия Халқ Комиссарлигидан Туркистонда пахта банки очишга рухсат олишга муваффақ бўлди. 1919 йил 30 майда РСФСР Халқ Комиссарлар Совети раиси В. И. Ленин ва Халқ хўжалиги Олий Кенгаши аъзоси Я. Э. Рудзутак Тошкентда ва Туркистоннинг бошқа шаҳарларида пахта банкларини очиш тўғрисидаги қарорга қўл қўядилар.[3]

1922 йилга келиб Туркистонда қишлоқ хўжалик банки очиш масаласи кўтарилди. Мухтор ваколатхона мазкур банк низоми лойиҳаси ишлаб чиқилгандан кейин уни тасдиқлаб беришни сўраб марказий ҳукуматга мурожаат қилди ва бу банкни очиш учун дастлаб олтин ҳисобида 3 миллион сўм миқдорида ёрдам беришни илтимос

---

[1] ЎзР МДА, 17—жамғарма, 1—рўйхат, 672—иш, 17—варақ.
[2] Ўша жойда, 13—жамғарма, 1—рўйхат, 21—иш, 21—варақ.
[3] Ўша жойда, 36—жамғарма, 1—рўйхат, 11—иш, 182—варақ.

қилди. Мазкур масала марказ томонидан ижобий ҳал этилди ва ҳатто Туркистонда ҳиссадорлик жамиятлари очишга ҳам рухсат олинди.[1]

Туркистон мухтор ваколатхонаси ходимлари фолиятида ўлкадаги суғориш иншоотларини тиклаш масаласи ҳам ўзига хос ўрин тутди. Улар бу масаланинг моҳияти ва фаолиятини жуда яхши тушунар эдилар. 1918 йил 8 ноябрида С.М.Юсупов раислик қилган мухтор ваколатхона йиғилишида Туркистондаги «Иртур» (Туркистондаги сув қурилиши ишлари) масаласи кўриб чиқилди ва бу ҳақда алоҳида қарор қабул қилинди. Унда: «Туркистонга очиқ йўл орқали «Иртур»га ишчилар юбориш лозим» дейилган эди.[2]

Туркистондаги «Иртур» бошқармаси ирригация ишларини бажариш, вайрон бўлган хўжаликни тиклаш; керакли материаллар сотиб олиш учун РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг қарори билан 29 миллион сўм кредит олди.[3] 17 майда бошқарма декретни ҳаётга тадбиқ этиш йўлида дастлабки қадам қўйди. Лекин кенг кўламдаги суғориш ишларини амалга ошириш учун катта қийинчиликларни бартараф этиш зарур эди. Шу сабаб Туркистон мухтор ваколатхонаси ёрдам сўраб яна БМИКга мурожаат қилди. 1918 йил декабрида В.И.Ленин ваколатхона вакиллари В.А.Троицкий билан С.М.Юсуповнинг «Иртур» фаолияти юзасидан маърузасини тинглади. В.И.Ленин ушбу докладдан сўнг шошилинч чоралар кўришга мажбур бўлди. У шу масала юзасидан Л.Б.Красин ва Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Қўмитаси ва РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг Туркистондаги мухтор вакили П.А.Кобозев билан суҳбатлашиб, ўз мулоҳазаларини изҳор этди ва шу мақсад учун керакли маблағни марказ ажратажагини уқтирди.[4]

---

[1] ЎзР МДА, 13—жамғарма, 1—рўйхат, 358—иш, 12—варақ.
[2] РФ МДА, 1334—жамғарма, 1—рўйхат, 4—иш, 2—варақ.
[3] Ўша жойда, 1—иш, 117—варақ.
[4] Ленин В. И. Биографическая хроника. Т., июль, 1918. Март, 1919 г., М., Политиздат, 1975, с 318.

Гарчи қатор тадбирлар кўрилган бўлса—да, Туркистондаги сув қурилиши ишлари ҳажми катта бўлганлиги туфайли шу мақсадлар учун ажратилган маблағлар ниҳоятда оз эди. Бу ҳол Туркистон АССР Халқ Комиссарлар Совети раиси муовинининг мухтор вакил М.Исаевга йўллаган телеграммасида ўзининг ифодасини топган эди. Унда Туркистондаги ирригация ишлари эҳтиёжлари учун берилаётган кредитлар етарли эмаслиги қайд этилган эди. Ваҳоланки, Туркистон ўлкасининг иқтисодини тиклашдаги асосий йўналишларидан бири ирригация соҳасини тезроқ тиклашдан иборат эди. «Шунинг учун, — дейилган эди мазкур телеграммада, — Сиз орқали марказдан керакли маблағни ўз вақтида ажратиб беришингизни сўраймиз».[1]

Шундан кейин мухтор вакил М.Исаев РСФСР ҳукуматига ва БМИКнинг тегишли ташкилотларига мурожаат қилиб, Туркистон ўлкасининг иқтисодиётини тиклаш учун 1923 йили ҳар бир ой учун 250 минг сўмдан кредит ва ирригация соҳасини тиклаш учун эса 1 миллион 100 минг сўм кредит ундиришга эришди.[2]

Вайрон бўлган суғориш иншоотларини тиклашнинг долзарб масалалари ҳам Туркистон мухтор вакилларининг эътиборидан четда қолмаган. Улар бу масалаларни ижобий ҳал этиш йўлларини қидирганлар, ёрдам сўраб марказий ҳукуматга қайта—қайта мурожаат қилиб турганлар.

Аммо, бу ундирилган маблағлар республикадаги иқтисодий таъминот масаларини тўла ҳал қила олмас эди. Чунки совет ҳукуматининг иқтисодий соҳада амалга оширган тадбирлари мустамлакачилик руҳида бўлиб, хусусий мулкчиликни йўқ қилишга қаратилган, асосан иқтисодий тараққиёт қонуниятларига, халқнинг азалий турмуш тарзига мутлақо зид бўлиб, уларни зўрлик билан қўпориб ташлашга асосланган бу тадбирлар ишлаб чиқаришдаги

---

[1] ЎзР МДА 17—жамғарма, 1—рўйхат, 358—иш, 71—варақ.
[2] Ўша жойда, 13—жамғарма, 1—рўйхат, 40—иш, 11—варақ.

таназзулни тўхтата олмас эди. Шунга қарамай мухтор ваколатхона ўлкадаги иқтисодий таъминот масалаларини ҳал этишда марказнинг тазйиқларига қарамасдан советлар даврида зўрлик билан ташкил этилган умумий бюджетдан Туркистон АССРнинг улушини ундиришга ҳаракат қилди.

I. 4. ТУРКИСТОНДАГИ МАЪНАВИЙ СОҲАДАГИ МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШДАГИ МУХТОР ВАКОЛАТХОНАНИНГ ЎРНИ

Туркистонда 20—йилларнинг биринчи ярмида бир бутун маданий—маърифий кўтарилиш майдони вужудга келди. Шу аснода халқ оммаси, миллий зиёлилар иштирокидаги маънавий—маданий жараён, фикрлар, тажриба алмашувлари одатга айланиб борди. Большевикча аксилмиллий, умуминсоний прогрессив маърифатчи—ликка душманлик босимларига қарамасдан 1917—1924 йилларда Туркистонда маданий—маърифий турмуш жабҳаларида янгиланиш, янги шакллар ва мазмун вужудга келди, халқ маънавиятида ўз аксини топди. Миллий зиёлилар, руҳонийлар, ерли раҳбарларнинг амалий фаолиятлари борган сари қаттиқ таъқиб остига олиниб, халқ маънавиятини бойитиш йўлидаги ҳаракат майдони торайиб борди.

Шундай шароитда мухтор ваколатхонанинг вазифаси ниҳоятда мураккаб эди. Ваколатхона ўлкада халқ маорифини изга солиш, Туркистонга саноат соҳасидаги малакали кадрлар жўнатиш, Туркистондан Россия шаҳарларига ва хориж мамлакатларига ёшларни жўнатиб ўқитиш масалаларига эътибор қаратади. Худди шу масалалар юзасидан мухтор вакил Собиржон Юсупов РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг Молия бўлимига мурожаат қилиб, Туркистонга малакали кадрлар жўнатиш, Туркистондан эса Россия шаҳарларига ва чет элларга ёшларни жўнатиб ўқитишга рухсат бериш, бунга керакли маблағ ажратишни сўрайди. Чунки республика ҳукумати бу масалаларни мустақил ҳал этиш ҳуқуқига ва моддий имконга эга эмас эди. Юқорида бир неча бор кўрсатиб ўтилганидек, Туркистон ўз маблағига ўзи эгалик қила олмас, мустақил ички ва ташқи сиёсат юргиза олмас эди. Туркистон АССРнинг Москвадаги мухтор ваколатхонаси ўлкада кечган маданий—маърифий жараёнларда имкон қадар иштирок этди. Жумладан, у Туркистон

зиёлиларининг ташаббуси билан Тошкентда илк олий ўқув юрти — университет очиш ишида фаол иштирок этди. 1918 йил июлида мухтор ваколатхона қошида Туркистон университетини очиш бўйича ташкилий қўмита тузилди. Мухтор вакил Собиржон Юсупов мазкур ташкилий қўмитани бошқариб турди, барпо этилажак олий ўқув юрти эҳтиёжлари учун зарур бўлган асбоб—анжомлар, ўқув—методик қўлланмалар, адабиётлар сотиб олди ва барча тайёргарлик ишларининг боришини назорат қилиб турди.

Мухтор вакил С. Юсупов Тошкентда Туркистон универси—тетининг ташкил этилиши ўлка маданий—маънавий ҳаётидаги улкан тарихий воқеа эканлигини яхши тушунар эди. У, шу муносабат билан Тошкентда олиб борилаётган ишлар, университет учун юбориладиган ўқув—методик қўлланмалар, китоблар, асбоб—анжомлар қай даражада тайёрланаётганлиги билан мунтазам қизиқиб турди.

Туркистонда университет ташкил этиш ҳақида ғоя дастлаб жадид зиёлилари тавсия этган «Таржимон» газетаси ва «Ойна» журнали ҳамда жадидларнинг «Турон» (1913—1917) каби дастлабки ижтимоий—маърифий уюшмаларининг низомларида ўз аксини топганди.[1]

Мустабид совет даврида Тошкент Давлат Университети 1920 йили совет ҳукумати ташаббуси билан ташкил этилган деган сохта фикр тарғиб этиб келинган эди. Мустақиллик даврида эса Ўзбекистонда университет ташкил этиш мустақиллик фидойилари — жадидлар томонидан матбуотда тарғиб қилинганлиги ҳақидаги манбалар аниқланди. Президент Ислом Абдуғаниевич Каримов ташаббуси билан Тошкент Давлат Университетига «Ўзбекистон Миллий Университети» мақоми берилди ва университетнинг асосчилари

[1] Маърифат. 2000 йил 29 январь.

жадид зиёлилари, унинг ташкил этилган санаси эса 1918 йил 12 май деб белгиланди.[1]

1918 йил ноябрь ойида мухтор вакиллар С.Юсупов ва В.Троицкий Туркистонда университет очиш билан боғлиқ барча ташкилий ишлар ҳал қилингани, университетда сабоқ бериш учун малакали профессор—ўқитувчилар танлаб олингани ва улар тез кунларда Тошкентга етиб боришларини маълум қиладилар.[2]

Миллий университет Туркистон зиёлилари ташаббуси билан ташкил этилсада совет ҳокимияти унинг эркин ва мустақил бўлишига йўл бермади. Хусусан, 1918 йил университет очилиши тантанасида сўзга чиққан Туркистон халқ маорифи комиссари К.Успенский мустамлакачилик ғояларини яширмай, шундай деган эди: "Мусулмонлар, кичик қардошлар! Биз сизнинг улуғ биродарингиз бўлганимиздан, сизларни моддий ҳам маънавий жиҳатдан таъмин қилмоққа мажбурмиз ва биз маданиятда сиздан илгарироқ бўлганимиз учун (ўзимизни) улуғ биродар деб тавсия этамиз (ҳисоблаймиз)"[3]. Бу билан болшевиклар Туркистоннинг нафақат тузуми, иқтисоди, балки маънавиятига ҳам хўжайинлик қилиш, ўлка халқларининг маънавиятини ҳам ўз измида сақлаш давосини илгари сурдилар ва буни «маънавий ва моддий таъмин» деб ҳисоблашга уриндилар. Туркистондан марказ хазинасига бориб тушган ва ўлка маорифи учун зўр базўр ундирилган маблағ эса «катта оға»нинг ёрдами сифатида кўрсатилди. Аслида бу «хўжайин»нинг ўз хизматкорига садақа қилган чойчақаси эди халос.

1920 йили Ленин декрети билан Туркистон Давлат университети (1923 йилдан САГУ) шаклида гўёки янгидан таъсис этилади. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, бу дорилфунунда 1923 йили атиги 2 фоиз—

---

[1] «Ўзбекистон овози» 2000 йил 29 январь.
[2] Россия Федерацияси Марказий давлат архиви, 130—жамғарма, 1—рўйхат, 809—иш, 41—варақ.
[3] Халқ дорилфунуни. 1918 йил. 21 июль.

50 нафар маҳаллий талаба ўқиган.[1] Бу пайтга келиб Миллий университетнинг асосчилари ҳисобланган жадидлар университет фаолиятидан четлатила бошлади.

Туркистон АССРнинг Москвадаги мухтор вакиллиги фаолия-тига доир ҳужжатлар шундан гувоҳлик берадики, Мухтор вакиллар Туркистондаги биринчи Университетни замонавий Олий ўқув юртига айлантириш учун зарур бўлган моддий маблағни уюштириш, илмий лабораториялар ташкил этиш мақсадида 1920 йил апрель ойида Марказий ҳукуматга мурожаат этадилар. Шундан сўнг Тошкентга бир гуруҳ профессор-ўқитувчилар замонавий лаборатория асбоб анжомлари, қўлланмалар жўнатилди.[2]

Бошқа ҳар қандай давлатнинг келажаги сингари Туркистон Республикасининг истиқболи ҳам ёшларга боғлиқ эди. Унинг иқтисодий ва маданий жиҳатдан юксалишини фақат етук, малакали кадрларгина таъминлай олар эди. Бунинг учун энг аввало ёшларни ўқитиш, уларни замонавий илмий билимлар билан қуроллантириш керак эди. Дарҳақиқат Туркистоннинг иқтисодий жиҳатдан юксалтириш эҳтиёжлари хорижий мамлакатларда содир этилаётган илмий-техникавий кашфиётлардан хабардор бўлишни, ана шу мамлакатларга ёшларни юбориб улардан турли мутахассис кадрлар етиштиришни талаб қилар эди. Буни ўз вақтида англаб етган Туркистон миллий зиёлилари ёшларни Германия, Туркия каби хорижий мамлакатларида билим олишларини ташкил этишга ҳаракат қиладилар. Ўлка учун ғоят муҳим аҳамият касб этган бу муаммони ҳал этишга Туркистон АССРнинг Москвадаги мухтор ваколатхонаси ҳам иштирок этишга ҳаракат қилади. Марказдан бу мақсадда пул ундириш бефойда эди. Ички имкониятлар ва фидойилар ҳаракати билан тўпланган олтин пулни эса мустақил ташқи сиёсат олиб бориш

[1] Маърифат. 2000 й. 29 январь.
[2] Қодиров Э.К. Ўзбекистон умумий таълим мактабларининг ривожланиши (1917-1975 йиллар). Тошкент, 1979. 123-бет.

ҳуқуқига эга бўлмаган республика ҳукумати чет элга ўз ёшлари ўқиши учун ўтказа олмас эди. Шунинг учун 1922 йил 25 сентябрда Туркистон АССР Марказий Ижроия Қўмитаси раиси Абдулла Раҳимбобоев РСФСР Халқ Комиссарияти Молия бўлимидан четга олтин пул олиб ўтишга рухсат олиб беришни сўраб мухтор ваколатхонага мурожаат этади. Мазкур мурожаатномада, жумладан, бундай дейилган эди: «Туркистон Республикаси МИК РСФСР Халқ Комиссариати Молия бўлимидан олтин пулларни чегарадан олиб ўтишга рухсат олиб беришингизни сўрайди, чунки Туркистон Республикаси ўз ҳисобидан талабаларимизнинг Германияда ўқишларини давом эттиришлари учун ҳар бирига олтин ҳисобида 620 сўмдан маблағ ажратиб жўнатмоқда».[1]

Мухтор ваколатхона аралашуви билан ушбу масала ҳал этилиб талабаларга кўрсатилган миқдордаги маблағ билан чегарадан ўтишга рухсат берилди.[2] Натижада 1922 йилда Туркистондан 70га яқин ёшлар германияга ўқишга жўнатилди. Кейинроқ Туркияга ҳам жўнатилди. Ёшларимиз Германия ва Туркиянинг турли ўқув юртларида муваффақият билан ўқидилар, мутахасис бўлиб етишдилар. Афсуски, она юртига қайтган йигит—қизларимиз мустабид тузум қатағонига учради.

Мухтор вакиллар Россиянинг Москва, Петроград каби йирик шаҳарларида таҳсил кўраётган туркистонлик талабаларни эса моддий маблағ билан таъминлаб турди. Чунончи 1922 йил 4 октябрда Туркистон Республикаси МИК раиси муовини С. Хўжамов имзоси билан Туркистон АССРнинг Москвадаги мухтор ваколатхонаси номига юборилган 8299—сонли талабномасида шундай дейилган эди: «Туркистон Республикаси МИК Сиздан Москва ва Петроградга жўнатилган талабаларни келишилган асосда маблағ билан (маблағнинг

[1] ЎзР МДА 13—жамғарма, 1—рўйхат, 92—иш, 14—варақ.
[2] Ўша жойда, 21—варақ

ҳар бир талабага қанча миқдордалиги келишувда кўрсатилган) таъмин этиб беришингизни сўрайди»[1].

Талабаларни нафақат маблағ билан балки ётоқ—жой билан таъминлаш, улардан доимо хабар олиб туриш ҳам мухтор вакилларнинг хизмат бурчига айланган эди. Талабалар билан турли кечалар ўтказиш, ота—оналар билан учрашувлар уюштириш, хуллас, ана шундай барча ташкилий ишлар ваколатхона орқали амалга оширилар эди. Бундан ташқари Москвадаги мухтор ваколатхона қошида 1920 йил 16 октябрда талабалар ишлари бўйича алоҳида комиссия тузилган. Талабалар иши билан билан шуғулланувчи комиссия Туркистон мухтор ваколатхонасининг ёрдамчи органи саналиб, ўз қарорларини ваколатхона тасдиқлаган тақдирдагина ҳаётга татбиқ қила олар эди.

Туркистон мухтор ваколатхонаси ходимларининг куч—ғайрати ва эътибори туфайли мазкур комиссия Россиянинг марказий шаҳарларидаги Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган туркистонлик талабаларнинг ҳақиқий ғамхўри ва ишончли ҳамроҳига айланди.

Мухтор ваколатхонанинг 1922 йил учун берган ҳисоботидан шу нарса аён бўладики, туркистонлик талабаларга берилаётган стипендиялар миқдори 125 тага оширилган ва шу вақт ичида талабалар сони ҳам анча ортган.[1] Уларни ўқув қуроллари билан таъминлаш ва уларга стипендиялар бериш учун 1921 йилнинг ўзида уларнинг ҳар бирига 60000 сўм маблағ сарфланган.[2] Албатта бу пуллар мухтор ваколатхонага марказ томонидан умумий дошқозондан эмас, балки Туркистон ҳукумати томонидан юбориб турилар, юборилган бу маблағлар мухтор ваколатхона томонидан тақсимланар эди.

1921 йил февраль ойида Туркистон Республикасининг Москвадаги мухтор ваколатхонаси марказий ҳукумат вакиллари

---

[1] ЎзР МДА 13—жамғарма, 1—рўйхат, 92—иш, 16—варақ.
[2] Ўша жойда, 358—иш, 17—варақ.

билан келишиб, Туркистондаги қўриқ ерларни ўзлаштириш, қурилажак ва мавжуд сув иншоотларининг ҳолатини ўрганиш мақсадида Москвадан профессор Резенкамф бошчилигида ўқитувчи ва талабалардан иборат экспедиция юборди. Мухтор ваколатхона мазкур экспедициядан яна бир мақсадда ҳам фойдаланишни назарда тутган эди; яъни Туркистондаги олий ўқув юрти талабалари билан учрашувлар ўтказиш, тажриба алмашиш, ўзаро ҳамкорлик қилиш ҳақида келишиб олиш кабилар кўзланган эди. 1921 йил март ойида Туркистон Давлат университетида экспедиция аъзолари билан университет профессор—ўқитувчилари ва талабалрининг учрашуви бўлиб ўтди. Бу учрашувда экспедиция раҳбари профессор Резенкамф маъруза қилиб, Москва институтидаги таълим—тарбия ишларининг қўйилиши, экспедициянинг мақсад ва вазифалари ҳақида йиғилганларга сўзлаб берди.[1] Туркистон университети профессор—ўқитувчилари ва талабалари билан бўлган ана шу учрашувда ўзаро тажриба алмашиш, илмий ҳамкорлик қилиш, кадрларни бир—бирларига юбориб, уларнинг малакаларини ошириш ҳақида келишиб олинди. Туркистонни маданий жиҳатдан юксалтириш, унинг қадимий мавқеини тиклаш учун энг аввало халқ маорифини тўғри йўлга қўйиш ва ривожлантириш талаб қилинар эди. Буни яхши тушунган Туркистон мухтор вакиллари 1918 йил декабридаёқ РСФСР Халқ Комиссарлари Советига тушунтириш хати йўллаган эдилар. Мазкур хатда шундай дейилган эди:

"Туркистон Республикасидаги ижтимоий турмушнинг бирон—бир соҳаси йўқки, у халқ маорифисиз яшай ва ривожлана олса. Энди Халқ маорифи масалаларини ҳал қилишга фақат маҳаллий ҳокимият органларининггина эмас, балки Туркистон ўлкасида маориф ишини

---

[1] Оропок Б. А. Помощь Российской Федерации трудящимся Туркреспублики в социалистическом строительстве (1917—1924гг.) Т., 1963, стр.83.

яхшилашга марказий ҳукумат органларининг ҳам катта эътибор беришлари жуда зарур бўлиб қолди.

Туркистон АССР Халқ маорифи комиссарлигига катта қийинчиликларни енгишга тўғри келмоқда. У ўлкада педагогик кадрларнинг етишмаслигига, айниқса бошланғич таълим беришга лойиқ кадрларнинг етишмаслигига, ўтмишдаги маориф тизимининг қолдирган оғир меросига қарамай, ҳозир ўз—ўзини тиклаш даврини бошдан кечирмоқда. Лекин у, бутун ўлка маориф тизими марказнинг ёрдамига жуда муҳтож. Туркистон Республикасининг Москвадаги мухтор ваколатхонаси ва Туркистон Халқ маорифи Комиссарлиги юқорида баён этилганларни ҳисобга олиб, марказдан қуйидаги масалаларда ёрдам беришни сўрайди:

1). Туркистон Давлат университети базасида янги университет ташкил этиш;

2). Политехникумлар очиш;

3). Шарқшунослик институти очиш;

4). Ўқитувчилар семинарларини ташкил этиш;

5). Ўқув қўлланмалари ва дарсликлар яратиш;

6). Янги типдаги мусулмон дарсликларини нашр этиш;

7). Мусулмон аёллари учун мактаблар очиш;

8). Тошкент шаҳрида Халқ университети очиш;

9). Халқ консерваториясини ташкил этиш;

10). Кутубхоналар очиш ва уларни керакли материаллар билан таъминлаш;

11). Ўлкадаги қадимий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва уларни таъмирлаш учун маблағ ажратиш."[1]

Бу талабномага жавобан мухтор ваколатхона аралашуви натижасида Туркистонда ташкил бўлаётган маориф тизими бошқа соҳалар учун ўқитувчилар, мутахасислар тайёрлаш чоралари кўрилди.

[1] Ўз МДА 13—жамғарма, 1—рўйхат, 67—иш, 18—бет.

Тошкентнинг янги шаҳрида биз юқорида таъкидлаганимиздек 1918 йилда Туркистон Давлат университети очилди. Шунингдек, Шарқшунослик институти, консерватория, техникумлар ташкил қилинди. Аммо бу масканлар инқилобий синфийлик тамойили билан ишлади. Бу масканларда камбағал табақага мансуб кишилар ўқиган. Ерли халқлар вакиллари уларга кам қатнаган. Тошкентнинг эски шаҳрида, Қўқон ва бошқа шаҳарларда муаллимлар тайёрлаш курслари, 1920 йилда 7 та дорилмуаллимин (инкорс); бир нечта билим юртлари фаолият кўрсатди.[1]

Мухтор ваколатхонанинг сиёсий бўлими ходимлари гоҳ радио орқали, гоҳ марказда чиқиб турган кундалик матбуот материал-ларини Туркистонга юбориш йўли билан ўлка аҳолиси ва ҳукуматини марказда ва халқаро майдонда содир бўлаётган воқеалар билан мунтазам равишда таништириб бордилар.

Ўша пайтларда Туркистонда ҳали матбуот ишлари яхши йўлга қўйилмаган, мавжуд босмахоналар давр талабларига тўла жавоб бера олмас эди. Ана шундай шароитда мухтор ваколатхона ходимлари Туркистон АССР МИК, ХКС ва уларнинг жойлардаги маҳаллий ташкилотларини зарур қўлланмалар, адабиётлар билан ўз имкониятлари доирасида таъминлаб туришга ҳаракат қилдилар. Шунингдек мухтор ваколатхона суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотларини ҳам ҳуқуқ масалаларига доир тегишли адабиётлар билан таъминлашга эътибор бериб келди.

1919 йил 14 июлда Туркистон АССРнинг мухтор ваколатхонасига Туркистон ХКС Маориф бўлимидан қуйидаги мазмунда хат боради: «...Туркистон АССРдаги таълим-тарбия жараёнини жонлантириш ва яқинлашиб келаётган ўқув йилида мавжуд мактабларни ўқув дарсликлари, қоғоз, қалам ва керакли адабиётлар билан таъминлашда, биноларни жиҳозлашда иқтисодий жиҳатдан ёрдам беришларингизни

[1] Алимова Д.А. ва бошкалар.Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар) Т., Шарқ, 2000. 112-бет.

сўраймиз».[1] Дарҳақиқат, ўша даврда мактаблар ва олий ўқув юртларини керакли маблағ билан таъмин этиш ниҳоятда ночор аҳволда эди. Шу муносабат билан мухтор ваколатхона ва ходимларининг Туркистонда маориф ишларини жонлантириш учун амалий ёрдам ташкил қилиб туришлари муҳим аҳамият касб этган эди. Биргина 1922 йилда ваколатхона ходимлари томонидан шу мақсадда амалга оширилган қатор тадбирлар буни яққол кўрсатади. Шу йили бир қанча сиёсий ва илмий адабиётлар сотиб олиниб, Тошкентга жўнатилди. Мактабларга моддий ёрдам бериш юзасидан амалий чоралар кўрилди, жумладан, Туркистонга 1200 жуфт мактаб формаси жўнатилди, айни вақтда 1923 йил учун мактабларга керакли дарсликлар жўнатишга буюртма берилди, мактаб биноларини таъмирлаш учун эса маблағ ажратиш сўралди.

Ўлкада босмахоналар ишини жонлантириш учун мухтор ваколатхона зарур бўлган маблағлар қидириб топиш ва бу масалани мутасадди ташкилотлар олдига қўйиш керак эди. Ваколатхона ходимларининг сайъ—ҳаракатлари туфайли Туркистондаги босмахоналарнинг моддий—техника базасини мустаҳкамлаш учун олтин ҳисобида 7500 сўм маблағ ундиришга эришилди, лекин бу маблағ мўлжалдаги ишларни амалга ошириш учун кифоя қилмас, энг камида 250000 сўм маблағ керак эди. Шу боисдан мухтор вакиллар шу масала хусусида тегишли органлар билан музокаралар олиб бордилар.[2]

Ўша вақтларда мухтор ваколатхона вакиллари фаолиятида муҳим ўрин тутган масалалардан яна бири — ўлкада юқори малакали шифокор мутахассислар тайёрлаш масаласини ижобий ҳал этишга ҳар томонлама ёрдам беришдан иборат эди. Ҳаётнинг ўзи бу масалани ғоят кескин қилиб қўйган эди. Биргина шу нарсани

---

[1] Николаева В.П. Туркомиссия как полномочный орган ЦК РКПК (б). «Вопросы истории КПСС», 1958, стр.57.

[2] «Узбекистан за 15 лет» Статистический сборник, Т., 1939, с.15.

кўрсатиб ўтишнинг ўзи кифояки, 1917 йилда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида ҳаммаси бўлиб 128 та шифокор бор эди холос.[1] Ўлка учун шифокор кадрлар қанчалик тақчил эканлигини ҳисобга олиб мухтор вакиллар С. М. Юсупов ва В. А. Троицкийлар 1918 йил декабрда Тошкентга, Туркистон МИК раиси Солькинга, Халқ Комиссарлари Совети раиси Колесовларга «...Туркистон учун шифокор мутахассислардан неча кишини жўнатайлик. Биз марказдан ушбу масалада рухсат олдик ва уларга ойлик маошни Туркистон савдо бўлими ҳисобидан бериладиган бўлди» деган мазмунда телеграмма жўнатган эдилар.[2]

Шифокор кадрлар етиштириш муаммосини ҳал этишга 1918 йилда очилган Туркистон давлат университети катта ҳисса қўшиб келди. Мазкур университет кейинчалик, 1923 йилда Ўрта Осиё Давлат университетига айлантирилган эди ва худди ана шу йили бошқа турли мутахассислар билан бир қаторда университетни 60 нафар шифокор ҳам битириб чиққан эди. Ўша вақтда ўлкани нафақат шифокор кадрлар билан, балки аҳолини дори—дармонлар билан ҳам ўз вақтида таъмин этиб туриш ғоят муҳим аҳамият касб этган эди. Ўлкада ўша йиллари рўй берган очарчилик туфайли касалликлар тарқалиб, бу ҳол халқнинг тинкасини қуритаётган эди. Шу боис Туркистоннинг Москвадаги мухтор ваколатхонаси РСФСР Хукуматига мурожаат қилиб, 1918 йил август ва сентябрь ойларида республикани тиббий асбоб—анжомлар, дори—дармонлар билан таъмин этиш учун 360 минг сўм кредит ажратишни сўради ва бу кредит 1918 йил сентябрда ажратилди.[3] 1918 йил охирларига келиб ўлкада дори—дармон тақчиллиги ғоят кучайиб кетди. Шу муносабат билан 1918 йил 27 декабрда Туркистон соғлиқни сақлаш халқ комиссари Трофимов Москвага мухтор вакил Теодоровичга мурожаат

---

[1] «Узбекистан за 15 лет» Статистический сборник. Т., 1939. с.15.
[2] ЎзР МДА. 14—жамғарма, 1—рўйхат, 33—иш, 21—варақ.
[3] Ўша жойда. 21—иш, 25—варақ.

қилиб Туркистон учун карболовой кислотанинг тозаланмаганидан 500 пуд, тозаланганидан 200 пуд, операция хоналари эҳтиёжлари учун яшил совундан 1000 пуд, 100 пуд парафин, тозаланмаган олтингугурт кислотасидан 5 пуд, 1000 пуд нафтализол, 500 пуд олтингугурт, 1000 пуд хинин жўнатишни сўради.[1]

1919 йил 13 майда Туркистон мухтор вакиллари С. Юсупов ва В. Троицкийлар Тошкентта радио орқали хабар қилиб, РСФСР ҳукуматидан Туркистон аҳолисига тиббий хизмат кўрсатишни яшилаш учун 1919 йилда 501 миллион сўм кредит ундирилганини ва Туркистон учун керакли тиббий хизмат асбоб—анжомлари сотиб олинганини қайд этдилар ва зудлик билан Пенза шаҳрига поезд юбориб бу дори—дармонларни Туркистонга олиб кетишни илтимос қилдилар.[2] Бундан ташқари мухтор ваколатхона ходимлари ўлкада тиббий кадрларнинг етишмаётганлигини ҳисобга олиб, Туркистонга яна ҳеч бўлмаса 200 врач ва 400 тиббиёт ҳамшираларини юборишни РСФСР Соғлиқни сақлаш Халқ Комиссарлигидан сўрадилар.[3]

Шунингдек мухтор ваколатхона Тошкентта Москвадан тиббиёт факультетини керакли асбоб—анжомлари ва профессор—ўқитувчилари билан бирга кўчириб келиш ишида ҳам фаол қатнашди.

1920 йил 3 февралда Туркистон АССР соғлиқни сақлаш халқ комиссарлигидан Москвага мухтор вакил Тоболинга жўнатилган телеграммада шундай дейилган: «Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлиги зудлик билан Тошкентта тиббиёт факультетини керакли асбоб—анжомлари ва малакали кадрлар билан жўнатилиши билан қизиқмоқда. Юқумли касалликларга қарши кураш учун зудлик билан ушбу масалани ижобий ҳал қилиб беришингизни сўраймиз». Мухтор вакил И.Тоболин шу масала бўйича РСФСР соғлиқни сақлаш халқ комиссарлигига мурожаат қилиб, уни ижобий ҳал қилишга эришди.

---

[1] РФ МДА. 1334—жамғарма. 1—рўйхат, 7—иш. 15 варақ.
[2] Ўша жойда, 213 варақ.
[3] Ўша жойда, 3969—жамғарма, 1—рўйхат, 9—иш. 32—варақ.

1920 йил 13 февралда у Туркистон АССР соғлиқни сақлаш халқ комиссарлиги қуйидаги хабарни берди: «Тошкентга Москвадан тиббиёт факультетини ва керакли асбоб—анжомларни малакали ходимлар билан жўнатишга РСФСР соғлиқни сақлаш халқ комиссариати розилик билдиради»[1] Туркистон мухтор вакилларининг ўлкада тарқалган юқумли касалликларга қарши курашга қўшган ҳиссаларини ҳам қайд этиб ўтмоқ керак. Улар соғлиқни сақлаш ходимларига, айниқса, вабо, тепкили терлама ва бошқа кўп тарқалган касалликларга қарши кураш олиб бориш учун зарур маблағларни ундириб бериб турдилар. Масалан, 1918 йил август ойида Туркистон Халқ Комиссарлар Совети Тошкент шаҳар Совети Ижроия қўмитасига 3 миллион сўм, ўлка миқёсида шу соҳада кураш олиб бориш учун эса 4 миллион сўм маблағ ажратиб берди.

1918 йил 28 август Туркистон АССР соғлиқни сақлаш халқ комиссарлигида 101 миллион 135 минг сўмлик харажатлар сметаси мухтор вакил С. М. Юсупов иштирокида тасдиқланди.[2] Туркистон Халқ Комиссарлар Советининг қарорида кўрсатилишича бу пуллар вабо, тепкили терлама касалликларига қарши кураш, уезд, вилоят ва ўлка каслахоналари ҳамда санаторийлар қуриш, сайёр отрядлар тузиш ва шу кабилар учун сарфланади. Ўлкада турли касалликларнинг тарқалиши дезинфекция ишларини кенг кўламда олиб боришни тақозо этарди. Бунинг учун эса энг аввало дезинфекциялаш асбоб—анжомларини четдан сотиб олишни талаб этар эди. Ана шу муаммони ижобий ҳал этиш ҳам мухтор ваколатхонанинг сиёсий бўлими зиммасига тушган эди. 1919 йил ноябрь ойида мухтор ваколатхона ходими Теодорович Тошкентга хат йўллаб, унда Тошкентга дезинфекция асбоб—ускуналари ва дори—дармонлари жўнатилганини хабар қилган эди.[3]

---

[1] РФ МДА. 3969—жамғарма, 2—рўйхат, 12—иш, 62—варақ.
[2] «Новый путь», 1918 года 30 декабря.
[3] ЎзР МДА, 13—жамғарма, 2—рўйхат, 37—иш, 14—варақ.

Туркистон АССРнинг Москвадаги мухтор ваколатхонаси 19 йилда соғлиқни сақлаш борасида Туркистон ўлкаси аҳоли эҳтиёжлари учун хилма—хил ёрдам уюштириб турди. Масала ваколатхона шу йили марказий ҳукуматдан Туркистон уч қуйидагиларни ундирган эди:

1). 300 дона протез 2). Турли тиббий асбоб—анжомлар. Дезинфекция асбоб—анжомлари 4). дори—дармонлар олини Тошкентга юборилди.[1]

Мухтор ваколатхона ходимлари ўлкада санаторий ва курортлар даволаш ишларини ташкил этиш ҳақида ҳам қатор талаблар в таклифлар билан марказий ҳукуматга мурожаат қилади ва 1918 йи июль ойида Чимён ва унинг атрофидаги жойларда санаторийла очиш ҳамда бунинг учун икки юз минг сўм пул ҳам ажратиш эришилди.[2]

Мухтор ваколатхона ижтимоий соҳада эришган бунда натижалар иқтисодий, табиий салоҳияти жуда катта бўлга Туркистон республикаси ва унинг оғир аҳволидаги аҳолиси учу денгиздан томчи эди халос. Республикадаги иқтисодий—ижтимои аҳвол ниҳоятда оғир бўлиб, сиёсий, ғоявий курашлар авжида эди Совет ҳукуматининг маънавий соҳада олиб борган шовинистик сиёсати маориф ва маданият борасида ҳам ўз аксини топди. Бу соҳалар мустабид ҳукумат олиб борган сиёсат халқнинг маънавий миллий қадриятлари, диний эътиқодининг топталишига олиб келди.

Хуллас, мураккаб ва кескин вазиятда, ниҳоятда чекланган доирада иш олиб борган Туркистон АССРнинг Москвадаги мухтор ваколатхонаси ва унинг ходимлари Туркистон халқининг бошига ёғилган оғир мусибатларга малҳам излади, унинг аҳволини енгиллаштириш учун ўзларининг саъй—ҳаракатларини аямадилар.

---

[1] ЎзР МДА, 13—жамғарма, 1—рўйхат, 358—иш, 96—варақ.
[2] Ўша жойда, 132—иш, 118—варақ.

Ваколатхонанинг Туркистон номидан фаолият кўрсаттан вакиллар марказдаги умумий дошқозондан Туркистондаги иқтисодиі ижтимоий муаммоларни ҳал этиш учун керакли маблағни имко қадар ундиришга, республикага ҳаётий зарур маҳсулотларни еткази туришга ҳаракат қилдилар.

II боб. ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ МОСКВАДАГИ МУХТОР ВАКОЛАТХОНАСИ (1924 – 1991 йиллар)

II. 1. Москвадаги мухтор ваколатхона фаолиятининг қайта ташкил этилиши

Миллий–худудий чегаралаш Ўзбекистон халқлари учун ҳар томонлама бошқача аҳамиятга эга бўлди. У халқнинг сиёсий ҳаётига катта таъсир кўрсатди. Минтақа картаси қайтадан тузилди. Ўзбекистон ССРнинг тузилиши эса Ўзбекистон халқлари давлат тузилиши тарихида диққатга сазовор воқеаларнинг бири бўлиб қолди. Лекин бу ўзбек давлатчилиги тарихига асос солинди, деган маънони англатмайди, албатта. Халқимизнинг давлатчилиги кўп асрлик тарихга эга. Ўзбекистон ССР эса амалда ҳеч қандай мустақил сиёсий ҳуқуқларга эга эмас эди, чунки у мустабид совет тузумининг янги шаклдаги бир қисми эди, холос.

Миллий–ҳудудий чегараланиш ўтказилиб, Ўзбекистон ССР тузилгандан кейин марказда — Москвада республиканинг мухтор ваколатхонасини таъсис этиш масаласи кун тартибига қўйилди. ЎзССР инқилобий қўмитасининг 1924 йил 30 ноябрдаги йиғилишида Москва шаҳрида Ўзбекистон ССРнинг мухтор ваколатхонасини очиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Мазкур қарорда мана бундай дейилган эди:

1. Москвада Ўзбекистон ССРнинг мухтор ваколатхонаси ташкил қилинсин.

2. Ўзбекистон ССРнинг мухтор вакили қилиб Шорустам Шоисломов тайинлансин.[1]

Шу тариқа Ўзбекистоннинг Москвадаги мухтор ваколатхонаси тузилиб ўз фаолиятини бошлади. Биринчи мухтор вакил Шорустам

[1] «Правда Востока», 19 декабря 1924 г., № 22 (561).

Шоисломов[1] Ўзбекистон ССРнинг Москвадаги мухтор вакили сифатида 1925 йил 29 апрелгача фаолият кўрсатди. Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитасининг 1925 йил 29 апрелда бўлиб ўтган навбатдаги сессияда республиканинг Москвадаги мухтор вакили қилиб Ҳамид Ағламов тайинланди.[2]

1925 йил 8 августда Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлар Совети ва республика Марказий Ижроия Қўмитасининг СССР Халқ Комиссарлар Совети ва Марказий Ижроия Қўмитаси қошидаги мухтор ваколатхонаси тўғрисидаги Низомни тасдиқлади.[3] Унда мухтор ваколатхонанинг очилишидан кўзланган мақсад шундай таърифлаб берилган эди: «Ваколатхона қатор ташкилотларни Ўзбекистон ССР Ҳукумати ва СССР Ҳукумати билан яқиндан боғлаш, шунингдек Иттифоқнинг бошқа республикалари билан иқтисодий, сиёсий, маданий ҳамкорлигини ташкил этиш, СССР ХКС ва МИК томонидан чиқарилган Ўзбекистонга тегишли қарорларни қараб чиқишда Ўзбекистон ҳукумати номидан иштирок этиш» учун очилди.[4] Шунингдек ушбу Низомида мухтор вакилликнинг фаолият доираси ҳам аниқ-равшан кўрсатиб берилган эди. Низомда қайд этиб қуйидагилар қўйилган эди:

1. СССР Ҳукумати қошидаги Ўзбекистон ССРнинг мухтор ваколатхонаси мазкур ҳукумат қошидаги Ўзбекистон ССРнинг органи бўлиб, ўзининг фаолият доирасида иш олиб боради. Мухтор ваколатхона республика номидан СССР олий давлат органлари ва бошқармаларида, халқ комиссарликларида, давлат комитетларида,

---

[1] Шоисломов Шорустам (Исломов Рустам) — 1899 йилда туғилган. Советлар даврида турли раҳбарлик лавозимларида ишлаган. Туркистон АССР озиқ-овқат халқ комиссарлигида бўлим мудири ва комиссар ўринбосари (1920—23) Туркистон АССР ХКС раиси ўринбосари (1923—24). Ўзбекистон ССРнинг СССР ҳукумати ҳузуридаги мухтор вакили (1924—25). Ўзбекистон ССР Ер ишлари халқ комиссари (1934—38) лавозимларида ишлаган. 1938 йил қатағон этилган.

[2] СУ Уз ССР, 1925, стр.22.

[3] Ўша жойда.

[4] СУ Уз ССР, 1925, № 28, стр.315.

ташкилотларда ҳамда СССРнинг бошқа юқори органларида Ўзбекистонга тегишли масалалар ҳал қилинган вақтда қатнашади.

2. СССР ҳукумати қошидаги Ўзбекистон ССРнинг мухтор ваколатхонаси ўз фаолиятини СССР Конституцияси, Ўзбекистон ССР Конституцияси, СССР ва Ўзбекистон ССРнинг Қонунлари ва бошқа қонуний ҳужжатлари ҳамда СССР ХКС ва Ўзбекистон ССР ХКС берган кўрсатмалар, шунингдек амалдаги қонунлар асосида белгилайди.

3. Ўзбекистон ССРнинг СССР ҳукумати қошидаги мухтор ваколатхонаси юридик шахс ҳисобланиб, ўзининг муҳрига эга, муҳрида давлат тамғаси бўлиб, номи икки тилда — ўзбек ҳамда рус тилларида ёзилади.

4. Ўзбекистон ССРнинг СССР ҳукумати қошидаги мухтор ваколатхонаси Ўзбекистон ССРнинг давлат бюджетидан таъминланади.

5. Ўзбекистон ССРнинг СССР ХКС қошидаги мухтор ваколатхонасининг тузилиши, шахсий таркиби, ходимларнинг ойлик маошлари Ўзбекистон ССРнинг ҳукумати томонидан тасдиқланади.

6. Ўзбекистон ССРнинг СССР ҳукумати қошидаги мухтор ваколатхонаси СССР пойтахти Москва шаҳрида жойлашади.

Ушбу Низомда Мухтор ваколатхона ходимлари ва Мухтор вакилнинг ҳуқуқлари ҳам белгилаб қўйилган эди:

1. Мухтор ваколатхона Ўзбекистон ССРнинг ҳукумати номидан СССР қонун чиқарувчи органларида ўз таклифларини кирита олади.

2. Мазкур қонун чиқарувчи органларда Ўзбекистон ССРга тааллуқли масалалар қўйилганда мухтор ваколатхона Ўзбекистон ҳукумати номидан иш кўриб, шу масалалар юзасидан белгиланган топшириқ ва вазифаларни бажаради.

3. Иттифоқнинг барча қонун чиқарувчи органларида Ўзбекистон ССР ҳукуматининг умумий директивалари асосида иқтисодий ва бошқа муҳим тадбирларни ишлаб чиқишда қатнашади.

4. Мухтор ваколатхона қошидаги тафтиш комиссияси РСФСР ҳудудида фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон хўжалик ташкилотлари иш фаолиятини кузатиб боради.

Низомда мустаҳкамланган ваколатлардан келиб чиқиб, мухтор ваколатхонанинг таркиби ишлаб чиқилар экан, Ўзбекистон ССРнинг манфаатларини ҳисобга олиниб ваколатхона таркибида иқтисодий бўлим таъсис этилди. Мазкур бўлим Ўзбекистон ССРнинг хўжалик ва маданий эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қилди.

Мухтор ваколатхонанинг таркибида тузилган яна бир бўлим — юридик бюро Ўзбекистон ССРнинг Конституцион ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, унинг фуқароларининг ҳақ—ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, мухтор ваколатхонанинг ўзининг мол—мулкини сақлаш учун хизмат қилиши керак эди. Мухтор ваколатхонанинг Низомида белгиланган вазифаларидан келиб чиқиб, унинг таркиби қуйидаги тарзда тасдиқланган эди:

1. Мухтор вакил ва унинг иккита ўринбосари.

2. Котибият (иш юритувчи).

3. Иқтисодий бўлим (ахборот қисми ва махсус масалаларни ҳал қилувчи бўлим: а) молиявий масалалар бўйича; б) саноат масалалари бўйича; в) қишлоқ хўжалиги бўйича; г) соғлиқни сақлаш, маориф, меҳнат, ижтимоий таъминот масалалари бўйича.

4. Юридик бўлим.[1]

Кейинчалик мухтор ваколатхонанинг фаолият доираси кенгая борган сари унинг таркиби шунга қараб мослаштирила борди.

Мухтор ваколатхонанинг бошқарув аппарати ўз ичига бошлиқ (мухтор вакил), унинг иккита ўринбосарларини олар эди. Мухтор

[1] ЎзР МДА. 1807 — жамғарма, 1—рўйхат, 3—иш, 1—3 варақлар.

вакил — иттифоқдош республика ҳукуматининг тўла ҳокимиятга эга бўлган вакили бўлиб, унинг зиммасига ўзи бошқараётган мухтор вакиллик фаолияти учун тўла жавобгарлик юкланган эди. Мухтор вакил иттифоқдош республика ҳукуматининг қарори билан тайинланар ёки ўз вазифасидан озод қилинар эди.

Бу ерда шуни қайд этиб ўтиш жоизки, СССР ҳукумати қошида фаолият кўрсатиши лозим бўлган иттифоқдош республикаларнинг мухтор ваколатхоналари Низомларида қайд этилишига кўра уларнинг раҳбарларининг ҳуқуқлари турлича бўлган. Баъзи бир низомларда эса ваколатхона раҳбарининг ҳуқуқлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилмаган, балки умуман вакилликнинг фаолият доираси тўғрисидагина сўз юритилган холос.[1]

Мухтор ваколатхона тузилишда, мутахассислар гуруҳи алоҳида ўрин тутган ва улар турлича номлар билан аталганлар.[2] (референтлар, бош референт, консультантлар). Улар мухтор ваколатхонанинг ишчи ходимларини ташкил қилар эди. Шунингдек, мухтор ваколатхонанинг номланиши ҳам турли даврларда турлича аталиб келинган.[3] Мухтор ваколатхона мутахассислари Иттифоқ ҳукумати томонидан республика олдига қўйилган вазифаларни ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, марказий органлар орқали республика учун керакли бўлган маблағ ва асбоб—анжомларни ундирар эдилар. Айни вақтда мазкур ишчи ходимлар СССРнинг режалаштириш бўлимида ва турли вазирликлар ва бошқа органларнинг фаолиятида Ўзбекистон ССРга тегишли масалалар ҳал қилинаётган вақтда иштирок этишиб, ўз республикаларининг манфаатини ҳимоя қилар эдилар. Мухтор

---

[1] Положение о постоянных представительствах Советов Министров Узбекской ССР и Грузинской ССР (СП УзССР, 1971, № 3, ст.13 и СП ГрузССР, 1976, № 2 , ст.25.

[2] Ҳар бир иттифоқдош республика Министрлар Советининг вакиллари мутахассислари турлича номланиш билан юритилган, масалан, ЎзССРникида — референт, Бош референт, Тожикистон ССРникида эса — консультант, бош консультант.

[3] 1930 йилларнинг охирларидан бошлаб мухтор ваколатхона доимий ваколатхона тарзида атала бошланган. Биз юқоридаги келтирилган мухтор ваколатхона таъсис низомига асосланиб, диссертацияда бирхилликни сақлаш мақсадида "мухтор ваколатхона" атамасини қўлладик.

ваколатхона мутахассислари ўзларининг бу вазифаларини адо этишда ҳамиша Иттифоқ олий органлари билан ҳамкорликда фаолият кўрсатиб келдилар.

Кейинчалик Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1976 йил 15 апрелдаги СССР Министрлар Совети қошидаги мухтор вакиллиги тўғрисидаги қарорида Ўзбекистон ССРнинг Москвадаги мухтор вакиллигининг мутахассислари бажарадиган мажбуриятлари янада ойдинлаштирилди. Уларнинг зиммасига улар шу вақтга қадар бажариб келган мажбуриятларига қўшимча равишда яна режалаштириш, лойиҳалаш, молиявий ишлар, қурилиш, янги қурилаётган иншоотларни назорат қилиш, кадрлар тайёрлаш, ишлаб чиқаришларни техника ва материал билан таъмин этиш, ойлик иш ҳақи, ишчи ўринлари каби масалаларни ҳал этиш вазифалари ҳам юкланди. Бундан ташқари улар ойлик, чорак, йиллик ва беш йиллик режаларнинг ташкилотларда қандай бажарилаётганлигини ҳам назорат қилиб боришлари лозим эди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1976 йил 15 апрель қарорида янги тарихий шароитларни ҳисобга олган ҳолда Республиканинг Москвадаги мухтор ваколатхонасининг асосий вазифалари янгидан аниқ—равшан белгилаб берилди. Бу вазифалар қуйидагилардан иборат эди:

Мухтор вакил ва унинг ходимлари СССРнинг қонун чиқарувчи органларида фаол иштирок этиб Ўзбекистон ССРнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя этиши, Иттифоқ органларида Ўзбекистон ССР ҳукумати кўрсатмалари асосида иш юритиши, Ўзбекистон ССР ҳукумати номидан Иттифоқ аҳамиятига молик қонунлар чиқаришда, иқтисодий тадбирлар белгилашда иштирок этиш, РСФСР ҳудудида ва Москва шаҳрида фаолият кўрсатаётган Ўзбекистоннинг хўжалик органларининг фаолиятини назорат қилиб туриш;

СССР ҳукумати қошида фаолият кўрсатувчи қардош республикалар мухтор ваколатхоналари тўғрисидаги Низом лойиҳалари бошқа иттифоқдош республикалар ҳукуматлари то-монидан ҳам ишлаб чиқилиб, қабул қилинган эди. Ўзбекистон ССРнинг мухтор вакиллигининг фаолият доираси ана шу Низом руҳига ва мақомларига мос бўлиб тушган эди. Шунга кўра мухтор вакиллик фаолияти доирасига мана бу вазифалар ҳам киритилган эди:

а) Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг топшириғига биноан Умумиттифоқ доирасидаги, шунингдек бошқа масалаларни ҳал қилишда СССР юқори органларида иштирок этиш;

б) СССР марказий органлари фаолиятига доир маълумотларни ўз республикасининг манфаатларидан келиб чиқиб, республика ҳукуматига етказиб туриш;

в) Республика тўғрисидаги маълумотларни эса Иттифоқ ҳукуматининг тегишли органларига ўз вақтида етказиб бериш;

г) СССР Министрлар Совети ва Иттифоқнинг бошқа марказий органлари йиғилишларида иштирок этиб, ўз республикасига тегишли масалалар қараб чиқилганда уларни ижобий ҳал этиш учун ҳаракат қилиш;

д) Иттифоқдош республикалар ва чет эл давлатлари ташкилотлари ва корхоналари билан яқиндан алоқада бўлиб туриш;

е) Ўзбекистон Республикаси учун малакали кадрлар тайёрлашда иштирок этиш, талабаларни бошқа иттифоқдош республикаларга юбориб, уларнинг яхши таълим олишларини ташкил этиш ва улар устидан назорат қилиб туриш.

Ўша пайтларда мухтор ваколатхоналар ўзларининг асосий эътиборини иттифоқдош республикалар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга, шунингдек ўз республикаларининг иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаётидаги ўзгаришларда иштирок этишга қаратдилар. Улар СССР қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органларига

ўз республикаларининг талаб ва эҳтиёжларини етказибгина қолмай, айни пайтда ушбу масалаларни ҳал қилишда бевосита иштирок этдилар ҳам.

СССРнинг юқори қонун чиқарувчи органларида Ўзбекистон ССР мухтор вакиллигининг иштироки Иттифоқ ташкилотлари томонидан киритилган қонун лойиҳаларини таҳрир қилишда, иттифоқдош республикалар ҳукуматларининг қонун чиқариш ва улар юзасидан хулосалар чиқаришда ўз ифодасини топди. Масалан, вакиллик томонидан 1925 йилнинг 1 майидан 1926 йилнинг 1 майига қадар берилган хулосаларнинг умумий сони 2038 тани ташкил қилган эди.[1] СССРнинг юқори қонун чиқарувчи органларида қабул қилинажак қонун лойиҳаларининг Ўзбекистонга тегишлиларини муҳокама қилишда мухтор ваколатхона иштирок этиб ўз фикрларини билдирар, Ўзбекистон ССР ҳукуматига ушбу қонунлар мазмуни ва моҳияти билдириб турарди.

Ўзбекистон ССР мухтор вакиллиги олдида турган муҳим вазифалардан бири Москва шаҳрида фаолият кўрсатиб турган Ўзбекистон Республикасига тегишли турли ташкилотларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини марказнинг турли қонун чиқарувчи, бошқарувчи ва суд идораларида ҳимоя қилишдан иборат бўлган эди. Бу муҳим масъул ишни мухтор вакилликнинг юридик бўлими олиб борар эди.

Мазкур бўлим Ўзбекистон Республикасининг Москва ва РСФСРнинг бошқа шаҳарларида фаолият кўрсатаётган турли ташкилот ва идораларини, суд идораларида ва бошқарув органларида ҳимоя қилиш, маслаҳатлар бериб бориш билан бир қаторда уларнинг ҳуқуқларини ҳам ҳимоя қилиб турар эди.

РСФСР ҳудудида фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон хўжалик идоралари фаолиятини назорат қилиш, уларнинг ҳақ—ҳуқуқларини

[1] ЎзР МДА., 1807—жамғарма.1—рўйхат, 3—иш, 3—варақ.

ҳимоя қилишни унинг Москвадаги мухтор ваколатхонаси қошидаги тафтиш комиссияси олиб борар эди. Ушбу комиссия 1925 йил 8 июлда Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлар Совети томонидан чиқарилган қонунга мувофиқ РСФСР ҳудудида фаолият кўрсатаётган Ўзбекистоннинг хўжалик органлари фаолиятини назорат қилиб туриш учун мухтор вакиллик қошида таъсис этилганди.

Ўзбекистон учун юқори малакали кадрлар тайёрлашда қардош республикалар, айниқса, РСФСР олий ўқув юртлари яқиндан ёрдам бериб бордилар. Фақатгина РСФСР олий ўқув юртларининг ўзида 1925 йилда Ўзбекистондан 291 талаба таълим олдилар.

Уларнинг аксарияти Москвада (175 киши), Ленинградда (97 киши), Қозонда (13 киши) ва бошқа шаҳарларда таълим олдилар. Мухтор ваколатхона қардош республикаларда таълим олаётган талабаларни мунтазам равишда назорат қилиб борди ва уларни турар жой билан таъминлашда, иқтисодий таъминот масалаларида яқиндан ёрдам кўрсатиб турди.

Мухтор вакилликнинг илтимоси билан марказ ва бошқа республикаларнинг олий ўқув юртларида уларга талабалар юбориш учун ўринлар олиб турилганди. Украина ССР олий ўқув юртлари билан келишиб 1928 йилда Ўзбекистон ССР учун 15 ўрин ажратилган эди.

Қардош республикалар, шу жумладан Ўзбекистон ССРнинг мухтор вакиллиги фаолиятида СССР Халқ Комиссарлар Советининг 1927 йил 31 майда чиқарган «ССР Иттифоқи олий ҳукумат органларидаги иш юритиш тартибини соддалаштириш» тўғрисидаги қарори алоҳида аҳамият касб этди.[1] Мазкур қарор асосида қардош республикалар мухтор ваколатхоналарининг иш фаолияти тартибга солинди, уларнинг йиғилишлари, хатлар алмашиш ва юбориш тарзлари ҳам муайян тартиб касб этди. Бундан ташқари мухтор

[1] ЎзР МДА, 9—жамғарма, 8—рўйхат, 105—иш, 163—167—варақлар.

вакилликлар СССР юқори давлат ҳокимият органлари томонидан чиқарилаётган қонунларга ўз муносабатларини билдиришлари ҳам тартибга солинди.

Ўша пайтларда қардош республикаларнинг Марказдаги мухтор вакилликлари катта ҳуқуқларга эга бўлганлар. Улар СССР Марказий Ижроия Қўмитаси, Халқ Комиссарлар Совети, Меҳнат ва Мудофаа Совети ва ана шу органлар томонидан тузилган турли комиссиялар йиғилишларида, шунингдек Иттифоқнинг бошқа турли юқори органлари съездларида тўғридан—тўғри иштирок эттанлар ва шундай ҳуқуққа эга бўлганлар.

Қардош республикалар ўз мухтор вакилликларини Москва—дагина эмас, балки бошқа иттифоқдош республикалар пойтахт—ларида ҳам очишлари мумкин эди. Жумладан, Туркманистон ССРнинг мухтор вакиллиги Боку ва Тошкент шаҳарларида ташкил қилинган эди.

СССР Халқ Комиссарлар Совети 1931 йил 4 февралда «СССР Халқ Комиссарлар Совети қошидаги иттифоқдош республикалар ХКСнинг мухтор вакиллари фаолияти тўғрисида қарор қабул қилди.[1] Мазкур қарорда қайд этилишича, СССР Халқ Комиссарлар Совети билан қардош республикалар ХКС ўртасидаги алоқалар янгича тарзда бошланмоқда, айниқса, хўжалик ва маданий қурилиш соҳасидаги ҳамкорликни таъмин этишга алоҳида эътибор берилиши лозим.[2]

Ана шу кўрсатмадан келиб чиқиб, Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлар Совети 1939 йил 23 сентябрда ўз МИК ва ХКС томонидан тасдиқланган 1925 йил 8 августдаги «СССР ХКС қошидаги ЎзССРнинг мухтор вакиллиги» тўғрисидаги Низомни бекор қилди.[3]

1931 йил 4 февралдаги СССР ХКС чиқарган қарор билан мухтор ваколатхоналарнинг фаолият доираси маълум даражада чеклаб

[1] СЗ СССР. 1931. № 8, стр.95.
[2] Ўша жойда.
[3] СП ЎзССР. 1939. № 31. стр. 74.

қўйилган эди. Энди Мухтор вакиллик СССР ХКС ва Меҳнат Мудофаа Совети йиғилишларида республика манфаатларига бевосита дахлдор масалаларни кўриб чиқишаётгандагина иштирок этиш мумкин бўлиб қолди.

Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлар Советининг 1940 йил 8 июнда чиқарган қарорга биноан СССР ХКС қошидаги ўзининг мухтор вакиллигининг 1939 йил 23 сентябрдаги Низомига қўшимча ва ўзгартиришлар киритди.[1]

Ушбу қўшимча ва ўзгартишлар мухтор вакилликнинг хўжалик ва маданий қурилиш соҳасидаги фаолияти йўналишини янада ойдинлаштиришни назарда тутар эди. Мухтор ваколатхона фаолияти доираси кенгайтирилиб, унинг зиммасига «Ўзбекистон ССРнинг хўжалик органлари ва ташкилотларига Иттифоқ ҳукумати томонидан бериладиган жамғармалар, товарлар, қурилиш материаллари, хом ашё ва қурилмалар ва бошқа материлларни сотиб олишда амалий ёрдам бериш, турли масалаларни марказий органлар ва ташкилотлар орқали ҳал қилиш» вазифалари юкланди.[2]

1945 йил 31 декабрда Ўзбекистон ССР ХКС «СССР ХКС қошидаги Ўзбекистон ССР ХКС мухтор вакиллигининг янги Низоми»ни ишлаб чиқди.[3]

Шу низомга кўра мухтор ваколатхона зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилди: СССР ҳокимият органларида Ўзбекистон ССР ҳукумати номидан иштирок этиб, Ўзбекистон Республикасининг хўжалигини ривожлантириш йиллик, чорак режаларини ишлаб чиқишда қатнашиш, Ўзбекистоннинг йиллик давлат бюджетини, техника ва бошқа материалларни ундириш, республика халқ хўжалик

[1] СП ЎзССР, 1940, № 14, стр.35.
[2] СП ЎзССР, 1939, № 31, стр. 74.
[3] Сборник законов и Указов Президиума Верховного Совета и постановлений Правительства УзССР, т.1, Изд. Управления делами Совета Министров УзССР, 1947, стр.70—72.

эҳтиёжларини қондириш учун керакли маблағларни марказдан ундиришда бевосита иштирок этиш.

1971 йил 12 мартда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети СССР Министрлар Совети қошидаги ўзининг мухтор вакиллиги тўғрисидаги Низомини янгидан ишлаб чиқди.[1] Худди мана шу даврдан бошлаб мухтор вакиллик фаолият доираси жиддий равишда чеклана бошлади. Унинг ҳуқуқлари доираси ниҳоятда чеклаб қўйилди. Мухтор ваколатхона фақат марказ берган кўрсатмаларни бажариш билан чекланди, ижрочи орган вазифасини ўтай бошлади.

Бундан кўриниб турибдики, Ўрта Осиё республикалари, жумладан Ўзбекистон Республикасининг мухтор ваколатхоналари, уларнинг шахсий таркиби, раҳбариятига жуда қийин, мураккаб ва оғир шароитларда фаолият кўрсатишга тўғри келди. Улар ўз республикаларининг иқтисодий, сиёсий, маданий манфаатларини ана шундай қийин ва ҳуқуқлари анча чекланиб қолган шароитларда ҳимоя қилишга ҳаракат қилиб, ўз ҳукуматларининг марказий ҳукумат олдига қўйган талаб ва эҳтиёжларини қондиришда муҳим роль ўйнадилар. Умуман мухтор ваколатхоналар марказ билан миллий республикаларнинг кўп қиррали алоқаларини таъминловчи муҳим халқа бўлиб хизмат қилдилар.

Ўзбекистоннинг Москвадаги мухтор вакилликларининг ўша даврдаги фаолиятини тарихий ҳужжатлар асосида таҳлил қилиб чиқарган бу хулосаларимизни собиқ мухтор вакиллар Р.С.Қосимов, А.И.Фозилбеков, Э.Т.Турсуновлар биз билан бўлган шахсий суҳбатлар вақтида батамом тасдиқладилар.

1976—1980 йиллар мобайнида Ўзбекистон ҳукуматининг собиқ СССР Министрлар Совети қошидаги мухтор вакиллигини бошқарган Р. С. Қосимов қайд этиб ўтдики, «мен мухтор вакил бўлиб ишлаган пайтларда ҳам мухтор вакиллик фаолияти асосан республика

[1] СП УзССР. 1971, № 3, стр.3.

ҳукуматини СССР Олий органлари билан боғлаб турувчи халқа бўлган».[1]

Бошқа собиқ мухтор вакиллар, масалан А. И. Фозилбеков ва Э. Т. Турсуновлар ҳам мухтор вакилликнинг фаолиятидаги асосий йўналиш ҳақида сўз юритар эканлар, турли шаклларда ана шу фикрни қайд қилиб ўтдилар.

Ўзбекистон билан марказий ҳукумат ўртасидаги муайян кўприк бўлган Ўзбекистон ваколатхонаси фаолиятига ҳар бир навбатдаги мухтор вакилнинг ўзига хос тарзда меҳнати сингиб борган кейинги ҳар бир мухтор вакил аввалгилардан мерос бўлиб қолган анъаналарни давом эттириш ва бойитишни ўзининг шарафли бурчи деб билган.

1976 йилдан Ўзбекистоннинг Москвадаги мухтор вакили бўлиб фаолият кўрсата бошлаган Р. С. Қосимовнинг ҳам вакиллик ишига кўп меҳнати сингган. У бу лавозимда Ўзбекистон Республикасининг иқтидорли ва меҳнатсевар вакили сифатида иш юритди, чунончи у СССР Министрлар Совети Иттифоқ вазирликларида республика халқ хўжалиги соҳасидаги муаммолари ижобий ҳал этишда фаол иштирок этди, ваколатхона ишларини яхшилашда, малакали ходимларни танлаб жой-жойига қўйишда катта ишларни амалга оширди. У биз билан суҳбатда Ўзбекистон ССРнинг доимий ваколатхонасининг, ҳозирги Ўзбекистон Республикасининг Россиядаги элчихонаси янги биносининг қурилишига бош-қош бўлганлиги ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирди. Мазкур бино қурилишига бевосита Шароф Рашидович Рашидовнинг дахлдорлигини ва бу хайрли ишга фотиҳа берганлигини қайд этиб ўтди. Рустам Сулаймонович ўз хотиралари билан ўртоқлашар экан, шуни фахр билан қайд этиб ўтди: «Мен мухтор вакилликда ишлаш учун миллий кадрлар — ўзбек йигит-қизларини жалб қилишга эътибор бердим. Вакилликни кўп соҳаларни яхши, пухта биладиган референтлар билан мустаҳкамладик».

[1] Бизнинг Р.С.Қосимов билан 1997 йил 14 июндаги қилган суҳбатимиз материалларидан.

1981—1986 йилларда мухтор вакил сифатида фаолият кўрсатган Эркин Турсунович Турсунов мухтор вакилликнинг янги биноси қурилишини давом эттирди ва ниҳоясига етказди.

Мухтор ваколатхона фаолиятида ташқи сиёсат масалалари қай даражада ўрин тутганлигини мухтор вакил А. И. Фозилбеков шундай таърифлаган: «Мухтор вакиллик ҳақиқатан ҳам ўзи мустақил равишда ташқи сиёсат ўтказа олмас эди. Менинг мухтор вакил сифатидаги Москвадаги фаолиятим парокандалик, парчаланиш даврига тўғри келди, бу ҳолат ваколатхона ишига анча салбий таъсир кўрсатди. Жумладан, Қрим татарлари можаросини ҳал қилишдан собиқ СССР ҳукумати ўзини четга олди, бу муаммони ҳал этишни бизнинг зиммамизга ташлаб қўйишди.[1]

Хуллас, 1924—1991 йиллар мабойнида фаолият олиб борган Ўзбекистон ССРнинг Москва шаҳрида СССР Министрлар Совети қошидаги мухтор вакиллиги мустабид тузум ҳукмронлиги шароитида мураккаб ва кескин вазиятларда ниҳоятда чекланган доирада иш олиб борди. Мухтор ваколатхона ЎзбекистонССР ҳукуматини СССР ҳукумати билан боғлаб турувчи муҳим халқа бўлиб хизмат қилди. Шунингдек собиқ иттифоқнинг бошқа республикалари билан Ўзбекистон ССР ҳукуматининг иқтисодий, сиёсий, маданий ҳамкорлигини ташкил этиб борди. Марказнинг тазйиқларига қарамасдан собиқ иттифоқ ХКС ва МИК томонидан чиқарилган Ўзбекистонга тегишли қарорларни қараб чиқишда баҳоли қудрат Ўзбекистон ҳукумати манфаатларини ҳимоя қилишга уриндилар. Аммо маъмурий буйруқбозлик тизимининг кучайиб бориши натижасида, айниқса 70—80—йиллар мобайнида мухтор ваколатхона фаолияти ниҳоятда чеклаб қўйилди. Амалда бу мухтор ваколатхона марказ кўрсатмаларини бажарувчи органга айланиб борди. Бироқ мухтор вакилларнинг сайъ—ҳаракатлари билан мухтор ваколатхона

[1] Бизнинг А. И. Фозилбеков билан 1997 йил 17 июлда қилган суҳбатимиз материалларидан.

шундай қийин вазиятларда ҳам ўз республикасининг ижтимоий, иқтисодий ҳаётидаги муаммоларни ҳал этишда маълум даражада из қолдирди.

II. 2. ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ВАКОЛАТХОНАНИНГ ИШТИРОКИ

Большевиклар Россияни замонавий ривожланган саноатга, оғир индустрияга эга бўлган илғор мамлакатлар қаторига олиб чиқишга ҳаракат қилдилар. Аммо Ўзбекистон сингари мустамлака мамлакатларга нисбатан бу сиёсат мутлақо бошқача мақсадларда амалга оширилди.

Ўзбекистонда амалга оширилган иқтисодий сиёсат совет ҳукумати ва коммунистик партиянинг шовинистик ва мустамлакачилик сиёсатининг таркибий ва ажралмас қисми эди. Бундай сиёсатни хаспўшлаш ва оқлаш мақсадида "СССР ягона хўжалик комплекси" ғояси илгари сурилди. Ушбу ғоядан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини ривожлантириш масалаларини Москва марказдан туриб бошқарар эди. Бу тараққиёт йўналиши "беш йилликлар" директиваларида ўз аксини топди ва улар компартия съездларида тасдиқланди. Маълумки, давлатнинг иқтисодий тараққиёти аввало саноат ва қишлоқ хўжалигининг тараққиётига боғлиқ бўлади. Ўзбекистон саноат ишлаб чиқариш тараққиётини совет ҳукумати давридаги аҳволи таҳлил этиладиган бўлса, шу давр мобайнида республикада йирик саноат маҳсулотларини мустақил ўзи ишлаб чиқаоладиган бирорта индустрия корхонаси бунёд этилмади. Чунки Ўзбекистонда бундай йирик саноат корхоналарини қуриш советларнинг мустамлакачилик манфаатларига жавоб бермас эди. Совет ҳукумати "ихтисослаштириш" баҳонасида марказий республикаларда оғир саноат корхоналарини қуришга асосий диққат эътиборни қаратди. Ўзбекистонда эса асосан пахтачиликнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлган саноат тармоқлари, аҳолининг яшаши ва турмуш кечириши билан бевосита боғлиқ бўлган озиқ-овқат, кийим-кечак ва

ҳоказолар ишлаб чиқариладиган енгил саноат корхоналари бунёд этилди. Қишлоқ хўжалигида эса жамоалаштириш сиёсати қўлланилди.

Совет ҳукумати ва компартия мустамлака асоратидаги ўлка халқларини мажбуран ишлатиб, ҳисобсиз фойда ва даромад олишнинг энг мақбул шакли бўлган қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш сиёсатини олиб борди. "Коллективлаштириш — ишлаб чиқаришга давлат монополиясини ўрнатилишининг нақд ўзгинасидир"[1].

Саноат ва қишлоқ хўжалигида юритилган бундай сиёсатнинг негизида битта мақсад, у ҳам бўлса Ўзбекистонни ўзининг хом ашё етказиб берувчи ўлкасига айлантириш, барча маблағни марказга тўплаш ётарди. Бундай шароитда республиканинг иқтисодиёти марказ ажратадиган маблағга боғлиқ бўлиб қолди. Бу маблағларни ундиришнинг ўзи сунъий қийинчиликларни келтириб чиқарар эди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ССРнинг Москвадаги доимий вакиллигининг фаолиятида асосий ўринни иқтисодий масала эгаллаган.

Буни амалий материаллардан ташқари дипломатиямиз фахрийлари собиқ мухтор вакиллар билан бўлган шахсий суҳбатлар ҳам исботламоқда. 1989 йил май ойидан бошлаб мухтор вакил бўлиб ишлай бошлаган Адҳамбек Иброҳимович Фозилбеков билан бўлган суҳбатда «Фаолиятимиздаги асосий йўналиш — бу иқтисодий масала эди» деб айтди. Бу фикрни бошқа собиқ мухтор вакиллар — Р. С. Қосимов, Э.Т.Турсуновлар ҳам тасдиқладилар.

Ўзбекистон ССРнинг Москвадаги мухтор ваколатхонасининг республика иқтисодий соҳадаги фаолияти ҳақида гап бораркан ваколатхонага бу вазифани қандай конкрет тарихий шароитда адо этишга тўғри келганлигини тасаввур этмоқ лозим. Дарҳақиқат мухтор

[1] Аминова Р. Коллективлаштириш — қашшоқлаштириш демак. // Шарқ юлдузи, 1992 й. 12- сон, 183- б.

ваколатхонага ўз вазифаларини жуда зиддиятли ижтимоий—иқтисодий бир вазиятда бажаришга тўғри келган эди.

1925 йил 13 май куни СССР Советларининг III съездида Ўзбекистон ССР Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи таркибига киритилди. Иттифоқ ва республика ҳокимият органлари ўртасида вазифалар гўёки тақсимланиб қўйилган бўлсада, аслида қарорлар одатда марказда қабул қилинар эди ва республикаларда мажбуран амалга оширилади. Бу ҳол иттифоқдош республика — Ўзбекистон ССРнинг мухтор вакиллигининг марказда туриб фаолият кўрсатиши жараёнида жиддий қийинчиликлар туғдирмай қолмас эди.

Мухтор ваколатхонанинг дастлабки йиллардаги фаолияти янги иқтисодий сиёсат амалга оширилаётган зиддиятли бир даврда кечди. Умуман 20— йиллар ниҳоятда мураккаб ва зиддиятли давр бўлиб, бу йилларда ҳаётнинг барча соҳаларида туб ўзгаришлар кескин суръатлар кураши билан амалга оширилмоқда эди. Бу ҳол турмуш тарзини ниҳоятда кескинлик билан ўзгартириб ўрнатилган бу тузум маъмурий буйруқбозлик асосида қарор топиб борарди. Партия, номенклатурасининг зўравонлиги ҳар қадамда, ҳар бир соҳа—иқтисодий, ижтимоий, маданий—маънавий ҳаётни ўз тазйиқи остида сақлаб турарди. Мамлакат ижтимоий—иқтисодий ва маданий турмушининг туб масалаларига тааллуқли қарорларнинг деярли барчаси тор партия доирасида қабул қилиниши ва бутун мамлакат учун мажбурийлиги одатий тус ола бошлади.

И.Сталин "Буюк бурилиш йили" деб эълон қилган 1929 йилда бутун мамлакатда барча озиқ—овқат маҳсулотлари ва саноат молларига карточка тизими тартиби жорий қилинган эди. Ўша даврда ишчиларнинг аҳволига баҳо бериш учун шу нарсани таъкидлаш керакки, Давлат Сиёсий Бошқармаси (ГПУ) ходимларининг 1929 йилги берган маълумотларига қараганда ишчиларга бир кунда 600 грамм, оила аъзоларига эса 300 грамм нон берилган. Уларга

бериладиган бир ойлик ўсимлик мойи 200 граммдан бир кг.гача, 1 кг шакар ва ҳоказони ташкил этган.[1] Аммо очарчилик ҳақида оғиз очиш И.В.Сталин фикрича кечирилмайдиган мудҳиш жиноят ҳисобланар эди.

Россиянинг ўзида аҳвол шу даражада оғир кечган бир пайтда советларни тан олмасдан унга қарши қўлига қурол олиб 30–йилларнинг ўрталаригача қон кечиб кураш олиб борган Ўзбекистондаги вазиятни англаб етиш қийин эмас.

Худди мана шундай шароитда Ўзбекистон ССРнинг Москвадаги мухтор ваколатхонаси ва унинг ходимлари республикадаги ҳолатни ҳисобга олиб республика иқтисодиёти учун зарур маблағ ва материалларни қўлларидан келганича умумий дошқозондан ундириб туришга ҳаракат қилдилар.

Ўзбекистоннинг Москвадаги мухтор ваколатхонаси республика иқтисодиётида майда ҳунармандчиликнинг ўрни ва ролини тўғри тушуниб, республикада имкон қадар ҳунармандларни иқтисодий жиҳатдан ҳимоялаш чораларини кўришга жиддий эътибор берди, марказий ҳукуматга республикада саноатни тиклашда асосан майда ҳунармандларга таяниш лозимлигини уқтирди. Чунки, республика иқтисодий ҳаётида ҳунармандчилик кооперацияси муҳим ўрин тутар, халқ истеъмоли учун кўпгина зарур маҳсулот яратиб берар эди.

Ана шу ҳолатларни назарда тутиб мухтор ваколатхона ходимлари ҳунармандларни ҳимоя қилиш ва уларни керакли материаллар, асосан метал, темир билан таъминлаш борасида ёрдам кўрсатиб турдилар. Улар республикага ҳунармандчилик тараққиёти учун зарур маҳсулотларни юбориш билан бирга юборилган бу маҳсулотларни жойларда тўғри тақсимлаш устидан назорат қилиб турдилар.

Мухтор ваколатхона ўз фаолиятида ўша даврда ҳунармандчилик кооперацияси тўғрисидаги масалаларгина эмас, балки республика

[1] Геллер М., Некрич А. История России. 1917-1995. Утопия у власти. Кн. I. Москва. 1996 г. 361 с.

саноатининг бошқа тармоқларининг ривожланиши билан боғлиқ муаммоларига эътибор қаратди. Ўзбекистонда иккинчи беш йилликда (1933–1937) 189 та саноат корхоналари, электр станциялари қурилиб ишга туширилган эди. Ана шу саноат корхоналари қурилишини режалаштириш ва уларни қуриш учун зарур маблағларни марказдан ундириб беришда мухтор вакилларнинг хизмати катта бўлди. 1932 йил 3 октябрда Ўзбекистон электр энергетика маркази бошқарувчиси М.Саидхўжаев Ўзбекистон ССРнинг Москвадаги мухтор вакили М.Турсунхўжаевга телеграмма йўллаб, Тошкентда электр станцияси қуриш учун зарур бўлган материалларни жўнатиш масаласини зудлик билан СССРнинг марказий органлари билан келишган ҳолда ҳал этиб, натижасини билдиришни сўрайди. Бунга жавобан мухтор вакил келишилган материаллар марказдан ундирилиб, Тошкентга жўнатилганини хабар қилади.[1]

Ўрта Осиёда миллий–ҳудудий чегаралаш амалга оширилиб, Ўзбекистон ССР ташкил топгандан кейин ҳам ўлкани нон ва нон маҳсулотлари билан таъмин этиш асосий муаммолардан бири бўлиб қолаверди. Республика аҳолисининг нон ва нон маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларини қондириш мухтор вакиллик фаолиятида муҳим ўрин тутди. Мухтор ваколатхона ходимлари республикани нон ва нон маҳсулотлари билан қай даражада таъмин этилаётгани устидан доимий равишда назорат қилиб турдилар.

1927 йили мамлакатда юз берган ғалла тайёрлашдаги қийинчиликлар муносабати билан нархларни тартибга солиш муаммоси кун тартибига қўйилди. Ички бозорни ўз қўлига олган совет давлати қишлоқ аҳолиси истеъмол қиладиган саноат молларига нисбатан юқори ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларига нисбатан паст нархлар қўйиб, деҳқонларни индустрлаштириш учун маблағ берадиган «ўлпонга ўхшаган бир нарса», ўзига хос устама

[1] ЎзР МДА, 1807–жамғарма, 1–рўйхат, 86–иш, 3–4 варақлар.

солиқ тўлашга мажбур этган эди. Ғалла нархи 20—25 фоизга пасайтирилганлиги аҳволни яна ҳам мушкуллаштириб юборди, мамлакатда ғалла тайёрлашда қўшимча қийинчиликлар туғдирди. Бозордаги аҳвол, яъни нархларнинг тайинсизлиги деҳқонларни, аввало ўзига тўқ деҳқонларни ғаллани ўзларида ушлаб туришга мажбур қилди. 1927 йил кузидан бошлаб бозорлар ва дўконларда дон ва дон маҳсулотларини харид этишда узилишлар бошланди, нархлар кўтарилиб кетди. Давлат белгилаб қўйган паст нархда донни сотиш деҳқонлар учун бефойда бўлганлиги туфайли ялпи сотиб олинадиган дон жуда камайиб кетди.

Бундай шароитда давлат фавқулодда чоралар кўришга, ўзига тўқ деҳқонлардан ғаллани мажбуран тортиб олишга ўтди.

Ғалла тайёрлаш жабҳасида ана шундай кескин вазият юз берганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССРнинг мухтор ваколатхонаси 1927 йил 12 октябрда СССР ҳукуматига мурожаат қилиб, республикада ғалла тайёрлаш оғир аҳволга тушиб қолгани, бунинг учун эса ғаллага қўйилган давлат нархини ошириб беришни, биринчи навбатда ғалла операцияси учун бериладиган кредитни кўпайтиришни сўрайди.[1]

Иттифоқ миқёсида ғалла тайёрлашнинг кескин суратда камайиб кетганлиги Ўзбекистонга ғалла келтириш режасининг барбод бўлишга олиб келдики, бу ҳол бозорга чиқариладиган нон ва доннинг камайиб кетишига ва ғалла нархининг жиддий ошиб кетишига сабаб бўлди.

1928 йилда Ўзбекистон ССРнинг асосий ғаллакор районларида дон тайёрлаш ишлари катта қийинчиликлар билан борди. Нархлар тўғрисида маҳаллий ташкилотлар билан содир бўлган баҳс—мунозаралар туфайли ғалла тайёрлаш иши Сурхондарё ҳудудида салкам бир ойга кечикиб кетди. Қашқадарёда эса аҳвол бундан ҳам

[1] ЎзР МДА, 1807—жамғарма, 1—рўйхат, 31—иш, 42—варақ.

оғир кечди. Ушбу ҳолни тасвирлаб, мухтор ваколатхона ходимлари марказий ҳукуматга қуйидаги мазмунда мурожаат қиладилар:

«Республикада ғалла тайёрлаш иши 1927—1928 хўжалик йилида шиҳоятда оғир кечмоқда. Деҳқонларга нисбатан кўп ҳолларда зўрлик қўлланилмоқда. Бу эса ўз навбатида деҳқонларнинг норозилигини келтириб чиқараяпти. Шунинг учун ҳам зудлик билан Ўзбекистон учун зарур бўлган режадаги ғаллани жўнатишга кўрсатма берилиши лозим».[1]

Мухтор ваколатхона вакиллари республика аҳолиси учун оғир келган ўша йилларда республика учун зарур бўлган ғаллани марказдан ўз вақтида келтириш учун ўз ваколатларидан имкон қадар фойдаланишга ҳаракат қилдилар.

Ўзбекистон чор Россияси давридаги каби совет истибдоди йилларида ҳам пахта хом ашёси етказиб берувчи асосий база бўлиб қолаверди. Совет ҳокимияти республикада пахта экиладиган майдонларни янада кенгайтириш, янги ерларни ана шу мақсадда ўзлаштириш ишларига зўр берди. ВКП(б) Марказий Қўмитаси 1929 йил 18 июлда Ўзбекистонда пахта майдонларини кенгайтириш, СССР пахта мустақиллигини таъминлаш ҳақида қарор қабул қилди.

Бу қарорни амалга оширишда Ўзбекистон ССРнинг мухтор ваколатхонаси марказ билан Ўзбекистон республикаси ўртасида воситачилик ролини бажариши лозим эди. Шундай бўлди ҳам. Бу билан мухтор ваколатхона вакиллари Ўзбекистонда пахта якка ҳокимлигининг қарор топишига нафақат йўл бердилар, балки бунда ўзлари ижрочилик ролини ҳам ўйнадилар. Бу мухтор ваколатхона фаолиятидаги жиддий нуқсонлардан бири бўлди.

ВКП(б) Марказий Қўмитасининг юқорида эслатиб ўтилган қароридан сўнг Ўзбекистондаги бутун пахта экиладиган майдон

[1] ЎзР МДА, 1807—жамғарма, 3—рўйхат, 9—иш, 18 варақ.

1929—1930 йилларда 910 минг гектарга етди. Бу эса аввалги йилдаги пахта экиладиган майдонга нисбатан 191 минг гектарга ортиқ эди.

Совет ҳукумати асосий диққат эътиборини Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантиришга қаратар экан, республика қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган механизмлар, техника воситаларини ишлаб чиқарувчи корхоналар қуришга шошилмади. Аксинча республикани иқтисодиётида ҳом—ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган ва четга юборадиган, нисбатан оз меҳнат талаб қиладиган ҳом—ашё тармоқларини биринчи навбатда ривожлантириш кўзда тутилди. Республикадаги саноат корхоналарининг асосий қисми ташиб кетишга йўналтирилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқаришга мослаштирилди. Натижада Ўзбекистон Россия саноат ишлаб чиқаришига қарам бўлиб қолди.

Марказий ҳукумат аксарият ҳолларда Ўзбекистондаги мавжуд имкониятлар, шарт—шароит билан ҳисоблашмас, ўз билганича кўрсатмалар берар эди. Бундай ҳолатларда мухтор вакиллар ўз ваколатларидан келиб чиқиб, республика манфаатларини имконият борича ҳимоя қилар эдилар. Модомики Ўзбекистон ССР пахта етиштириш учун мослаштирилаётган экан, бу ерга республика ва унинг аҳолиси эҳтиёжлари учун керакли молларни четдан келтириш керак бўлар эди. Шунинг учун ҳам мухтор вакиллар марказий ҳукумат олдига ўлкани зарур миқдорда саноат ва қишлоқ хўжалиги эҳтиёжи учун ишлатиладиган моллар билан таъминлаб туриш талабини қўйиб, бундай молларни марказдан ундириб олишга ҳаракат қилдилар. Бунга бир далил сифатида мухтор вакилликнинг 1930 йил октябрь ойида СССР Халқ Комиссарлари Советига йўллаган махфий хатини келтириш мумкин. Мазкур мактубда энг аввало Ўрта Осиё республикаларига, хусусан Ўзбекистон ССРга саноат моллари ва нон маҳсулотлари келтириш ёмон аҳволда эканлиги таъкидланиб, «пахта йиғим—терими бошланишига оз вақт қолганига қарамай, шу вақттача

Ўрта Осиёга саноат молларини келтиришни савдо халқ комиссарлиги пайсалга солмоқда. Мазкур бўлим октябрь ойидан бошлаб Ўрта Осиёга 1930—1931 йил биринчи чораги учун саноат молларини келтиришни 40 фоизга бажарди холос. Ҳолат шундай давом этса, пахта йиғим—терими айни қизиган чоқда товарлар етишмаслиги айниқса қишлоқ аҳолисини жуда қийнайди. Шундан келиб чиқиб зудлик билан Ўрта Осиёга 1930—1931 йиллар биринчи чораги учун саноат моллари келтиришга кўрсатма беришингизни сўраймиз, дейилган эди.[1]

Ўрта Осиёга нон маҳсулотлари келтириш ҳам суст лик билан бормоқда эди. 15 сентябргача бу ерга атиги 4 миллион пудга яқин ғалла келтирилди, холос. Ваҳоланки, Меҳнат ва Мудофаа Советининг 1931 йил 1 сентябрдаги 35—488 сонли йўриқномасида 1 октябргача бу ерга 13,5 миллион пуд ғалла келтирилиши керак эди. Ушбу масалани ҳам зудлик билан ҳал қилиб беришни мухтор ваколатхона ўз мактубида сўраган эди.[2] Ўзбекистон ССР мухтор вакиллари республикада жуда қизғин пайт — пахта йиғим—терим пайтида пахтакорларнинг қорнини тўқ, устини бут қилиш учун қатъий тадбирлар кўришни марказий ҳукумат олдига қўйиб турганлар. Аммо Марказий совет ҳукумати ҳамма вақт ҳам мухтор вакиллар талабларини қондиравермади. Аксинча миллий республикалар бюджетини қисиб борди. Натижада 30- йилларда Ўзбекистонда иқтисодий танглик ниҳоятда чуқурлашган эди.

1929 йил кузидан бошлаб совет давлати кооперацияни ривожлантириш сиёсатини ҳар томонлама коллективлаштириш сиёсати билан алмаштирди, алмаштирганда ҳам юқоридан «тиқиштириш» йўли билан алмаштирди. Айни вақтда маҳаллий шароитлар мутлақо ҳисобга олинмади.

---

[1] ЎзР МДА. 1807 жамғарма, 3- рўйхат, 81- иш, 19- варақ.
[2] Ўша жойда, 20- варақ.

Қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш муносабатлари, ўзбек қишлоғининг ижтимоий қиёфаси ва турмуш тарзининг тубдан салбий томон ўзгаришига олиб келди. Коллективлаштириш қишлоқ хўжалигини маъмурий—буйруқбозлик тизими билан бошқаришни мустаҳкамлади, деҳқонларнинг тоталитар давлат асоратига тушиб қолишига йўл очиб берди. Қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг катта бир қисми ноқонуний равишда қулоқ қилинди, уларнинг маълум қисми жисмонан йўқ қилинди.

Республикада амалга оширилган ялпи коллективлаштириш иллатлари қишлоқ хўжалигида энг муҳим тармоқ бўлмиш пахтачилик соҳасида кескин намоён бўлди. Қишлоқ хўжалигини бошқаришда маъмурий—буйруқбозлик тизимининг кучайиб бориши фақат пахта етиштиришни кўпайтириб, республика иқтисодиётини хом ашё етказиб беришга мослаштиришга олиб келди. Бунда энг аввало пахта мустақиллигини қисқа муддатларда қўлга киритиш мақсади кўзланган эди. 1932 йилга келиб республика энди Совет Иттифоқи пахта ҳосилининг 60 фоизини берар эди. Шу пайтдан бошлаб Совет Иттифоқига чет эллардан пахта олиб келиш тўхтатилди. СССРнинг пахта мустақиллиги Ўзбекистонга қимматга тушди, пахта экиладиган майдонлар кенгайтирилди ва оқибатда ғалла экиладиган майдонлар қисқариб кетди, натижада ўзбек деҳқони энди ғаллани четдан сотиб олишга мажбур бўлиб қолди.

Ўзбекистон ССР иқтисодиётининг асосини қишлоқ хўжалиги ташкил этади. Қишлоқ хўжалигини тикламай туриб, унинг барқарор юксалишини таъминламай туриб, республика иқтисодий қудратини ошириб бўлмас эди. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири эса қишлоқ хўжалигини зарур техника билан қуроллантиришдан иборат эди. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон ССР мухтор ваколатхонаси 1925 йил февралида СССР ҳукуматига

мурожаат этиб ўзбек деҳқонларига қишлоқ хўжалик техникаси билан ёрдам беришни сўрайди. Натижада 1924—1925 йилларда Ўзбекистонга 2051 та плуг, 1928—1929 йилларда 57723 та плуг, 1924—1925 йилларда 39 та трактор, 1928—1929 йилларда эса 2091 та трактор ва уларга керакли эҳтиёт қисмлар келтирилди. 1926 йилда Ўзбекистон далаларида 720 та трактор ишлаган бўлса, 1928 йилга келиб уларнинг сони 1525 тага етди. 1929 йилда республикага плуглар келтириш 1926 йилга нисбатан 4 баравар, бороналар келтириш тахминан 4 марта, культиваторлар — 22 марта, пахта чигити экувчи сеялкалар 9 марта, тракторлар — 9 марта ортди.[1] Бунда республиканинг Москвада иш олиб бораётган Мухтор вакиллигининг хизмати катта бўлди. Мухтор ваколатхона ходимлари қишлоқ хўжалиги техникаси тайёрловчи заводларга бориб шартномалар тузадилар. Хуллас буюртма асосида ишлаб чиқарилган асбоб—ускуналар, техника жиҳозларини ўз вақтида республикага етказиб берилди.

Ўзбекистоннинг Москвадаги мухтор ваколатхонаси республикада ирригация иншоотларини изга қўйиш масалаларида ҳам иштирок этди. Ваколатхона ходимлари марказий ҳукуматнинг тегишли муассасаларига мурожаат қилиб, республика қишлоқ хўжалигини тиклашда асосий эътиборни ирригация шохобчаларини қайта тиклаш ва янги иншоотларни барпо этишга қаратиш лозимлигини уқтирдилар. Марказ мухтор вакиллар талабларига биноан 1925—1926 йилларда Ўзбекистонда ирригация тизимини ривожлантириш учун 7370,6 минг сўм, 1926—1927 йилларда эса 8729,4 минг сўм маблағ ажратди.[2]

---

[1] Тулепбаев Б. А. Осуществление ленинской аграрной политики партии в республиках Средней Азии. М., «Мысль», 1967, стр. 95.

[2] Хозяйственный и культурный рост республик Средней Азии в первое пятилетие после нац. размежевания (1925—1930 гг.) Ташкент 1930, с. 13.

Ўзбекистон ССР мухтор вакили Акбар Исломов[1] нинг 1927 йили СССР ҳукуматига республикага ирригация тизимини яхши биладиган етук мутахассисларни юбориш ҳақидаги илтимосига жавобан 1927 йил декабрида Ўзбекистонга 41 кишидан иборат мутахассислар гуруҳи жўнатилди.[2] 1928 йил 25 январда мухтор ваколатхона ходимлари СССР Молия халқ комиссарлигига мурожаат қилиб, 1928—1929 йилларда Ўзбекистон ССРда ирригация соҳасини ривожлантириш учун 27 миллион 263 минг сўм маблағ ажратишини сўради ва бу масалани мазкур комиссарликнинг 1928 йил 27 январдаги йиғилишида тасдиқлатиб олдилар.[3]

Бундан ташқари мухтор вакиллар ана шу соҳани ривожлантириш, қишлоқ хўжалигини сув ресурслари билан таъминлашни кучайтириш мақсадида Россия ва бошқа республикалардан турли асбоб—анжомлар келтиришда ҳам республиканинг тегишли ташкилотларига ёрдам кўрсатиб турдилар. 1929 йил мартида уларнинг сайъ—ҳаракати билан Москвадан икки вагон қувур Ўзбекистон учун Тошкентга жўнатилди.

Ўзбекистон ССР мухтор ваколатхонаси ходимлари республикада машина трактор станциялари (МТС) ташкил қилишда, уларга ишлаб чиқариш воситалари етказиб беришда ҳам фаол иш олиб бордилар. 1933 йил бошларида Ўзбекистонда 73 та МТС ишлаб турди. Улар қишлоқ хўжалигини техника жиҳатдан қайта қуроллантиришда муҳим роль ўйнадилар. Бироқ, амалда колхозлар ҳам, МТСлар ҳам ернинг эгалари эмас эдилар, ернинг эгаси аслида давлат бўлиб қолди. Республикада қишлоқ хўжалиги учун керакли бўлган техника

---

[1] Исломов Акбар — 1896 йил Қўқонда туғилган. Шўролар даврида турли раҳбарлик лавозимларида ишлаган. 1918 йилдан Коммунистик фирқа аъзоси. Қўқонда босмахонада ҳарф терувчи бўлиб ишлаган. 1919 йил июнда Туркистон АССР ички ишлар Халқ Комиссари ўринбосари, 1920 йилда Ўрта Осиё Давлат Университетида ўқиган. Ўзбекистон ССРнинг СССР ҳукумати қошидаги доимий вакили бўлиб 1927—29 йиллар ишлаган. 1929—33 йиллар Ўзбекистон ССР режа ва молия комиссияси раиси, 1933—38 йиллар Молия Халқ комиссари бўлиб ишлаган, 1938 йил қатағон қурбони бўлган.

[2] ЎзР МДА, 1807—жамғарма, 1—рўйхат, 37—иш, 38—варақ.

[3] Ўша жойда. 3—рўйхат. 58—иш, 2—4 варақлар.

воситалари ниҳоятда тақчил эди. Бу тақчилликни бартараф этиш учун мухтор вакил М.Турсунхўжаев[1] сайъ—ҳаракати билан 1932 йил июл ойида Ўзбекистонга 200 трактор керакли асбоб—анжомлари билан келтирилди.[2] Кейинги йилларда ҳам мухтор ваколатхона ходимлари республика қишлоқ хўжалигини механизациялашни кучайтириш ишига ёрдам беришни давом эттирдилар. Уларнинг ташаббуси ва бевосита иштироки билан 1937 йилгача Россия ва бошқа республикалардан Ўзбекистон учун 18 мингдан зиёд трактор келтирилди.[3] Бироқ бу қишлоқ хўжалигини керакли техника билан тўлиқ таъминлаш учун етарли эмас эди. Республиканинг ўзида ушбу техникаларни яратувчи корхоналар қурилмагунча бу муаммони ҳал этиб бўлмас эди. Совет ҳукумати эса бу муаммони ҳал этишни истамади.

Мухтор ваколатхона иккинчи жаҳон уруши даврида собиқ иттифоқда ҳамма нарса урушга сафарбар қилингани муносабати билан бу даврда деярли фаолият олиб бормади. Яъни бу йилларда Ўзбекистон фронт эҳтиёжи учун зарур маҳсулотлар етказувчи республика эди. Шунинг учун ҳам мухтор вакиллик фақат урушдаги вазият ва воқеалар тафсилотини ўз ҳукуматига етказиб туриш билангина чекланганига амин бўламиз. Урушдан кейинги йилларда урушда вайрон бўлган ҳудудларни тиклаш баҳонасида Ўзбекистондан нафақат хом ашё маҳсулотларни, балки Ўзбекистон ўз хўжалигини тиклаш учун зарур бўлган тайёр маҳсулотлар ҳам ташиб кетилди. Масалан: ўзи оғир шароитда яшаётган Ўзбекистон меҳнаткашларидан Краснодар ва Ставрополь ўлкаларига, Украинага 2000 га яқин

---

[1] Турсунхўжаев Муҳитдин.— 1900 йил Тошкент шаҳрида туғилган. 1919 йилдан Коммунистик фирқа аъзоси. Москвада Я.М.Свердлов номидаги Коммунистик Университетда ўқиган (1920). Фарғона вилояти милициясининг бошлиғи (1921), Ўзбекистон ССР Ички ишлар Халқ комиссариининг ўринбосари (1929), Ўзбекистон ССРнинг СССР ҳукумати ҳузуридаги Мухтор вакили (1929—35). Ўзбекистон ССР савдо Халқ комисари (1935—37), Ўзб. ССР МИК аъзоси. 1938 йил 4 октябрда Тошкентда Олий ҳарбий коллегиясининг сайёр йиғилиши ҳукми билан отилган.

[2] ЎзР МДА, 1807—жамғарма, 3—рўйхат, 96—иш, 12—варақ.

[3] Ўша жойда, 1—рўйхат, 86—иш, 17—варақ.

тракторлар ва автомобиллар олинди, 100 лаб паровозлар, 40 000 га яқин юк вагонлари ва 3,5 минг атрофида йўловчилар ташийдиган вагонларни таъмирлаб бердилар. Республика жамоа ва давлат хўжаликлари Украинага 8000 та от ва хўкиз, 170 000 бош қўй ва эчки бердилар.[1] Бу фактлар Совет тизимининг мустамлакачилик характерини яна бир бор очиб беради.

Шундай шароитда Республика мухтор ваколатхонаси Ўзбекистон ССРнинг давлат бюджетини, унинг иқтисодиёти ва маданиятига сарфланадиган сарф–харажатларгача ҳисоб–китобини қилиб, марказий ҳукуматга бериш ва бу маблағларни марказдан ундириб олишга уринди.

Мухтор вакил Э.Т.Турсуновнинг қайд этишича, Ўзбекистоннинг Москвадаги доимий ваколатхонасининг масъул ходимлари, СССР Министрлар Советининг йиғилишларида, Давлат режалаштириш қўмитаси йиғилишларида Ўзбекистон ҳукуматининг йиллик бюджетларини тасдиқлатиш, республика учун ажратиладиган маблағларни тақсим қилишда Ўзбекистон манфаатларини имкон қадар ҳимоя қилганлар.

Собиқ мухтор вакил А.И.Фозилбековнинг тасдиқлашича: «Республика бюджетининг кўрсаткичларини марказ билан мувофиқлаштириш, республика ҳукумати билан марказ ўртасида бу ва бошқа масалалар борасида келиб чиққан келишмовчиликларни СССРнинг тегишли вазирликларида республика фойдасига ҳал этишга уриниш мухтор ваколатхонанинг бош вазифаси эди».

Мухтор вакилларнинг тинимсиз уринишлари ва қатъий ҳаракатлари натижасидагина кўп ҳолларда берилмай қолган маблағ ва бошқа турдаги ёрдамлар ундирилиб олинар эди. Бундай ҳолларда мухтор ваколатхона Ўзбекистон раҳбариятининг ишончли таянчи бўлиб келди. Чунончи, биргина 1987 йилда Москвадаги мухтор

[1] Мухитдинов Н. Кремлда ўтган йилларим. Т.: Ўзбекистон, 1995. 31– бет.

ваколатхона Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва республиканинг бошқа ташкилотларидан турли муаммоларни ҳал этиш юзасидан 4087 та хат олди ва турли мавқедаги идораларга 562 та ҳужжат жўнатди. Унинг бир йилдаги умумий ҳужжатлар доираси 4649 тага тўғри келди.[1]

Республика мухтор ваколатхонаси фаолиятининг яна бир муҳим соҳаси — бу республика ҳукумати томонидан юборилган сўров ва илтимосларга ўз вақтида жавоб беришдан иборат бўлган.

Мухтор ваколатхона номига Ўзбекистон ССР Министрлар Советидан 1974 йилда — 1503, 1975 йилда — 1383, 1976 йилда — 1345, 1977 йилда — 1644, 1978 йилда — 1510, 1979 йилда — 1661, 1980 йилда — 1824, 1981 йилда — 2237, 1982 йилда — 2352, 1986 йилда — 1015, 1987 йилда эса 980 та хат келиб турган эди[2] .

Ушбу хатларда қўйилган масалаларни мухтор вакил, унинг ўринбосари ёки бошқа тегишли ходимлар қандай бўлмасин ижобий ҳал этиш, сўралган ёрдам ва буюртмаларни ўз вақтида бажариш учун ҳаракат қилардилар.

Фактлардан кўриниб турибдики, сўровларни ижобий ҳал қилиш учун мухтор вакиллик кўп куч ва ғайрат сарфлаган.

Ўзбекистон ССРнинг мухтор ваколатхонаси ўзининг фаолиятида асосий эътиборни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг халқ хўжалигини ривожлантириш юзасидан чиқарган қарорларини СССР ҳукуматида ва бошқа иттифоқ органларида тасдиқлатиш ва уларнинг бажарилишини маблағ билан таъмин этишга қаратди. Айниқса унинг фаолиятида кейинги йилларда республика саноатининг муҳим ва етакчи соҳалари бўлмиш химия, энергетика, қора ва рангли металлургия, нефть ва газ саноати, сув хўжалиги каби соҳаларнинг

---

[1] Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг СССР Министрлар Совети қошидаги мухтор вакиллатхонаси жорий архиви, 1987.

[2] Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг мухтор ваколатхонаси жорий архивидан, 1974—1976 йиллар. 1982 йил.

ишлаб чиқариш қувватини оширишга, энг муҳими, республика ха
хўжалигини керакли техника ва материаллар билан таъмин эти
туришга асосий эътибор қаратилди.

Ваколатхона ходимлари республика ҳудудида жойлашган қато
саноат корхоналарини таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ҳа
этишда фаол қатнашдилар. Жумладан, Тошкент «Экскаватор» заводи
«Ўзбек—текстилмаш» корхонасидан чиқарилаётган машинала
конструкциясини янгилаш, республикани энергия билан таъминлаш
янги ҳар хил ёнилғи билан таъминлаш ҳамда халқ хўжалик молларин
ишлаб чиқарадиган корхоналарни таъмирлаш ишида қатнашди.

Мухтор ваколатхона шунингдек, кейинги йилларда Олмали
шаҳридаги тоғ—металлургия корхонасини реконструкция қилиш в
уни изга солиш, Навоий шаҳридаги электрохимия заводи қурилиш
ва унда асбоб—ускуналарнинг ўрнатилиши, Бухорода технологи
институтини қуриш каби тадбирларни амалга оширишда фао
қатнашди.[1]

Ана шу жабҳада ўша вақтда мухтор вакил бўлиб ишлага
Р.С.Қосимов[2] фаол иш олиб борди. Р.С.Қосимов эслашича Шароф
Рашидов Москвага ташриф буюради ва Тошкентда метро қурилиши
масаласи юзасидан СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н.
Косигин билан бўлган узоқ музокаралар ва тушунтиришлардан сўнг
метронинг қурилишига рухсат олинган.

Мухтор вакиллик Тошкент шаҳрида УНИИ ОМТТнинг филиали
қурилиши учун, 1988 йилда эса Қуёшдан муҳофаза қилиш воситалари
корхонасини таъмирлаш учун республика қурилиш вазирлигига 1100
тонна металл, 10 минг тонна цемент, 1000 тонна тунука, 500 тонна
чўян ва бошқа керакли асбоб—анжомлар ундириб берди.

---

[1] Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг мухтор вакиллиги жорий архивидан, 1982 йил.

[2] Қосимов Рустам Сулаймонович — 1935 йилда Фарғона шаҳрида туғилган. 1958 йилда Тошкент Автомобил йўллар институтини тамомлаб қурувчи—инженер мутахассислигини олган. 1969 йилдан бошлаб ҳукумат лавозимларида ишлай бошлаган. 1975—80 йиллар мобайнида мухтор вакил бўлиб фаолият юритган. 1999 йили вафот қилган.

Мухтор ваколатхонанинг Ўзбекистон ССР енгил саноат айниқса трикотаж корхоналарини ривожлантириш учун керакл материалларни марказдан ундириб турганлигини ҳам қайд этиб ўти керак.[1]

Ўзбекистон ССРнинг мухтор ваколатхонаси колхозлар, совхозла табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари, ўрмон хўжаликларин керакли асбоблар ва материаллар билан таъминлаб туришга ҳарака қилди. Мухтор ваколатхона ходимларининг сайъ—ҳаракатлар туфайли СССР Министрлар Советининг 1987 йил 23 майдаги 1150-сонли ҳамда 27 июлдаги 1456—сонли қарорларига мувофиқ 3 августда СССР Марказий банки «Ўзптицепром»га қўшимча тарзд 114 миллион сўм қўшимча кредит ажратди.[2]

Мухтор вакиллик республикага табиий офатлар натижасид вайрон бўлган хўжаликларни тиклашда, республика ўрмо хўжалигини ривожлантиришда ҳам фаол қатнашди. Унинг яқинда ёрдами билан 1979 йили республика ўрмон хўжалиги билан Иркутс вилоятидаги Тогорск ўрмон хўжалиги ўртасида унга қарашли хом аше захираларидан узоқ муддат ичида фойдаланиш учун шартнома имзоланди.[3]

Республиканинг моддий—техника таъминоти масаласи ташкилот ва корхоналарнинг фаолиятида катта ўрин эгаллайди. Шу боис Ўзбекистон ССР мухтор ваколатхонаси ходимлари ўз фаолиятларини «Моддий—техника таъминоти» бўлими билан яқин ҳамкорликда олиб боришга ҳаракат қилганлар. Мухтор ваколатхона тўғрисидаги Низомда ҳам мухтор вакилликнинг давлат моддий—техника таъминоти бўлими билан ҳамкорликда фаолият юритиши ва ушбу

---

[1] Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг мухтор ваколатхонаси жорий архивидан. 1982 йил.
[2] Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг мухтор ваколатхонаси жорий архивидан, 1987 йил.
[3] Мирҳамидов М., «Постпредство уполномочено сообщить...». Ташкент, «Узбекистан», 1983, стр. 38.

бўлим фаолиятини назорат қилиб бориш вазифаси юклатилгани қай этиб қўйилганди.

Кейинги йилларда мухтор вакиллик ушбу бўлим била ҳамкорликда Ўзбекистон ССРдаги етакчи саноат корхоналарин металл маҳсулотлар етказиб бериш ишида фаол қатнашди. Масалан «Ташсельмаш», «Таштекстильмаш», «Чирчиксельмаш», «Тошкен трактор заводи» каби йирик корхоналарни ривожлантиришд яқиндан ёрдам уюштириб турди.

Мухтор вакиллик ходимлари Совет ҳукумати томонида уюштирилган ташқи савдога оид йиғинларда ҳам иштирок этиб, че эл корхоналари билан шартномалар тузиш, илмий—текшириш ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш, республиканинг чет эл фирма ва ташкилотлари билан иқтисодий ва илмий—техник алоқаларини уюштиришда катта фаоллик кўрсатиб турдилар. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу ишларнинг бари марказ орқали амалга оширилади.

Мухтор вакиллик республикага асбоб—анжомларни чет эллардан сотиб олишга ҳам ёрдам беради. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 1985—1987 йилларда Москвадаги мухтор вакили бўлиб ишлаган Э. Т. Турсуновнинг ҳикоя қилишича, у Тошкентдаги Марказий бош шифохонага Япония, АҚШ ва СССР — Италия ҳамкорлигида тайёрланган асбоб—анжомларни ўзи шахсан бошчилик қилиб жўнатган.

Мухтор вакилларнинг жонбозлик кўрсатиб қилган сайъ—ҳаракатлари туфайли 1987 йили чет эл валютасида 20 минг сўмлик чет эл дори—дармонлари сотиб олиниб, республиканинг турли жойларига юборилади. Айни вақтда Ваколатхона ходимлари республикадан бошқа мамлакатларга маҳсулотлар экспорт қилиш ишида ҳам қатнашар, жумладан, уларнинг бевосита иштироки билан

тузилган савдо битимига кўра Финляндияга пахта толаси сотилга эди.

Мухтор ваколатхона ходимлари давлат режалаштири комиссияси ва тегишли бошқа ташкилотлар билан биргаликд Ўзбекистон ССРга тегишли маблағ ва моддий ресурсларни ўз вақтид ундириб олиш соҳасида фаол иш олиб борди. Биргина 1982 йилнин ўзида мухтор ваколатхонанинг ҳаракати билан қурилиш материаллар учун 120 миллион сўмлик кредит ажратилишига эришилди. СССІ Молия министрлигидан эса республика бюджетига қўшимча 20(миллион сўм ундириб олинди.[1]

Аммо бу ундирилган маблағлар республикадан ташиб кетилаётга маблағнинг бир қисмига тенг келарди, холос. Совет ҳукумати марка манфаатини биринчи ўринга қўйган ҳолда сиёсат юритди ва иложи борича республикадан хом ашё маҳсулотини ўмариб олиш пайида бўлди. Масалан давлатга пилла топшириш йилдан—йилга ошиб бораверди. Агар 1940 йилда Ўзбекистон пиллакорлари ҳаммаси бўлиб 9,8 минг тонна пилла тайёрлаган бўлсалар, бу рақам 1990 йилда 32,8 минг тоннани ташкил этди.[2]

Умуман олганда мухтор ваколатхона ходимлари Ўзбекистон ҳукумати томонидан берилган кўрсатмаларни ўз ваколатлари доирасида бажариб борди.

Тадқиқот мавзусини ўрганиш жараёнида ўрганилган архив ҳужжатлари ва бошқа тарихий далиллар шундан далолат берадики, иқтисодий масала Ўзбекистоннинг Москвадаги доимий ваколатхонаси фаолиятида асосий ўринни эгаллаган. Чунки саноат ва қишлоқ хўжалигида совет ҳукумати юритган мустамлакачилик сиёсати оқибатида Ўзбекистон собиқ иттифоқнинг ҳом—ашё етказиб берувчи ўлкасига айлантирилди. Совет ҳокимиятининг иқтисодий сиёсатидаги

[1] Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг мухтор ваколатхонаси жорий архивидан, 1982 йил.
[2] Аҳмедов Э., Сайдаминова З. Ўзбекистон Республикаси. Қисқача маълумотнома. Т.: 1995, 42–бет.

бош масала барча маблағни марказга тўплашдан иборат эди. Бунда шароитда республиканинг иқтисодиёти марказ ажратадиган маблағ борлиқ бўлиб, бу маблағларни ундиришнинг ўзи турл қийинчиликларни келтириб чиқарар эди. Чунки марказий ҳукума доимо миллий республикалар бюджетини қисқартиришга, асоси эътиборни эса марказ иқтисодиёти учун қаратишга ҳаракат қиларди Бу ҳолат мухтор ваколатхона ходимларининг иқтисодий масаладаг фаолиятларида катта қийинчиликларни келтириб чиқарар эди Шундай шароитда фаолият олиб борган Ўзбекистон ССРнин Москвадаги мухтор ваколатхонаси марказ тазйиқларига қарама имкон қадар «умумий қозон»дан республика улушини ундиришг ҳаракат қилганлар.

II. 3. ВАКОЛАТХОНАНИНГ РЕСПУБЛИКАДАГИ МАОРИФ ВА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМЛАРИНИНГ МОДДИЙ ТАЪМИНОТИ МАСАЛАЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШДАГИ ФАОЛИЯТ

Большевиклар "доҳийси" В.И.Ленин илгари сурган социализ қуриш режасининг таркибий қисми "маданий инқилоб" эд Ўзбекистонда "маданий инқилоб" сиёсати "шаклан миллий в мазмунан социалистик" маданиятни ривожлантириш қобиғига ўра амалга оширилди. Албатта бу советлар Россиясининг Ўзбекистонд юритаётган коммунистик мафкура, улуғ давлатчилик, мустамла- качилик, синфий кураш сиёсатининг туб моҳиятидан келиб чиқа эди. Мамлакатимиз халқларига хос бўлган миллийлик ва бо маънавий фазилатларни уларнинг онгидан сиқиб чиқармасдан тури Ўзбекистонни ўз асоратларида узоқ сақлаб қололмасликларин советлар ҳукумати яхши тушунар эди.

Бу вазифани амалга ошириш учун эса, туб ерли мусулмон аҳол тарихидан, тилидан, маданияти ва асрлар оша шаклланган миллий диний қадриятларидан бегоналаштирилди. "Шаклан миллий в мазмунан социалистик" маданият учун кураш дастури аслида худд ана шу мудҳиш вазифани бажаришга хизмат қилди. Меҳнаткашлар оммаси онгига маънавий таъсир қилишнинг барча воситалари: маориф, фан, адабиёт, санъат, оммавий ахборот воситалари орқали улар онгидан барча миллий ғоялар сиқиб чиқарилиб, унинг ўрнига "социалистик", "байналминалчилик" қобиғига ўралган, аслида эса қуллик, тобелик, итоаткорлик, руслаштириш—ассимиляторлик мафкураси босқичма—босқич тартибли тарзда сингдириб борилди. Бизда совет ҳукумати Ўзбекистонда маориф, фан ва маданиятни ривожлантиришга умуман эътибор бермади, дейишга мойиллик йўқ. Аммо, шуни таъкидлаш жоизки, бу соҳа, улуғ давлатчилик сиёсати манфаатларига, коммунистик мафкура ғояларига бўйсундирилган ҳолда олиб борилди.

Мухтор вакиллик ташкил топган илк пайтларидан бошлабс республикада содир бўлаётган маданий—маърифий жараёнга фас аралаша бошлади.

Миллий — давлат чегараланиши амалга оширилиб, Ўзбекисто ССР ташкил топгандан кейинги йилларда республикадаги мадани ҳаёт соҳасида ўзгаришлар қилиш учун зарур моддий шароитлар жуд чекланган эди. Бунинг устига маданий—маънавий соҳада кўпро мафкуравий—синфий курашга зўр берилди. Бу жараён маъмурий-буйруқбозлик тизимининг тазйиқи остида кечди, маданий ҳаётни ташкил этиш ва қуришда ўзбек халқининг асрий шарқона миллий-маданий анъаналари ҳисобга олинмади, улар қадрсизлантирилди миллий зиёли кадрлар камситилди.

Бу даврда республикада совет мафкураси учун хизмат қиладиган халқ таълими тизимини яратишга ҳаракат қилинди, бунда турли босқичлардаги мактаблар қуришга киришилди. Айниқса дарслар она тилида олиб бориладиган I босқич (беш йиллик таълим) ва II босқич (тўрт йиллик таълим) мактаблар очиш ва уларни дарслик, ўқув қуроллари билан таъминлаш, маориф институтлари, ўқитувчилар тайёрлаш курслари ва бошқаларни ташкил этиш эди. Худди мана шу йўналишда мухтор вакиллар республикага марказдан имкон қадар тегишли маблағ ва нарсаларни ундиришга фаол ҳаракат қилди. 1926 йил февралида мухтор вакил Ҳамид Ағламов Тошкентга Москвадан ўқув қуроллари ва дарсликлар ортилган вагонлар жўнатилгани ҳақида телеграмма йўллаган эди.[1]

Мустамлакачилик мустақил ва эркин дунёқарашни эмас, ҳаёлий ғояларга кўр—кўрона мутеликни тарбияловчи коммунистик мафкуранинг фуқаролар онгига сингдиришда маориф шаҳобчаларига катта аҳамият берилди. Шу боисдан совет ҳукумати Ўзбекистонда ўз ҳокимиятини ўрнатган биринчи кундан бошлаб коммунистик

[1] ЎзР МДА. 1807—жамғарма. 3—рўйхат. 12—иш. 11—варақ.

мафкурани аҳолини кенг қатламлари онгига болалар боғчаларида бошлаб сингдирадиган совет таълим—тарбия тизимини яратиш биринчи даражали аҳамият берди. Шу тариқа ўлкада халқ маориф ниҳоятда зиддиятли мақсадларда шакллантирилди. Биргина 1924-1925 ўқув йилида республика бюджетининг 24 фоизи халқ маорифи учун ажратилди. Халқ таълими эҳтиёжларига сарфланадиган пул маблағлари кейинги йилларда ҳам кўпайиб борди, бу ўз навбатида мактаб қурилишини тезлаштириш ва кенгайтириш имконини берди I ва II босқич умумтаълим мактабларининг сони 1928—1929 ўқув йилига келиб деярли 2,5 мингта етди.

Бироқ мактаблар сони ўсиб борсада уларни керакли жиҳозлар малакали кадрлар, ўқув қуроллари ва дарсликлар билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш тобора кескинлашиб борар эди. Дарсликлар етишмас, уларни чоп этиш учун эса республикада етарли даражада имконият ва босмахоналар йўқ эди.

Бу муаммони ҳал қилиш учун мухтор ваколатхона 1928 йил 18 мартда СССР Маориф Халқ Комиссарлигига мурожаат этади, натижада Ўзбекистонда босмахоналар ишини жонлантириш учун режага қўшимча равишда 30 миллион сўм ҳажмда кредит ажратилди.

30—йиллар бошида республикада ўрта махсус ва олий ўқув юртлари шаҳобчалари ташкил этила бошланди, бир нечта ўқув юртлари очилди. Бироқ халқ таълимига буйруқбозлик нуқтаи назаридан туриб, экстенсив равишда ёндошув кучайиб борди. Бунинг натижасида сифат муаммолари четга сурилиб, миқдор кўрсаткичлари биринчи ўринга ўтди. Аҳволни хўжакўрсинга яхшилаш орқасидан қувиш жамиятнинг маданий ҳаётига ёмон таъсир ўтказди.

Мутахассис кадрлар тайёрлашда Ўзбекистон ССРга РСФСР ва бошқа иттифоқдош республикалар яқиндан ёрдам кўрсатдилар. 1927 йили Ўзбекистон ССР Мухтор ваколатхонаси берган маълумотга қараганда фақатгина Россия Федерациясидаги олий ва ўрта махсус

билим юртларида Ўзбекистондан келган 300 га яқин талабалар таълим олдилар.[1]

Талабаларни моддий жиҳатдан қўллаб—қувватлаш, уларни стипендиялар билан таъминлаб туриш учун эса мухтор ваколатхона қошида талабалар иши билан шуғулланувчи алоҳида комиссия ташкил қилинди.[2]

Ўзбекистон ССР халқ хўжалигида, айниқса саноатда малакали ишчи—муҳандис кадрларга эҳтиёж катта эди. Бу муаммо икки йўл билан, биринчидан, бевосита республиканинг ўзида ишлаб чиқариш жараёнида кишиларни ўқитиш, кадрлар тайёрлаш яъни амалий ўргатиш ва ҳунар—техника таълими орқали тайёрлаш йўли билан, иккинчидан, республикадан ташқарида марказий шаҳарлардаги олий техника ўқув юртлари ва саноат корхоналарида малакали кадрлар тайёрлаш йўли билан ҳал қилиб борилди. Масалан, мухтор вакиллар ташаббуси ва катта ёрдами билан Ўзбекистон саноати ва қурилиши учун мамлакатнинг марказий шаҳарлари — Москва, Ленинград, Иваново—Вознесенск ва бошқа шаҳарлардаги ўқув юртлари ва саноат корхоналарида малакали кадрлар тайёрланди.

1932 йилда мухтор ваколатхонанинг яқиндан ёрдами билан Иваново—Вознесенск саноат корхоналарига Ўзбекистонлик 120 ишчи малака оширгани юборилди. Уларнинг аксарият кўпчилигини маҳаллий миллат ёшлари ташкил этар эди.[3]

Бундай тадбирларнинг мунтазам амалга оширилиб турилиши республика ишчилар жамоасининг маданий—техник савиясини ошириб боришда ёрдам бўлди.

Мухтор ваколатхона ходимлари меҳнатга яроқли кишиларни иш билан таъминлаш ва ишсизликни тугатишда ҳам республика раҳбариятига ёрдам кўрсатиб турди. Ишсизликнинг кўпайиши ва

[1] ЎзР МДА, 1807—жамғарма, 3—рўйхат, 41—иш, 18—варақ.
[2] Ўша жойда, 21—варақ.
[3] Ўша жойда, 1—рўйхат, 86—иш, 71—варақ.

аҳолининг талайгина қисмининг ижтимоий жиҳатдан ҳимояланмай қолиши оқибатида республика саноатида ўша йиллари кескин вазият вужудга келган эди. Республика раҳбарияти жиддий ижтимоий портлаш хавфи туғилганлиги муносабати билан ишсизликни камайтириш чораларини кўра бошлади. Ишсизларга турли жамғармалардан нафақалар бериш ва ҳақ тўлашни белгилади.

Анча оғир келган 1925 йили Ўзбекистонда ишсизларга деярли икки миллион сўмлик пул ёрдами кўрсатилди. Бундай ишларни амалга оширишда мухтор ваколатхона ходимлари ҳам фаол иштирок этдилар. Масалан, 1925 йил 1 июлда мухтор ваколатхонанинг республика ҳукумати номидан сўровига кўра СССР Халқ Комиссарлар Совети Ўзбекистонда ишсизликни тугатиш учун 90 минг сўм маблағ ажратди. Шу йилнинг август ойида эса шу мақсадларда яна қўшимча равишда 125 минг сўм ажратилди.[1]

Мухтор вакиллар Ўзбекистонда фан ва маориф соҳасини ривожлантириш режаларини амалга оширишда республика раҳбариятининг таянчи бўлдилар, фан ва маорифнинг моддий базасини яратиш, шу соҳада фаолият кўрсатаётган мутахассислар ва ходимларнинг моддий таъминотини йўлга қўйишда ҳам иштирок этди.

Ўзбекистон ССРнинг мухтор ваколатхонасининг юридик бўлими Марказ олдида республиканинг ижтимоий ва юридик ҳуқуқларини ҳимоя қилар экан, энг аввало у республика ихтиёридаги моддий ва маданий бойликларнинг даҳлсизлигини таъминлашга эришишга ҳаракат қилди. Мухтор вакиллик ўз зиммасига юкланган бу вазифани имкон қадар бажаришга ҳаракат қилди ва баъзи ҳолларда аниқ натижаларга эриша олди. Чунончи 1926 йил 13 мартда Ўрта Осиё республикаларининг вакиллари ва Меҳнат ва Мудофаа Совети аъзолари иштирокида бошланган йиғилишда Хоразм Халқ Республикасига қарашли мулкларни тақсимлаш масаласи кўрилди.

[1] ЎзР МДА, 1903, ... 28—29-варақлар.

Унда Ўзбекистон ССР мухтор ваколатхонаси вакиллари республика ҳукумати номидан иштирок этгандилар.

Ушбу йиғилишни Марказий ҳукумат ходимлари анча илгарироқ, 1926 йил 27 январда ўтказишни мўлжаллаган эдилар. Лекин Ўзбекистон ССР Молия Халқ Комиссари Пўлатов мухтор ваколатхонага телеграмма йўллаб, мазкур йиғилишни тўхтатиб туришни, агарда йиғилиш мабодо ўтказиладиган бўлиб қолса, ушбу йиғилишда мухтор ваколатхона ўзининг қатъий фикрини билдириб, кун тартибидаги масалани Ўзбекистон ССР Молия Халқ Комиссарлиги ва республика мухтор вакиллари билан келишмай туриб ҳал этиб бўлмаслигини билдиришни сўраганди.[1]

Хоразм Халқ Республикасига қарашли мулк бундан муқаддам Меҳнат ва Мудофаа Совети томонидан Тошкентдан Москвага олиб кетилган эди. Мухтор вакиллар берган хабарга кўра ушбу мулк таркибига қимматбаҳо тошлар, бриллиант ва олтин, олтин ва кумуш тангалар кирган бўлиб, унинг умумий қиймати тахминан 200000 сўмдан иборат бўлган. Ана шу мулк масаласи хусусида мухтор вакиллар Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлар Советининг раиси Файзулла Хўжаевга мурожаат қилиб, қуйидаги саволларга зудлик билан жавоб қайтаришни сўраган эдилар:

1. Ушбу бойликлар республикалар ўртасида шу ҳолда тақсимлансинми ёки пулга чақибми ёки Осиё банкига ўтказилса дуруст бўладими?

2. Меҳнат ва Мудофаа Совети ушбу суммадан 63 минг сўмни республикалар қарзи эвазига олиб қолишни сўраяпти. Ана шу масалаҳатлар юзасидан ўзингизнинг қатъий фикрингизни билдиришингизни сўраймиз. Аслида ушбу бойликлар республика ихтиёрида қолиши лозим эдику.[2]

---

[1] ЎзР МДА, 1807—жамғарма, 1—рўйхат, 38—иш, 12—варақ.
[2] Ўша жойда.

Бироқ бу бойликлар мухтор вакиллар истагандек республик ихтиёрида қолдирилмади. Улар марказий ҳукумат томонидан торти олинди. Мухтор вакиллар қистови натижасидагина бу бойликла пулга чақилиб республикалар ўртасида маълум улушда бўлинди.

Ўзбекистон ССРнинг Москвадаги мухтор ваколатхонас республика ҳудудининг маъмурий бирлигини сақлаб қолишдек муҳи бир ишга катта ҳисса қўшди. СССР Марказий Ижроия Қўмитас раёсати ўзининг 1930 йил 3 февралда чиқарган қарорида Ўзбекисто ҳудудидаги Сурхондарё округини Ўзбекистон Республикас таркибидан чиқариб, Тожикистон Республикаси таркибига киритга эди.[1] Бу ҳол Ўзбекистон Республикаси учун катта йўқотиш эди, чунк мазкур қарорга кўра Ўзбекистоннинг асосий ғалла етказиб берувч округи Тожикистонга ўтиб кетар эди. Шу боисдан Ўзбекистон КП(б Марказий Қўмитаси мазкур қарорни нотўғри деб топди.

Ўзбекистон иқтисодиёти учун бундай жиддий йўқотишни бартараф этиш мақсадида 1932 йил 3 январда Ўзбекистон КП(б) Марказий Қўмитаси топшириғига мувофиқ МК бюроси аъзоси И. Клейпер ва Ўзбекистоннинг Москвадаги мухтор вакили Муҳитдин Турсунхўжаевлар ВКП(б) Марказий Комитетига хат йўллаб, мазкур қарорнинг нотўғри эканлигини далиллар асосида исбот қилиб бердилар. Хўш улар, мазкур хатда бу қарорнинг нотўғри эканлигининг асосий сабаблари нималардан иборат деб кўрсатган эдилар?

Биринчидан, бундай қарор қабул қилинган чоғда аҳолининг миллий таркиби ҳисобга олинмаган, бунинг устига Сурхондарёдаги икки миллат — ўзбек ва тожиклар жамоалари ўртасида ҳеч қандай миллий низолар ҳам намоён бўлган эмас эди.

Иккинчидан, Сурхондарё округининг ҳар икки республика — Тожикистон ва Ўзбекистон учун иқтисодий аҳамияти бир хилда ҳам

---

[1] ЎзР МДА, 1807—жамғарма, 1—рўйхат, 81- иш, 1- варақ.

змас. Ўзбекистон учун унинг иқтисодий аҳамияти анча катта, чунки Сурхондарё округи республиканинг пахта етиштирувчи вилоятларини нон билан таъминлар эди.

Учинчидан, Сурхондарё округининг жўғрофий жойлашуви Ўзбекистонга нисбатан Тожикистон учун анча ноқулайдир. Шунингдек ВПК(б) Марказий Комитетига йўллаган хатда Сурхондарё округининг Тожикистонга қўшиб юборилиши бир қатор нохуш сиёсий оқибатларни келтириб чиқариши муқаррарлиги ҳам қайд этилган эди. Ҳақиқатдан ҳам хатда шундай далиллар келтирилган эдики, улар СССР Марказий Ижроия қўмитаси раёсатининг 3 февралда чиқарилган қарорини қайта кўриб чиқишни талаб қилар эди.[1]

Ўзбекистон ССР раҳбарияти ва мухтор ваколатхона саъй—ҳаракатлари туфайли Сурхондарё вилояти Ўзбекистон ССР таркибида қолишига эришилди.

1927—1928 йилларда Ўзбекистонни радиолаштириш режаси ишлаб чиқилиб, уни амалга оширишга киришилган эди. Бу муҳим маънавий аҳамиятга молик тадбир эди. Бу тадбирни амалга ошириш ишига ваколатхона ходимлари ўз улушларини қўшдилар. 1928 йилда республика мухтор вакилининг ташаббуси билан икки вагон радио станциялар қурилмалари Москвадан Тошкентга жўнатилди.[2]

Мухтор ваколатхона ходимлари бу соҳада катта ёрдам кўрсатиб, республика халқи маънавиятини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшдилар. Лекин, совет ҳукумати даврида радиоэшиттириш ўзининг бутун моҳияти ва йўналиши билан синфий — мафкуравий бўлганлиги, тингловчилар тафаккурини муайян бир андозага тушириш воситаси бўлиб хизмат қилиб келди.

---

[1] ЎзР МДА, 1807 — жамғарма, 1—рўйхат, 81—иш, 1—3—варақлар.
[2] Ўша жойда, 76—иш, 17—бет.

Мухтор ваколатхона фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири республикамизда соғлиқни сақлаш тизимини яратиш ва аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишга мадад беришдан иборат бўлди. Амалга оширилган тадбирлар туфайли ўлкада бу соҳада дастлабки ижобий силжишлар рўй бера бошлади. Умумий ва ихтисослаштирилган тиббий муассасалар тармоғи—касалхоналар, поликлиникалар амбулаториялар, консультация ва бошқа тиббий—шифокорлик муассасалари барпо этилди ва кенгайтирилди. Маблағ ва бошқа воситалар етишмаслигига қарамай аҳолини турли касалликларга қарши эмлаш ишлари амалга оширилди, чечак, безгак, сил, ришта касалликларига қарши курашга айниқса катта эътибор берилди. Ўша йиллари қишлоқлардаги даволаш—профилактория тармоғи ҳали зарур андозаларга жавоб бера олмас эди, тиббий муассасаларнинг моддий базаси жуда заиф эди, уларнинг кўпчилиги мослаштирилмаган ёки кам мослаштирилган бинoларга жойлаштирилган эдилар. Республиканинг қишлоқ жойларидаги касалхоналардаги ўринлар сони ўсиб бораётган бўлса—да, лекин аҳолининг талабларини ҳали ҳеч қанча қондира олмас эди. Қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатишнинг аҳволи танглигича қолаверди. Ана шундай шароитда республика мухтор ваколатхона ходимлари марказий ҳукуматнинг тегишли ташкилот ва муассасаларидан Ўзбекистон ССРнинг ўсиб бораётган тиббиёт эҳтиёжлари учун зарур маблағ, тиббиёт асбоб—анжомлари, дори—дармонлар ундириб етказиб беришда, мутахассис тиббий ходимларни ўлкага юборишда катта амалий ёрдам кўрсатиб турдилар.

Мухтор ваколатхона ходимлари вабо, тепкили терлама ва шу каби юқумли касалликларга қарши кураш олиб бориш учун марказдан тегишли дори—дармон ва маблағлар ундириб юборишга ҳаракат қилди.

1927—1929 йилларда Ўзбекистон ССРда безгак эпидемияси жуда оммавий тус олиб кетган ва бутун республика ҳудудига ёйилган эди. Лекин, республикада бу касалликка қарши самарали кураш олиб бориш учун дори—дармон ва малакали шифокорлар етишмас эди.

Бу муаммони ҳал этишга ҳам мухтор ваколатхона ходимларининг жиддий аралашишларига тўғри келган эди. 1928 йил март ойида Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети республиканинг Москвадаги мухтор ваколатхонаси номига телеграмма йўллаб, унда Ўзбекистон ҳудудини безгак эпидемияси чулғаб олганлиги, кунига шу касалликдан 3—4 киши ҳалок бўлаётганлиги, Бухоро вилоятида аҳолининг 70 фоизи ушбу касалликка чалингани, аҳвол шундай бўлишига қарамай унга қарши курашиш имкониятлари жуда чекланганлиги алоҳида қайд этилиб, мазкур эпидемияга қарши курашга жиддий ёрдам уюштиришни сўраган эди.

Эпидемияга қарши курашиш учун биринчи навбатда республикага хинин жўнатиш зарур деб уқтирилди. Шу мақсадда Ўзбекистонга зудлик билан 3 минг килограмм хинин, 1 минг килограмм офиз ва мазкур касалликка қарши кураша оладиган юқори малакали врачлардан 100 киши жўнатишингизни илтимос қиламиз.[1] Мухтор ваколатхона ходимлари бу илтимосни бажо келтириш учун озмунча куч—ғайрат сарфламадилар ва бу билан ўлкада кенг тус олган эпидемияни бартараф этиш ишига муносиб ҳисса қўшдилар.

Лекин ўлкада юқумли касалликлар ялпи тарқалишининг олдини олиш ва унга қарши кураш муаммосини фақат марказдан мутахассислар чақириш йўли билан бартараф этишга умид боғлаб бўлмас эди. Умуман республикада олий ўқув юртлари, шу жумладан тиббиёт олий ўқув юртларини ташкил этишда мухтор ваколатхона ходимлари, шахсан Ўзбекистон ССРнинг Москвадаги мухтор вакили

[1] ЎзР МДА, 1807—жамғарма, 1—рўйхат, 86—иш, 12—варақ.

Одилийнинг хизматлари катта бўлди (у 1928—1929 йиллари ш лавозимда бўлган).

Мухтор вакил Одилий СССР Маориф Халқ Комиссарлигига 192 йил 19 январда мурожаат қилиб, ундан Ўзбекистонда юқори малакал мутахассис кадрлар тайёрлаш учун олий ўқув юртлари очишга ёрдам беришни илтимос қилган эди. Янги ташкил этиладиган олий ўқув юртлари учун катта маблағлар ажратилиши талаб қилинар эди. Мухтор ваколатхона ходимларининг саъй—ҳаракатлари туфайли ана шу ўқув юртларини ташкил этиш, режага қўшимча равишда 1,5 миллиард сўм маблағ ажратилди.[1] Натижада 1929—1931 йилларда қатор олий ўқув юртлари (уларнинг кўплари Ўрта Осиё давлат университети факультетлари базасида, жумладан Тошкент политех— ника интитути, Қишлоқ хўжалигини ирригация ва механизациялаш инженерлари институти, Молия ва иқтисод институти, Тўқимачилик институти, Темир йўл транспорти институти ва Тошкент медицина институти очилди.[2]

Мазкур олий ўқув юртларининг барпо этилиши республикада фан ва маданиятнинг юксалишида, халқ хўжалиги турли тармоқлари эҳтиёжлари учун юқори малакали кадрлар тайёрлашда катта аҳамиятга эга бўлди. Мухтор ваколатхона ходимлари мазкур олий ўқув юртлари учун зарур дарслик ва адабиётлар яратиш, уларни ўқув қуроллари билан таъминлаш ишига ҳам муносиб ҳисса қўшдилар.

Республика мухтор вакиллиги РСФСРнинг мутасадди органлари, бошқа иттифоқдош республикаларнинг Москвадаги мухтор вакилликлари, ва бошқа ташкилотлар билан ҳам илмий ва маданий масалаларда ҳамкорлик қилиб келди, айниқса мутахассис кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳамкорлик қилиш унинг фаолиятида муҳим ўрин тутди.

---

[1] Хасанов К. ЦК ВКП(б(в борьбе за построение социализма в Средней Азии (1924—1937гг.), Т., «Фан», 1968, стр.97.
[2] Ўша ерда.

1925 йилда ўз фаолиятининг энг бошидаёқ мухтор вакиллиги СССР Фанлар академиясининг СССР Халқ Комиссарлар Совети комиссияси тайёрлаган биринчи Устави лойиҳасини муҳокама қилишда фаол иштирок этди ва мазкур комиссия таркибига ўз вакилини киритган эди. Мазкур Уставда Фанлар Академиясининг фаолияти ва унинг тузилиши юзасидан кўпгина таклиф ва муҳим мулоҳазалар таърифлаб берилган эди.

1955 йил апрель ойида Ўзбекистон ССРнинг Москвадаги мухтор вакили Бўри Одилович Одиловнинг Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раисига йўллаган маълумотномасига кўра 1955 йилга келиб мамлакатнинг Москва, Ленинград ва бошқа йирик шаҳарларидаги олий ўқув юртларида жами 668 та ўзбекистонлик талабалар таҳсил олган.

1955 йил бошида Москва шаҳрида Ўзбекистонлик 82 аспирант, 6 докторант таълим олиб, илмий даража олиш учун диссертация тайёрлаётган эдилар. Ленинград шаҳрида эса 20 аспирант таҳсил оларди. Ўзбекистон ССРнинг мухтор вакиллиги худди мана шу соҳада республика учун олий малакали илмий ходимлар — фан номзодлари ва фан докторлари тайёрлаш борасида ҳам анча самарали ишлар олиб борди. Бу борада айниқса мухтор ваколатхонанинг илмий, маориф ва соғлиқни сақлаш бўлимларининг фаолиятлари эътиборга лойиқдир.

Кейинги йилларда ҳам Ўзбекистондан юзлаб йигит ва қизлар РСФСР, Украина, Белоруссия каби иттифоқдош республикаларнинг олий ўқув юртларига таълим олиш учун юборилиб турилди. Мухтор ваколатхона ходимлари Ўзбекистондан келган ёшларнинг ўқиши, шунингдек, чет элларга юборилган талабаларнинг ўқиши, стипендия таъминоти, уларга турли хил моддий ёрдам кўрсатиш, тураржой билан таъминлаш, маданий хордиқ чиқариш ишларини ташкил этиш билан фаол шуғулланиб келганликларини биз суҳбатда бўлган собиқ

мухтор вакиллар — Р.С.Қосимов, А.И.Фозилбеков ва Э.Т.Турсуновлар ҳикоя қилиб бердилар.

Ўша йилларда ўзбекистонлик талабалар сони йилдан—йилга ортиб борди. Жумладан, 1990 йили биргина Москва шаҳридаги олий ўқув юртлари ва илмий—текшириш институтларида Ўзбекистондан 600 дан ортиқ талаба ва 350 тадқиқотчи ҳамда аспирантлар таҳсил олдилар.[1] Таълим муддатини тугатиб диплом олган ёш мутахассислар мухтор вакиллик орқали Ўзбекистон ССРга юборилар ва бу ерда иш билан таъминланар эдилар.

Мухтор вакиллик олий ўқув юртлари ва илмий—тадқиқот институтлари билан мунтазам алоқада бўлиб турар ва уларда таҳсил кўраётган талаба ва аспирантларнинг ўқиши, яшаш шароитларидан хабар олиб турар, моддий ёрдам кўрсатар, уларнинг контингентини сақлаб қолиш ҳақида ғамхўрлик қилиб турар эди. Шу ният билан мухтор ваколатхона ходимлари олий ўқув юртларига ва талабаларнинг ётоқхоналарига борар, улар билан суҳбатлар ўтказиб туришар эдилар. Улар талабаларнинг ўқиши, ўзлаштириши ҳақида олий ўқув юртларининг раҳбариятидан мунтазам равишда ахборот олиб турар эди. Улгурмовчи талабалар билан мухтор вакиллик ходимлари алоҳида иш олиб бориб, улар учун қўшимча консультациялар ташкил қилишар эди.

Мухтор вакиллик юқори малакали илмий—педагогик кадрлар — фан номзодлари ва докторлари тайёрлаш масаласи билан ҳам яқиндан шуғулланиб борди. 1983 йилда СССР Фанлар академиясининг илмий—текшириш институтлари ва СССРнинг бошқа вазирликларига қарашли институтларида Ўзбекистондан 350 аспирант ва тадқиқотчилар таҳсил олдилар. Мухтор ваколатхона ходимлари уларнинг ўқиши ва илмий ишларининг аҳволи билан қизиқиб, аспирантлар совети йиғилишларида фаол қатнашиб бордилар.

[1] Ўзбекистон ССРнинг Москвадаги Мухтор вакиллигининг жорий архивидан, 1990 йил.

Ваколатхона Россиянинг қатор олий ўқув юртларида таълим олаётган талабалар ҳақидагина эмас, балки Москвадаги саноат корхоналарида ишлаб, шу ерда истиқомат қилувчи ўзбекистонлик йигит-қизлар тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилиб келди. Республиканинг Москвада ўша йиллари доимий вакили бўлиб ишлаган А.И.Фозилбеков бу ҳақда мана бундай маълумотларни келтириб ўтди: «Ўзбекистонлик анчагина ёшлар Москвадаги бир қатор заводларда, жумладан ЗИЛ, «Москвич», Подшипник каби заводларда ишлар эдилар. Биз улардан хабар олиб, маданий хордиқ чиқаришлари учун Ўзбекистондан артистларни жалб қилар эдик. Ҳар бир заводда камида 500 нафардан 1000 нафаргача ўзбек йигит-қизлари келиб ишлар эдилар (асосан Хоразм, Бухоро томонлардан)». Улар ушбу заводларда ўз малакасини ошириб қайтарди.

Собиқ мухтор вакил Р.С.Қосимовнинг таъкидлашича, ваколатхона Москвага Ўзбекистондан келган соғлиғи ёмонлашиб қолган кишиларга тиббий ёрдам уюштирар, уларни шифохоналарга жойлаштириш масалалари билан ҳам шуғулланар эди.

Хуллас, Ўзбекистон ССРнинг Москвадаги мухтор ваколатхонасининг республикадаги маданий қурилиш вазифаларини бажаришда ўз ҳукуматига амалий ёрдам беришга йўналтирилган фаолияти ҳам кўп қиррали бўлган. Мухтор ваколатхонанинг бу соҳадаги фаолияти, марказ билан муносабатлари силлиққина борган эмас, албатта. Мамлакат ҳаётида маъмурий-буйруқбозлик тизимининг мустаҳкамланиб, илдиз отиб бориши мухтор вакилликнинг самарали иш олиб боришини қийинлаштирмай қолмади, қатағонликнинг машъум панжалари унинг фаолиятига ҳам чанг солмай ўтмаган. Ана шундай зиддиятли, ғоят мураккаб шароитларда фаолият кўрсата бориб, мухтор вакиллик ўз ҳукуматининг масъул топшириқларини адо этишга ҳаракат қилиб, республикадаги маориф ва соғлиқни сақлаш тизи-

мидаги моддий таъминотни йўлга қўйишда имкониятлари доирасида иштирок этди.

ХУЛОСА

Истиқлол шарофати билан Ватанимизнинг бой ва бетакрор тарихини ҳаққоний ва холисона ёритиш учун кенг имконият уфқлари очилди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистоннинг янги тарихи»ни тайёрлаш ва нашр этиш тўғрисида»ги қарори, Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг бу борадаги ишларга алоҳида эътибор бераётганлигининг яққол ифодасидир.

Совет тузуми даврида бошқа соҳалар қатори тарих ҳам маълум маънода қатағонга маҳкум этилган эдики, ҳатто тарихчи—олимлар маълум—машҳур ҳақиқатларни баралла изҳор этиш ҳуқуқидан маҳрум эдилар. Эндиликда маънавий муҳит тубдан ўзгарди ва биз учун ўтмишимизни, тарихимизни ҳаққоний, холисона таҳлил этиш, ёритиш учун барча имкониятлар туғилди.

Ўзбек халқи тарихини сиёсий ақидалар ва ғаразгўйлик билан, бирёқлама, бузиб, сохталаштириб талқин ва таҳлил этишларига чек қўйилганлиги маънавиятимизни, шу жумладан тарих фани жабҳасини ҳам поклашда муҳим воқеа бўлди.

Ватанимиз тарихи эндиликда янгидан ўзининг чин маъноси билан тикланаяпти. Бу қайд давлатчилигимиз, миллий давлатлар ташқи сиёсати фаолияти, элчилик ва дипломатик муносабатлари тарихига ҳам бевосита тааллуқлидир. Ўзбек халқи қадимий саждагоҳларимиз заминида қарор топган илк давлатлардан тортиб, ҳудудимизда фаолият кўрсатган энг сўнгги миллий ўзбек давлатлари—хонликларгача давлатчилик тараққиётининг яхлит, бир бутун ва ўзига хос тизимида яшади, шу тизимнинг узвий халқаларини ташкил этдилар. Модомики шундай экан, у бошқа халқлар, элатлар, давлатлар билан алоқада,

турлича муносабатларда бўлган. Шу тарихий зарурият тақозоси билан ташқи сиёсат ишлаб чиқиш, бу сиёсатнинг йўналишларини белгилаш ва уни амалга ошириш билан шуғулланадиган арбоблар дипломатия майдонига чиқдилар. Биз ўтмишда халқимиз орасидан етишиб чиққан зукко, ҳар томонлама етук, билимдон, ўз касбини ва зиммасига юк-ланган масъулиятли бурчини чуқур англаган элчилар, дипломатлар, давлат арбоблари билан фахрланамиз. Дунёга кўплаб алломаларни берган юртимиз ўз замини ва халқи ҳақ-ҳуқуқи ва манфаатлари учун садоқат билан хизмат қилган дипломатия ходимларини ҳам берган. Улар ўз юрти, халқи фаровонлиги, равнақи, манфаатлари йўлида катта қийинчиликларни енгиб, изчил фаолият кўрсаттанлар. Элчилик бурчини қандай бажо келтириш, давлат ва халқ манфаатла-рини қандай муҳофаза қилиш лозимлигини ўз дипломатик фаоли-ятларида намоён эттанлар. Бунга биз кўҳна ва ҳамиша навқирон Ту-рон юрти, соҳибқирон Амир Темур салтанати, Ўрта Осиёдаги хон-ликлар даврида қўшни давлатлар билан тиғиз элчилик, дипломатик ва савдо муносабатлари ўрнатилиб, бу алоқалар тобора кенгайиб бор-ганлиги мисолида яққол кўришимиз мумкин. Конкрет тарихий ша-роитлар тақозоси билан Ўрта Осиё халқлари ва давлатлари ташқи сиёсати, дипломатик ва савдо-сотиқ муносабатларининг йўналиш-лари ўзгариб турди. Тарихимизнинг муайян босқичида Ўрта Осиё халқлари давлатларининг шимолдаги энг йирик давлат-Россия им-перияси билан алоқалари, дипломатик муносабатлари тиғизлашиб кетганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Россия подшоҳлик салтанатининг Ўрта Осиёга босқини, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигининг унга бўйсунувчи вассалларга айлан-тирилиши, Қўқон хонлигининг тугатилиши туфайли қадимий тарихга эга бўлган элчилик анъаналарига, миллий дипломатиямизнинг бундан буён ривожланишига чек қўйди. Октябрь тўнтариши эса бу ижти-моий-сиёсий фаолиятларнинг миллийлиги ва мустақиллигини ғоят

чегаралаб, советлар мустабид давлатчилигининг оддий бир ижрочисига айлантириб юборди.

Туркистонга большевиклар томонидан зўрма—зўраки олиб келинган Октябрь тўнтариши ва унинг натижалари ўлка халқларини яна бир мустабид тузум исканжасига солиб қўйди.

Туркистон халқлари иккинчи марта, бу сафар большевиклар тарафидан мустамлака исканжасига олиниб ўз мустақиллигини йўқотди. Совет ҳокимияти ўзи илгари сурган ғоялар қанчалик баландпарвоз, адолатга даъвогар бўлмасин аслида аввалги подшоҳлик тузумининг мустамлакачиликдаги меросхўри бўлди. Большевиклар ҳукумати тузган Туркистон АССР, кейинчалик Ўзбекистон ССР амалда марказга тобе бўлган қарам республика эди. Уларнинг Марказдаги ваколатхонаси эса, мустақил давлатнинг эмас, қарам республиканинг воситачи вакиллиги эди. Чунки Туркистон АССР кейинроқ Ўзбекистон Республикаси на мустақиллик ва на миллий суверенитетга эга эди ва шу туфайли мустақил ички ва ташқи сиёсат ўтказа олган эмас. Расмий равишда Москвада иш бошлаган мухтор ваколатхоналар ўз имкониятлари доирасида муайян фаолият кўрсаттанлар.

— Туркистон АССР, сўнгра Ўзбекистон ССРнинг Москвадаги Мухтор ваколатхоналари, уларнинг шахсий таркиби, раҳбарияти фавқулодда қийин, мураккаб, зиддиятли шароитларда фаолият кўрсаттанлар. Улар ўз республикасининг иқтисодий, сиёсий, маънавий—маданий манфаатларини ҳимоя қилиб, марказ олдига муайян муаммолар, талабларни қўйганлар.

— Мухтор ваколатхоналар ва уларнинг ходимлари Совет ҳукумати истибдоди шароитида, маъмурий—буйруқбозлик тизими қарор топиб, тобора мустаҳкамланиб борган бир муҳитда, айниқса, қатағонликлар авж олган йилларда фаолият олиб борди ва ўз имкониятлари, ваколат ва ҳуқуқлари доирасидан ташқари чиқа олмадилар.

— Мухтор ваколатхоналар фаолияти самарадорлиги кўп жиҳатдан асосий раҳбар шахс — мухтор вакилнинг ижрочилик маҳоратига, иқтидори, ташкилотчилик малакаларига, нуфузи, одамлар билан мулоқот маданияти ва заковатига, умуман вакиллик таркибининг сифатига боғлиқ бўлсада, уларнинг ҳуқуқий имкониятлари ниҳоятда чекланган эди.

Туркистон АССРнинг Москвадаги Мухтор ваколатхонасида турли пайтларда Собиржон Юсупов, Василий Алексеевич Троицкий И.О.Тоболин, М.С.Исаев, Иномжон Хидиралиев каби арбоблар мухтор вакил сифатида фаолият кўрсатдилар.

Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлар Совети (Министрлар Совети)нинг Москвадаги мухтор вакиллари бўлиб эса Шорустам Шоисломов, Ҳамид Ағламов, Акбар Исломов, Одилий, Муҳитдин Турсунхўжаев, Жаҳон Обидова, Юнус Каримов, Бўри Одилов, Ёқуб Алиев, Қосим Раҳимов, Абдужаббор Абдураҳмонов, Рустам Қосимов, Эркин Турсунов, Тўрақул Йўлдошев, Мирзаолим Иброҳимов, Аҳмадбек Фозилбеков, Шукур Камолхўжаев, Акмал Саидовлар фаолият кўрсатдилар.

Мухтор ваколатхона ходимлари, айниқса дастлаб РСФСР, кейинроқ эса Иттифоқ ҳукумати қошидаги мухтор вакиллар ўз республикалари ҳукуматлари номидан Ўзбекистонга тегишли масалалар муҳокама қилинганда Марказий давлат ва ҳукумат органлари ишида қатнашдилар, шу масалалар юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдириб бордилар, иқтисодий, маданий характердаги умумфедерал ҳамда миллий республикаларга тааллуқли тадбирларни тайёрлашда иштирок этдилар ва ўз республикалари манфаатларини ҳимоя қилдилар.

Республикаларнинг Москвадаги мухтор вакилликлари, айниқса улар қошида ташкил этилган тафтиш комиссияси РСФСР ва собиқ Иттифоқнинг бошқа ҳудудларида фаолият кўрсатиб турган ўз рес—

публикалари хўжалик ташкилотлари ва уларнинг ходимлари ин фаолиятини кузатиб, назорат қилиб турдилар ва зарур ҳолларда уларга амалий ёрдам бериб турдилар.

Мухтор ваколатхонанинг фаолияти мамлакат иқтисодий—сиёсий ҳаётида маъмурий—буйруқбозлик тизимининг мустаҳкамланиб, илдиз ота борган сари жуда қийинлашиб борди. Мухтор ваколатхона фаолиятида ўзининг сезиларли хизматлари билан алоҳида из қолдирган, республика манфаатларини собиқ иттифоқ ҳукумати олдида ҳимоя қилишга уринган мухтор вакилларимиздан айримлари Иномжон Хидиралиев, Муҳаммаджон Исаев, Ҳамид Алламов, Ислом Акбаров, Муҳитдин Турсунхўжаев, Шорустам Шоисломов, (Исломов Рустам), Абдураҳим Юсуфзода каби мухтор вакиллар 20—30 йиллардаги қатағон даврининг қурбони бўлдилар. Уларнинг «айби» Ўзбекистон манфаатлари йўлида жонбозлик қилиб, марказ кўрсатмаларидан четга чиққанлигида эди.

Шундай қилиб, мухтор вакиллик ўзининг бутун фаолияти давомида ўз ҳукумати номидан ва унинг топшириқлари асосида иш кўриб, марказ билан республикани боғловчи муҳим халқа сифатида хизмат қилишга интилди. Ўз ҳукуматининг марказ олдига қўйган талаб ва сўровларини рўёбга чиқаришга ҳаракат қилди, республиканинг манфаатларини марказ олдида ҳимоя қилишга уринди. Бироқ йил сайин унинг ҳуқуқ ва ваколатлари марказ томонидан чеклаб борилди, ваколлар фаолиятига марказнинг аралашуви кучайиб борди. Марказ мухтор ваколатхоналардан иложи борича миллий республикалардаги ўз сиёсатининг ижросини таъминловчи аппаратга айлантириш учун ҳаракат қилди. Айниқса, 70—80—йилларда мухтор ваколатхона фаолияти чеклаб қўйилди. Амалда мухтор ваколатхона марказ кўрсатмаларини бажарувчи органга айланиб борди. Бироқ мухтор вакиллар сайъ—ҳаракатлари билан ваколатхона шундай қийин вазиятларда ҳам ўз республикасининг ижтимоий, иқтисодий ҳаётидаги муаммоларни

ҳал этишда маълум даражада хизмат кўрсатиб келди. Шу маънода Ватан тарихида маълум из қолдирган Ўзбекистоннинг Москвадаги мухтор вакиллиги тарихини тадқиқ этиш муайян назарий ва амалий аҳамиятга эгадир.

Ушбу мавзуни тадқиқ қилиб чиқиб, биз амалий аҳамиятга молик бўлган қуйидаги таклифларни ўртага ташлашни лозим топдик:

1. Туркистон АССР ва Ўзбекистон ССРнинг Москвадаги мухтор вакилатхоналарининг фаолияти тарихига оид ҳужжатларни бир жойга жамлаш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Чунки уларнинг фаолиятига оид ҳужжатларнинг бир қисми, яъни 1965 йилга қадар бўлган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг Марказий Давлат архивида сақланса, қолган қисми Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг жорий архивида сақланмоқда. Бу ҳол тадқиқотчилар учун илмий иш олиб боришда муайян ноқулайлик туғдиради.

2. Ватан тарихини янгича ёндашувлар асосида ўрганиш манфаатларини кўзлаб, ТАССР ва Ўзбекистон ССРнинг Москвадаги мухтор вакилликларининг иш фаолиятига оид ҳужжатларни жамлаб алоҳида бир китоб ҳолида нашр этиш зарур. Бу муҳим нашр, шубҳасиз, уларнинг фаолиятини ҳар томонлама ўрганилиб, яхлит бир тизимга солиш имконини беради.

3. Ўрта Осиё мустақил давлатлари тарихчи олимлари иштирокида «Туркистон АССР, Ўрта Осиё республикаларининг Москвадаги Мухтор вакилатхоналари тарихидан» деган мавзуга бағишлаб илмий-амалий анжуман ўтказилиб, унинг материаллари тўплам сифатида чоп этилса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

4. Мазкур вакилатхоналар фаолияти тарихидан жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети ва республика олий ўқув юртлари тарих факультетлари талабалари учун махсус курслар ташкил этилиб, ўқитилса маъқул иш бўлади.

5. Ўзбекистон республикасининг Москвадаги мухтор ваколатхонаси тарихида озми—кўпми хизмат қилиб, эл—юрт ҳурмат ва эҳтиромига сазовор бўлган мухтор вакилларимиз номларини бирон бир шаклда абадийлаштириш лозим.

6. Ўзбекистон мухтор ваколатхонасининг тарихи жуда ҳам оғир кечган тарихдир. Шу боис, ўзбек дипломатиясининг босиб ўтган оғир ва мураккаб йўлини акс эттирувчи хроникал ҳужжатли ва бадиий фильмлар, драматик асарлар яратиш зарур деб ўйлаймиз.

7. Ҳозир қўлланиб келинаётган мактаб ва олий ўқув юртлари—нинг Ватан тарихи дарсликларида мухтор ваколатхоналар фаолияти тарихи деярли ёритилмаган. Шу боис мазкур Ватан тарихи дарс—ликлари ва қўлланмаларида мухтор вакилликлар фаолиятини акс эт—тирган материалларга ўрин берилиши фойдадан ҳоли бўлмас.

Мухтор вакилликларнинг — миллий дипломатия кадрларимиз—нинг ўзига хос оғир ва зиддиятли шароитларда олиб борган фаолиятларидаги диққатга сазовор тадбирлар Мустақил Ўзбекис—тон ташқи сиёсатини, унинг миллий дипломатиясини ривожлан—тиришда фойдаланилиш мумкинлигига ишончимиз комил.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Методологик манбалар

1.1. Каримов И. А. Йўлимиз мустақил давлатчилик ва тараққиёт йўли. Тошкент, «Ўзбекистон», 1992, 38 б.

1.2. Каримов И. А. Халқимизнинг оташқалб фарзанди, Тошкент, «Ўзбекистон», 1992, 31 б.

1.3. Каримов И. А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. Тошкент, «Ўзбекистон», 1992, 62 б.

1.4. И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли, Тошкент, «Ўзбекистон», 1992, 77 б.

1.5. Каримов И. А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Тошкент, «Ўзбекистон», 1993, 250 б.

1.6. Каримов И. А. Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг, Тошкент, «Ўзбекистон», 1993, 171 б.

1.7. Каримов И. А. Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик, Тошкент, «Ўзбекистон», 1993, 48 б.

1.8. Каримов И. А. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли, Тошкент, «Ўзбекистон», 1993, 115 б.

1.9. Каримов И. А. Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати, Тошкент, «Шарқ нашриёти матбаа концернининг бош таҳририяти, 1993, 28 б.

1.10. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Тошкент, «Ўзбекистон», 1994, 302 б.

1.11. Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, «Ўзбекистон», 1995, 266 б.

1.12. Каримов И. А. ўзекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура, 1. Тошкент, «Ўзбекистон», 1996, 363 —бет.

1.13. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. Тошкент, «Ўзбекистон», 1996, 381 б.

1.14. Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. Тошкент, «Ўзбекистон», 1996, 367 б.

1.15. Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. Тошкент, «Ўзбекистон», 350 б.

1.16. Каримов И. А. «Тарихий хотирасиз келажак йўқ». Тошкент, «Шарқ»,1998 й.

2. Эълон қилинган ҳужжатлар

2.1. Акрамов А. «Полпред Республики». Ташкент, «Узбекистан», 1987.

2.2. Акрамов А. «Собиржон Юсупов». Тошкент, «Ўзбекистон», 1964.

2.3. Гордиенко А. А. Образование Туркестанской АССР. Москва, Юридическая литература, 1968 г.

2.4. Материалы по истории Узбекской, Таджикской и Туркменской ССР, часть 1. Ленинград, 1932 г.

2.5. Образования Союза Советских Социалистических Республик Сбор. док. Москва изд. «Наука». 1972 г.

2.6. Революцией призванные (Биографические очерки). Ташкент «Узбекистан», 1991 г.

2.7. Сборник материалов для истории завоевания Туркестанскогс края. 1984 г. Т. III, Ташкент, 1912 г.

2.8. Собрание законов, Указов Президиума Верховного Совета и по-становление правительства УзССР. Т. I, издание Управление делами Совета Министров УзССР. Ташкент, 1947 г.

2.9. Узбекистан за 15 лет. Статистический сборник. Ташкент, 1939 г.

2.10. Хозяйственный культурный рост республик Средней Азии в первое пятилетие после нац. размеживание (1925–1926–1929–1930 гг.). Ташкент, 1930 г.

2.11. Хронологическое собрание действующего законодательство. Молдавской ССР 1958–1959 гг. Кишинев, 1966 г.

2.12. Хронологическое собрание действующего законодательство. Каз. ССР. Алма–Ата, 1966 г.

3. Архив ҳужжатлари.

Россия Федерацияси Марказий Давлат архиви

3.1. 130– Жамғарма, 2–рўйхат, 24, 809 ишлар.
3.2. 130– Жамғарма, 3–рўйхат, 364 «Б», 602 ишлар.
3.3. 1318– Жамғарма, 1–рўйхат, 48, 295 ишлар.
3.4. 1334– Жамғарма, 1–рўйхат, 1, 3, 4, 7, 11, 22, 40, 50 ишлар.
3.5. 1334– Жамғарма, 2–рўйхат, 40 иш.
3.6. 1334– Жамғарма, 12–рўйхат, 20 иш.
3.7. 3969– Жамғарма, 1–рўйхат, 3, 5, 9, 11 ишлар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви

3.8. 9– Жамғарма, 8–рўйхат, 105–иш.
3.9. 13– Жамғарма, 1–рўйхат, 1, 4, 5, 8, 11, 19, 21, 22, 23, 33, 37, 38, 10, 60, 61, 80, 92, 132, 358 ишлар.
3.10. 17– Жамғарма, 1–рўйхат, 2, 43, 337, 357, 358, 672 ишлар.
3.11. 17– Жамғарма, 2–рўйхат, 256 «А» иш.
3.12. 27– Жамғарма, 1–рўйхат, 56 иш.
3.13. 36– Жамғарма, 1–рўйхат, 11, 12, 111 ишлар.
3.14. 72– Жамғарма, 1–рўйхат, 8 иш.
3.15. 837– Жамғарма, 6–рўйхат, 6 иш.
3.16. 1807– Жамғарма, 1–рўйхат, 3, 14, 31, 35, 37, 38, 76, 81, 86, 98 ишлар.
3.17. 1807– Жамғарма, 2–рўйхат, 191, 192 ишлар.
3.18. 1807– Жамғарма, 3–рўйхат, 2, 9, 12, 18,0 41, 42, 58, 71 ишлар.

Андижон вилоят Давлат архиви

3.19. 59— Жамғарма, 1—рўйхат, 74, 92 ишлар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг мухтор ваколатхонаси жорий архиви (1965–1990 йиллар).

4. Газета ва журналлар

4.1. Советский Туркестан. 1918—1921 гг.

4.2. Народного хозяйство в Туркестане. 1918 г.

4.3. Улуғ Туркистон. 1917 й.

4.4. Наша газета. 1918 г.

4.5. Правда. 1925—1985 гг.

4.6. Правда Востока. 1924—1969 гг.

4.7. Халқ дорулфунуни. 1918 й.

4.8. Известия, 1918—1924 гг.

4.9. Ўзбекистон овози. 1991 — 2000 йиллар.

4.10. Андижоннома, 1952—2000 йиллар.

4.11. Фан ва турмуш. 1991—1999 йиллар.

4.12. Маърифат. 2000 й.

4.13. Шарқ юлдузи. 1991—2000 йиллар.

4.14. Ўзбекистон тарихи, 1999—2000 йиллар.

5. Адабиётлар

5.1. Абдушукуров Р. Х. «Октябрская революция, рассвет узбекской социалистической науки и сближения ее с народами СССР». Ташкент, 1962 г.

5.2. Аъзамхўжаев С.С. Туркистон мухторияти. Т.: Фан. 1996.

5.3. Аъзамхўжаев С.С. Из истории борьбы за автономию Туркестана. — Туркистон мустамлакачилиги ва бирлиги учун кураш саҳифалари. Т.: Фан. 1996.

5.4. Аминов А.М. «Экономическое развитие Средней Азии (Со второй половине XIX столетии до первой мировой войны). Ташкент, 1959 г.

5.5. Бартольд В. В. «Туркестанские друзья, ученики и начинатели». Ташкент, 1927 г.

5.6. «Братское содружество Союзных республик в развитии народного хозяйство» (1917— 1971 гг.) Москва, изд. «Мысль», 1973 г.

5.7. Ведомости Лит. ССР, 1974 г. № 14.

5.8. Гафурова К. А. Борьба за интернациональное сплочение трудящихся Средней Азии и Казахстана в первые годы Советской власти (1917—1924 гг.). Москва, 1972г.
5.9. Гуламов Х.Г. «Из истории дипломатических отношений России Бухарским ханством XVIII веке, Т., 1992 г.
5.10. Геллер М, Некрич А. История России. 1917—1995. Том второй: «Утопия у власти» : Книга вторая «Мировая империя», М. 1996 г.
5.11. Голубинский Е. История русской церкви. 1900г., том II.
5.12. Данилевский Г. И. Описание Хивинского ханства (ЗИРБГО, кн, V), 1851.
5.13. Желтова Г. И. Осуществление ленинской национальной политики Туркестанкой АССР (1921—1924), Ташкент, «Наука», 1964.
5.14. «Записка Восточного отд. археологического общество», т.I,Вып. I.
5.15. Збруева А.В. «Древние культурные связи Средней Азии и Приаралья», «Вестник древней истории», —М. 1945 г., № 3.
5.16. Зияев Х.З. Сибирлик ўзбеклар XVI аср — XIX асрнинг бошлари), Тошкент, 1958 йил.
5.17. Зияев Х. З. Ўрта Осиё ва Сибирь (XVI—XIX асрлар), Тошкент, 1962 йил.
5.18. Исторический опыт КПСС в осуществление новой экономической политики. М., «Политиздат», 1972 г.
5.19. Иноятов Х. «Против фальсификации истории победы Советской власти в Средней Азии и Казахстане». Т., 1976 г.
5.20. Касимов Э. Василий Алексеевич Троицкий (1892—1960), «Революцией призванные», «Биографические очерки». Выпуск второй, Т., 1991 г.
5.21. Николаев В. П. Туркомиссия как полномочный орган ЦК РКП(б), «Вопросы истории КПСС», 1958 г. № 3.
5.22. Кольцов А. Развитие Академии наук как высшего научного учреждения СССР (1926—1932 г.г.), Л., Наука, 1982 г.
5.23. К социальному, минуя капитализм. Исторической опыт КПСС по социалистическому строительству в Средней Азии и Казахстане в 1917—1937 г., М., Политиздат, 1974 г.
5.24. Личное дело С. Юсупова. Хранится в Министерстве социального обеспечения РУз.
5.25. Мусо Туркистоний . Улуғ Туркистон фожиаси. 2—жилд. Мадина.1978 й.
5.26. Муҳаммаджонов А., Неъматов Т. Н. Бухоро ва Хиванинг Россия билан муносабатлари тарихига доир баъзи манбалар. Тошкент, 1957 йил.
5.27. Мирҳамидов М Постоянное представительство Совета Министров Союзной Республики при Совете Министров СССР (по материалам Узбекской ССР), автореф.дисс. канд. юрид. наук. Ташкент, 1983 г.

5.28. Мирҳамидов М. Постпредство уполномочено сообщить. Ташк «Узбекистон», 1989 г.
5.29. Мухитдинов Н. Кремлда ўтган йилларим. Т.: Ўзбекистон. 1995
5.30. Назаров М. Х. Туркистон коммунистларининг гражданлар йилларида буюк давлат шовинистлари ва буржуа миллатчиларқарши кураши. Тошкент, 1955 йил.
5.31. Назаров М. Х. Туркистон – интервенция ва гражданлар урдаврида (1918–1920 йй..) Тошкент, 1961 йил.
5.32. Назаров С. Руководство ЦК РКП(б) – партийное строительс в Средней Азии. Ташкент, «Узбекистан» 1972 г.
5.33. Неъматов Т. Хива ва Россия муносабатлари тарихидан (асрнинг 20–50 йиллари). Тошкент, 1950 йил.
5.34. Остроумов Н. Бухарские и Хивинские посольства в Росси русские посольства в Бухаре и Хиве. «Туркестанские ведомост 1907 г. № 89.
5.35. «Памятная книжка Замадской Сибирии». Омск, 1881 г.
5.36. Потанин Н. Записка о Кокандском ханстве хорунжего Патан (1831), Вестник РГО. Т. ч., 18, СПБ стр. 185.
5.37. Раджабов С. А. В. И. Ленин и советская национальная госуда ственность. Душанбе, 1970 г.
5.38. «Русско–индийские отношения XVII в.» Сборник документ 1958 г.
5.39. Семенов А. А. К Истории дипломатических отношений меж Россией и Бухарой в начале XIX века. «Известия АН УзСС Ташкент. 1951 г. № 21.
5.40. Соатов С. Ўзбекистон ССР тарихидан ўқув қўлланмаси. Тош кент. «Ўқитувчи». 1973 йил.
5.41. Соловьев С. М. История России – 1872. том IV.
5.42. Терентьев М. А. История завоевания Средней Азии. том I, СП 1906.
5.43. Тулепбаев Б. А. Осуществление ленинской аграрной полити партии в республиках Средней Азии. М., «Мысль», 1967.
5.44. Турсунов Х. Т. Национальная политика коммунистической пар тии в Туркестане (1917–1924 гг.). Ташкент, 1971.
5.45. Туркестан в начале XX вв. к истории истоков национальн независимости. Т.: Шарқ. 2000.
5.46. Тўхтахонов У. Совет–Хива муносабати ва унинг ривожланиш (1917–1920 йиллар). Тошкент, 1960 йил.
5.47. Уразаев Ш. З. Туркестанская АССР первое социалистическ государство в Средней Азии. Ташкент, 1965 г.
5.48. Фахнер М. В. Торговля русского государства со странами Вос тока в XVI. Москва, 1952 г.
5.49. Фазилходжаев К. Славный сын Узбекского народа. Ташкент, Ўз бекистон, 1983 г. стр. 3.

5.50. Халфин Н. А. Россия и ханства Средней Азии (первая полов XVI века). Изд. «Наука» Главная редакция восточной литерат М., 1974.
5.51. Халфин Н. А. Присоединения Средней Азии к России (60—9 годы XIX в). Москва, Изд. Наука, 1965.
5.52. Хаников Л. В. Пояснительная записка к карте Аральского мор Хивинского ханства. «Записка РГО», кн. V, 1851.
5.53. Хасанов К. ЦК ВКП(б) в борьбе за построение социализма Средней Азии (1924—1937 гг.). Т., «Фан» 1968 г.
5.54. Шамсутдинов Р. Т. «Жасоратларга тўла ҳаёт соҳиби». Андиж 1991 й. 100 б.
5.55. Шамсутдинов Р. Т. Жертвы репрессии. Андижан, 1994 г. 96 б.
5.56. Шамсутдинов Р. Т. Иномжон Хидиралиев (1891—1928). Инқил жангчилари. Тошкент, 1990 й.
5.57. Шамсутдинов Р. Т. Иномжон Хидиралиев (1891—1928). Революц цией Призванные биографические очерки. Ташкент, 1991 г.
5.58. Шамсутдинов Р. Т. Становление и развитие Советов в Средн Азии (1917—1925 гг.): Проблема общего и особенного. Дисс. док наук. Москва, Институт истории СССР АН СССР, 1987 г.
5.59. Шамсутдинов Р. Т. «Тарихий меросимизга бир назар», Андижо «Мерос», 1994 йил, 154—бет.
5.60. Юлдашев М. Ю. Некоторые документальные данные о свя: Средней Азии с Россией (XVI—XVII вв.), Ташкент, ИАН СО УзССР, 1960, №3.
5.61. Якубовский А. Ю. Феодальное общество Средней Азии и ее торговля с Восточной Европой в X—XV вв., ч. I. МИУТ и ТССР, Л 1932 г.
5.62. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Тошкент, «Ўз- бекистон», 1992, 12 б.
5.63 Ўзбекистон тарихи (1917—1993 йиллар) 9—синф учун, Тошкент Ўқитувчи, 1994 йил.
5.64. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чо Россияси мустамлакачилиги даврида. Тузувчилар Х. Содиқов, Р Шамсутдинов, П. Равшанов, Қ. Усмонов. Т., «Шарқ». 2000 йил.
5.65. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон сове мустамлакачилиги даврида. Тузувчилар: М.Жўраев ва бошқалар. — Т., "Шарқ, 2000 й.
5.66. Қодиров Э.Ҳ. «Ўзбекистон умумий таълим мактабларининг ри— вожланиши (1917—1975 й), Т., 1979 йил.
5.67. Гуломов Иброҳим «Клавихо, Амир Темур ва олтин олмалар», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1993 йил, 28 май.
5.68. Хожиев З. Тошкент ва Россия иқтисодий алоқалари тарихидан (XVIII аср ва XIX асрнинг боши). ЎзССР ФА ахбороти 1961, №3.